


Эшназар Жабборов

**ЖАҲОН АДАБИЁТИ  
ЖАНР ВА ОҶИМЛАРИНИНГ  
ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Эшназар ЖАББОРОВ**

**ЖАҲОН АДАБИЁТИ ЖАНР ВА  
ОҚИМЛАРИНИНГ  
ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Ўқув қўлланма**

**Тошкент  
“MUMTOZ SO‘Z”  
2016**

**УЎК: 821.512.133**  
**КБК 83.4(5Ў)7**

*Мазкур ўқув қўлланмада жаҳон адабиётида кузатилган фаол адабий оқим ва йўналишлар, уларнинг назарий асослари ва бу йўналишлар доирасида ижод қилган адиблар хусусида сўз юритилган.*

*Қўлланма университетларнинг филология ва журналистика факультетлари талабалари, тадқиқотчилар ва соҳа билан қизиқувчи китобхонларга мўлжалланган*

**Масъул муҳаррир:**  
филология фанлари доктори, профессор  
**Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ**

**Тақризчилар:**  
филология фанлари доктори  
**Анвар ОМОНТУРДИЕВ,**  
филология фанлари номзоди  
**Олим УСМОНОВ**

**83.4(5Ў)7**

**Ж**

**Жабборов, Эшназар.**

Жаҳон адабиёти жанри ва оқимларининг ўзига хос хусусиятлари: ўқув қўлланма / Эшназар Жабборов; масъул муҳаррир Ҳ.Болтабоев. – Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2016. – 142 б.

*Термиз Давлат университети Ўқув-услугий кенгашининг  
2015 йил 28 мартдаги йиғилишида наширга тавсия этилган  
(3-сон баённома)*

ISBN 978-9943-4552-9-0

© Э.Жабборов, 2016  
© “MUMTOZ SO‘Z”, 2016

## КИРИШ

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» Таълимнинг ижтимоийлашуви бўлимида кўрсатиб ўтилган талабалар-ёшларнинг адабий-эстетик дунёқарашини бойитиш, уларда гўзаллик туйғуларини қарор топтириш жаҳон адабиётнинг тарихий ва назарий хусусиятларини жамиятимизда олиб борилаётган ишлар орқали амалга оширишга қаратилганилиги билан белгиланади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” номли асарида адабиётга ва унинг жамиятдаги ўрнига мухтасар шундай таъриф келтирган. Жумладан: “Инсонни, унинг маънавий оламини кашф этадиган яна бир қудратли восита борки, у ҳам бўлса, сўз санъати, бадиий адабиётдир. Адабиётни инсоишунослик деб, шоир ва ёзувчиларни эса инсон руҳининг муҳандислари, деб таърифланиши бежиз эмас, албатта” деб таъкидлаган<sup>1</sup>.

Ушбу ўқув қўлланмани яратилган мақсад адабий-эстетик қадриятларнинг миллий ва умумбашарий жиҳатларини, бадиий адабиёт ва адабиёт назариясининг миллат ҳамда жамият равнақидаги ўрнини талабаларга тушунтириш, уларда бадиий асарни чуқур тушуниш, таҳлил, тадқиқ этиш малакасини ҳосил қилиш, жамоатчиликни жаҳон адабиётидаги мазмун ва шакл, мавзу ва ғоянинг моҳияти, оқимлар, йўналишлар билан таништиришга кўмаклашиш, жамиятнинг маънавий манзарасини адабий-назарий тафаккур орқали акс эттиришга, бозор иқтисодиёти жараёнида бадиий адабиётнинг маблағ ва қиймат келтирувчи ҳодисага айланиб кетишига йўл қўймаслик учун амалий кўрсатмалар беради.

Жаҳон адабиёти илдизлари, манбалари, шаклланиш омиллари ҳамда тараққиёт тенденциялари жиддий ўрганилганига қарамай, истиқлол даврига қадар ўзбек маърифий адабиёти, асосан, бир томонлама ўрганилиб келинди. Мустақиллигимиз туфайлигина миллатимиз ва жаҳон маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган Шарқ уйғониш даврини илмий, холис ўрганиш, баҳолаш имкони очилди.

---

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б.116.

Таъкидлаш лозимки, ўзбек адабиётининг жаҳонда ўз ўрни бор. Маълумки, миллий адабиётимиз дунёнинг турли – инглиз, немис, француз, испан, хитой, араб, турк, форс ва бошқа тилларига таржима қилинган. Масалан, Лотин Америкасида жойлашган Аргентина давлатида ўзбек адабиёти етакчиларидан бўлган Ғафур Ғулом асарларини севиб ўқишган. 1956 йил Аргентина пойтахти Буэнос-Айресда Рудольфо Гиолдининг «Эдитериал Фундаментос» нашриётида «Ўзбекистон кўзгуда» китоби босилган. Китобда Р.Ғиолди Ғ.Ғуломнинг Лотин Америкасидаги дўстига бағишлаб ёзган шеърининг испан тилига қилинган таржимаси ва шоир Раул Гонсалес Туноннинг Ғ.Ғуломга атаб ёзган шеъри келтирилган.

Ўзбек адабиётига Европа мамлакатларида ҳам қизиқиш катта. Масалан, 1960 йили Венгрия пойтахти Будапешт шаҳрида «Моракиадо» нашриётида 39 шоирнинг шеърлари тўпланган антологияда ўзбек шоирлари Ойбек ва Ғафур Ғулом шеърлари венгер тилида эълон қилинган.

Германияда эса 1583 йили Йохан Ветцел немис тилига Алишер Навоийни италян тилидан «*Peregrinaggio ditte giovani figliuolidel Redi Serendippo per opera di M.Christoforo Armeno della Persiana nell' Italiana lingua traportato*», яъни «Шоҳ Сарандибнинг уч навкирон ўғлонларининг қандай қилиб зиёратга боргани / Жаноб Христофор Армений форсийдан италян тилига ўгирган» таржимаси биринчи бўлиб немис тилига оширилган таржималардаи ҳисобланади. Бу каби ҳодисаларни юзлаб келтириш мумкин. Бироқ ушбу ўқув қўлланманинг мақсад ўзбек адабиётининг дунёвий миқёсда танилиши эмас, балки жаҳон адабиётида сўнги икки юзликда кечаётган адабий ҳодисаларни тушунишга ёрдам бериши учун мавжуд оқим ва адабий йўналишларнинг моҳиятини аниқлаш, фаол адабий йўналишларга баҳолият кудрат шарҳлар бериш ва уларнинг ўзбек адабиёти учуи эътиборли жиҳатларига урғу бериш орқали ўзбек китобхонларини шундай адабий концепция, оқим ва йўналишлардан хабардор қилишдан иборат.

## 1-мавзу. Жаҳон адабиётида адабий жанр ва унинг хусусиятларининг ўзгариши.

*Жанр муаммолари, бадиий-эстетик хусусиятлар, жанрлар ўзгариши каби категорияларини тушунтириб бериш.*

**Калит сўзлар:** жанр, назм, наср, умумдунёвий сўз, санъат, воқелик, эпос, драма, фоҳсиа, комедия, роман, қисса, ҳикоя, достон, новелла, фольклор, глобал тенденциялар, марсиа, мадҳия, сонет, детектив, абсурд, адабий ҳодиса, детектив.

Адабиётда жанрлар туркумининг иайдо бўлиши адабиёт таракқиётига қанчалар хизмат қилмасин, унинг бойиши ва ранг-баранглашувида бевосита ижодкор услуби сингари адабий ҳодисанинг мавжудлигини қайд этиш лозим. Жанр – санъатининг тур ва хил тушунчаларини уйғун тарзда акс эттирадиган ва инсоннинг воқеликка эстетик муносабатини умумлашган ҳолда ифода-лайдиган бадиий-эстетик тушунчадир. “Жанр” тушунчаси адабиётни, санъатини туркумлаб ўрганиш заруриятидан келиб чиққан. Унда бадиий ҳодисаларнинг муайян турига хос бўлган эстетик умумийлик намоён бўлади. Жанр муаммосини менсимаслик санъат назариясини асл адабий, фалсафий ва социологик ёндашишдан маҳрум этади.

“Жаир” тушунчаси талқини у ёки бу санъат тури ва хили доирасида шаклланган бадиий асарнинг мўътадил кўриниши тарзида қарор топган бўлади. Масалан, бадиий адабиётнинг турлари сифатида *эпос, лирика, драма* идрок этилса, унинг жанр (кўриниш)лари тарзида *роман, қисса, ҳикоя, достон, марсиа, мадҳия, сонет, фоҳсиа, комедия* ва ҳоказо англанади. Бундай таснифни санъатнинг бошқа турларида ҳам кўриш мумкин: рангасвирда манзара, тарихий сурат, расм, натюрморт ва бошқалар. Жаир кўринишлари қадимдан шаклланган бўлиб, мусиқий ижодда ҳам ўзига хос жанрлар тизими мавжуддир. Санъат турларида “жаир” тушунчаси муайян асарнинг мазмуни билан белгиланади. Воқеликни ўзига хос тарзда тасвирлаш услуби ўша асарининг жанрини келтириб чиқаради. Мисол учун, драматик турининг фоҳсиа, комедия, драма каби жанрларга бўлиниши воқеликнинг фожеали, кулгили, драматик томонларини акс эттиришдан келиб чиқади. Жаир мазмуни

мураккаб ва кўпқатламлидир. Жанр мазмуни ўз таркибида тур, хил, кўринишнинг ўзига хос мазмундорлигини ҳам ифодалайди.

Жанр – бадиий асар тури бўлиб, кўплаб бадиий матнларни ўзида бирлаштиради ва қуйидаги тўрт омилга кўра: 1) мавзу, баённинг предмети билан (Арасту ҳаким "Поэтика"да тасвир предмети – муҳим жанрий омилдир, деб ёзган); 2) муаллифнинг нуқтаи назари ва муносабати орқали; 3) ҳаётий материалнинг эстетик хусусияти (юксак, фожиавий, комик, сентиментал в.б.) билан ва 4) аёнана, яъни ҳар бир адабий йўналиш ўзининг жанрлар тизимига эгаллиги билан бирлаштирилади<sup>2</sup>.

Бевосита мавзуда англамоқчи бўлган детектив жанри хусусиятига кўра кишини ўйлашга мажбур қиладиган, жумбоқли ва оммабоплиги билан ўз аудиториясини кенгайтириб бормоқда. Бошқа жанрларни олсак, айтайлик, фожа жанрида ҳаётнинг фожиали тўқнашувлари ва томонлари акс этиши билан бирга унда ҳаёт тўқнашувларининг инсон иродаси, интилишлари ва эътиқодларида намоён бўлиши ифодаланади.

Санъаткор воқеликни жанрий-эстетик нуқтаи назари орқали идрок этади ва баҳолайди, ўз бадиий режасини амалга ошириш учун у ёки бу жанрга мурожаат қилади, муайян мазмунни ўзлаштиради, воқеликка ўз муносабатини билдиради. Жанрлар ўз мазмуни ва хусусиятларига кўра, томошабин, ўқувчи, эшитувчининг у ёки бу талаб-эҳтиёжларига мос тарзда таъсир ўтказади. Фожа жанри ҳам детективдан фарқли ўларок, инсон ҳис-туйғусига таъсир ўтказишнинг алоҳида тури сифатида томошабин ёки ўқувчини чуқур ўйга толдиради, комедия кулдиради, роман, қисса ўқувчининг фикр-туйғулари ва ҳаёлларига ўзгача таъсир этади. Шу маънода жанр ижтимоий-тарихий тушунча бўлиб, унинг ривожланиш ва ўзгариш, бирининг йўқолиб, иккинчисининг вужудга келиш жараёнлари соф санъат доирасидан ташқарндаги ижтимоий омилларга боғлиқ. Шу билан бирга жанрда санъат тараққиётининг мустақиллиги қонуниятлари ҳам намоён бўлади. Жанрларнинг янгиланиб туриши, санъат куч-қудратининг рамзий ифодаси, унинг ҳаётий ва ғоявий мазмундорлиги гаровидир. Бу ҳол буюк санъаткорлар ижодида намоён бўлиб келган ва ҳозир ҳам бу аёнана давом этмоқда.

---

<sup>2</sup> Борев Ю.Б. Энциклопедический словарь эстетики и теории литературы / Электронная версия. М., 2008. С. 204.

Бадиий адабиётда жанр муаммоларига бағишланган турли дарслик ва қўлланмаларда, тадқиқотларда унинг икки жиҳати алоҳида фарқлаб кўрсатилади: а) жанр ҳақидаги таълимот; б) назарий ва амалий фаолиятни ташкил этишнинг тамойил ва усуллари мажмуаси. Шунингдек, жанрга илмий изланиш назарияси ва амалиёти ҳақидаги таълимот сифатида ҳам урғу берилади.

Биобарин, жанр, мутлақлаштирилмаган ва идеаллаштирилмаган ҳолда, инсон тасаввури ва тафаккури кашф этган барча илмий-ижодий кашфиётларни тадқиқ этишнинг турли хил воёита ва усуллари мажмуидир. Демак, илм-фан, адабиёт ва санъатнинг барча турлари ва жанрларига мансуб асарлар муайян методологик тамойиллар асосида тадқиқ ва талкин этилади. Ҳар қандай соҳанинг методологик тамойилларини аниқ белгилаш мазкур соҳанинг услубий асосларини топиш демакдир.

Таниқли адабиётшунос Қозоқбой Йўлдошев фикрича, хос одамларга аталган адабий асарларда улар қахрамон сифатида тасвирланган бўлса, кейинги давр адабиёти ўз «эстетик аршидан тирикчилик заминига тушиб» ижтимоий ҳаётни ва турмуш ташвишларига кўмилган оддий одамларни, уларнинг куйдалик ўй-хаёлларини тасвирлай бошлаган адабиётга айлана борган. Олим бу фикри билан адабиёт бугунги кунда жўнлашиб, детектив жанрида ўзилаётган асарларнинг кўпайиб бораётганлигига ҳам ишора қилган бўлиши мумкин. Дарҳақиқат, шу қарашга кўра, адабиётнинг назифаси ҳам ўзгара бошлаган. Яъни адабиёт ўзининг соф санъатлигидан чекиниб, ижтимоий муаммоларни кўтариб чиқадиган, ташвиқот қиладиган ижтимоий-эстетик ҳодисага айланган. Шу боис, унда халқчиллик кучли, тили жонли халқ тилига яқинлашди, жанр имкониятлари кенгайди. Олимнинг хулосаларига кўра, бу ўзгаришлар бошданок ижтимоийлашган ғарб адабиёти таъсирида юзага келди ва айниқса, шўро даври адабиётида авж олдирди. Оқибатда адабиёт нафақат ижтимоий мазмун касб этди, аynи чоғда, ҳоким мафкура ғояларига хизмат қилиб, ҳукм-хулосалар чиқариб, қарорлар қабул қилувчи давлат ишига айлантирилди. Адабиётда инсоннинг ўзи эмас, унинг фаолияти тасвири етакчилик қила бошлади. Ҳозирги адабиётшуносликда эса ундан ҳам ночорлик бошланди. Яъни, жаҳон адабиёти баъзи жанрларнинг йўқолиши ва айримларининг пайдо бўлиши ҳисобига табиий равишда унификациялаша бошлади.



Юқорида фикри келтирилган олим қарашларида шўро даври адабиётига нописанд муносабат сезилмайди. Унинг ўзи таъкидлаганидек, бу даврда адабиёт кўп нарсаларга эришди ҳам, роман, қисса, ҳикоя каби ўнлаб жанрлар ўзлаштирилди. Қозоқбой Йўлдошев мақолаларида бадий адабиётнинг эстетик жиҳатига, яъни унинг «соф санъат» эканлигига ургу қаратади. Айни чоғда, адабиётнинг оммавий бўлиши лозимлигини инкор қилади. Диди юксак, савияси ўта юқори кишилар – хос одамларга мўлжаллаб ёзилган асарларнигина чинакам санъат намуналари, деб ҳисоблайди. Шу нуқтаи назардан, олим бадий асарнинг мафкуравийлигини ҳам инкор этади. Мустақилликдан кейинги янги адабиётни аслига – «соф санъат»лигига қайтаётган адабиёт сифатида кўради ва уни ўйта асосий хусусиятини шарҳлайди.

Адабиётшунос Дилмурод Қуронов эса, бу каби қарашларга муносабат билдираркан, айти муаммоларни узил-кесил ечимга эга, аниқ-тиниқ ҳукм-хулосалар чиқаришнинг имкони бўлмаган тушунчалар сирасига киритади. У Чўлионнинг «Адабиёт надур?» деган мангу саволини ўртага қўяркан, мазкур саволга турли даврларда турлича жавоблар берилганлигини, бироқ бугунги кунда ҳам ушбу савол кун тартибдаги асосий масала бўлиб қолаётганлигини таъкидлайди. Асарнинг яратилиши, яъни генетик жиҳатига кўра ижтимоий ҳодиса, деб баҳолаган мунаққид фикрича, бадий асарда ижтимоийлик билан шахсийлик қоришиқ ҳолда келади, фақат уларнинг даражаси, нисбати турли асарларда турлича намоён бўлади. «Инсоннинг кўнглидаги туйғулар, изтиробу қувончлар кслиб чиқиши жиҳатидан ижтимоий эмас-ми?»<sup>3</sup> Б.Саримсоқов фикрича, «Сўз воситасида образ яратиш бадийликнинг моҳиятини белгилайди»<sup>4</sup>. Олим кузатишлар жараёнида ўз қарашларини чуқурлаштириб, бадий образ ва образлиликнинг эстетик моҳиятини очишга ҳаракат қилади. У фикрини давом эттириб ёзади: «Шу боис ижодкорларга бир хилда мос келувчи бадийликиннинг умумий мезонларини белгилаб бўлмайди. У адабий турлар, адабий жанрлар, ижодий методлар, адабий оқим ва мактаблараро, индивидуал ижодлараро, қолаверса, айти бир ижодкорнинг турли даврлардаги асарлариаро тафовутланувчи ҳодиса-

<sup>3</sup> Қуронов Д. Адабиёт надир ёки Чўлионнинг мангу саволи. – Т.: Zarqalam, 2006. – Б.21.

<sup>4</sup> Саримсоқов И.Б. Бадийлик асослари ва мезонлари. – Т., 2004. – Б.5.

дир»<sup>5</sup>. Айни пайтда, олим бадийликнинг умумий мезонларини нисбий характерда бўлса ҳам белгилаш зарур, деб ҳисоблайди, жаҳон адабиётшунослигида бу борада уринишлар борлигига эътиборни қаратади. Уларга суянган ҳолда бадийлик мезонларини қуйидагича белгилайди: мазмун ва шакл бирлиги ва уларнинг уйғунлиги; тасвир ёки ифоданинг ҳаққонийлиги; тасвир ёки ифоданинг аниқлиги; бетакрорлик (оригиналлик); эстетик баҳо; шартлилик миқёси ва даражаси; тил бадийяти.

Мазмун ва шакл борасида изланиш, чуқур кетиш, бизнингча, дестектив жаирнинг пайдо бўлишига олиб келди. Икки машҳур ёзувчининг кўпчиликлари маълум бўлган бир суҳбатини шу ўринда эслаб ўтиш жоиз. Америкалик ёзувчи Эриест Хемингуэй ҳамкасби Френсис Фицджеральддан “Сиз буюк ёзувчисиз, бир романингизни ўқиганимда одам боласи бунақа романи қандай ёзди экан-а, деб ҳайратга тушган эдим, лекин бошқа бир романингизни ўқисам, бульвар романларидан фарқи йўқ, нега бунақа?” деб сўраганида, у мен унинг битгасини ўзим учун, иккинчисини пул учун ёзаман, деб жавоб берган экан. Балки Фицджеральд ҳам ўзинча ҳақдир, лекин кейинги пайтларда, асосан, пул учун ёзиладиган адабиёт ва унинг бир хил қолипдаги, ўта оммабоп жанрлари пайдо бўлмоқда. Адабиёт балки телевизион шаклга кўча бошлагани учун шундай бўлаётгандир.

Шу билан бирга телевизион асар савиясини фақат томошабин белгиламайди. Бу фикр ҳам баҳсли. Агар томошабин тасвирга олинган бадий асар савиясини белгиласа, киноматографлар ва томошабинлар жамоасининг ижодий танлови тораёди. Масалан, саксонта томошабин дестектив, маиший, кулгули, комедия жанридаги фильмни хоҳласа, ўн беш нафари жиддий фильми танлайди, қолган бештасига миллий-маънавий жиҳатига эътибор берилган мумтоз фильм ёқади. Шу маънода бугунги кунда жанрларнинг объект ва предметлари ўзгариб бормоқда.

Президентимиз тўғри белгилаганидек, “таъкидлаш жоизки, ҳозирги вақтда республикамиз театрларида турли мавзу ва жанрларда кўплаб спектакллар яратилмоқда, ўзига хос ижодий изланишлар давом этмоқда. Айни пайтда, театр санъатимизда ҳам бугунги ҳаётимизни ҳар томонлама чуқур очиб берадиган, афсуски,

<sup>5</sup> Уша китоб. Б.35.

кам эканини тан олишимиз лозим. Аксинча, реал ҳақиқатдан йироқ, одамга катта маънавий озиқ бермайдиган асарлар билан театрлар кассасини тўлдириш ҳолатлари кўпроқ кўзга ташланмоқда. Албатта, ҳозирги даврда бозор иқтисодиёти талабларини ҳам инobatга олиш керак. Бу мақсадга эришиш учун ёш ва истеъдодли драматург ва режиссёрлар, театр актёрларини тарбиялаб вояга етказиш, айниқса, долзарб аҳамият касб этади”<sup>6</sup>.

Президентнинг ушбу фикри бевосита бадиий адабиётга тааллуқлидир. Кишилар маънавий заҳираси бўлаб қолганда, яъни маънавий бўшлиқ юзага келганда унинг ўрнини тўлдирувчи воситалар табиий равишда пайдо бўлади. Буни кимдир даврга, яна кимдир адабиётнинг жўнлашиб, маишийлашиб бораётганига ҳам йўйиши мумкин.

Бугунги кунда глобаллашув таъсирида маънавий эҳтиёжларни қондиришда стандартлашув қарор топа бошлади. Бу жараён рок-ва арт-музыка, видео ва турли жанрдаги арзон-гаров фильмлар, сериаллар, ранг-баранг кўнгилочар шоу-томошалар, ўйинларни қамраб олмақда ва бу жараён тобора кенг ёйилиб бормоқда<sup>6</sup>.

Мавзудан чиқмаган ҳолда тан олишимиз керакки, Ўзбекистонда детектив жанрнинг барча соҳалари ҳали тўлиқлигича ўрганилмаган. Айнан Америка адабиётининг юридик-детектив насри ва Жон Гришем ижоди бўйича илмий тадқиқотлар бажарилмаган. Ўзбекистонда детектив жанр бўйича тадқиқот олиб борган Шодмон Сулаймонов томонидан 1999 йилда “Ўзбек детектив насри генезиси ва табиати” ва Туроб Ирисбоев томонидан 2001 йилда “Ҳозирги ўзбек детектив адабиётининг тараққиёт хусусиятлари (Тоҳир МАликнинг “Шайтанат” асари мисолида)” номзодлик диссертациялари химоя қилинган, холос.

Ҳозирга қадар детектив йўналишда ҳамда Жон Гришемнинг детектив асарлари бўйича Россияда бир қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, Б.Райнов (1985, София), Э.В.Калашников (1997, Иркутск), Л.П.Варенина (1999, Москва), Е.И.Петрова (2004, Ростов-Дон), С.В.Лесков (2005, Санкт-Петербург), Е.А.Савочкина (2007, Барнаул), М.В.Лутцев (2008, Иваново), А.В.Гвоздева (2009, Челябинск) кабилар лингвистика ва социолингвистика йўналишлари бўйича детектив жанрдаги

<sup>6</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008. 145-бет

<sup>6</sup> Эркаев А. Гафаккур. 2008, № 4. Б.14.

асарлар матни таҳлилини тадқиқ қилишган. Аммо Россия ва Америкада Жон Гришемнинг детектив асарлари бўйича адабиёт-шунослик соҳасида илмий тадқиқотлар амалга оширилмаган.

Детектив жанри ҳам мавзу кўламига қараб турларга бўлинади. Шулардан бири – юридик-детектив йўналишдаги асарлар ва муаллифлар ҳақидаги маълумотларни билиш, уларнинг асарлари маъмул-моҳиятини пухта тушуниш, таҳлил қилиш ва илмий асослаб бериш, жаҳон адабиёти ва айнан Америка адабиётида юридик-детектив жанрнинг ўрни, хусусиятлари ва аҳамиятини илмий асосда тадқиқ этиш лозим бўлади.

Жон Гришем детектив асарларида инсонларнинг жамиятдаги ўрни, қонун олдида жавобгарлиги, жиноят содир этилиши ва жазо берилиши ифодаси бадий таҳлил қилинади. Унинг асарлари асосида олинган хулосалар Жон Гришем ижоди ҳақида билим ва тушунчаларни кенгайтириш имкоини беради ҳамда Америка адабиётининг ҳали ўрганилмаган қирраси юридик-детектив жанрнинг илмий жиҳатдан ёритилишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилади. Бу борада ўтказиладиган тадқиқот бадиний таҳлил, детектив жанрнинг қиёсий солиштирма, образ ва қаҳрамонларнинг характер хусусиятларини чоғиштириш усулларида олиб борилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Жон Гришемнинг “The Pelican Brief” (“Пелликаилар иши”, 1992), “Client” (“Мижоз”, 1993), “The Chamber” (“Камера”, 1994), “Run away jury” (“Суд қарори учун тўлов”, 1996) каби асарлари айнан юридик-детектив жанрида ёзилган бўлиб, бу асарлар Америкада юридик соҳадаги муаммоли ҳолатларни детектив жанр орқали ёритиб беришга хизмат қиладиган асарлар ҳисобланади. Америкада детектив жанрнинг тараққиёт босқичи омманинг эҳтиёжига қараб ўсиб борган. Детектив жаирини ҳар томонлама мукамал жанр деб айтиш қийин. Унда жуда саёз ва зарарли махсулотлар билан бирга Агата Кристи, Сидни Шелдон, Жон Гришем каби ижодкорларнинг детектив асарлари ёки бошқа жанрлардаги арзирли асарлар ҳам учрайди. Лекин кўп ҳолларда асарларни ҳаммага ёқимли қилишга бўлган интилиш, кўпинча, бу асарларнинг ҳам умуммаданий савияси даражасини туширади. Чунки детектив жанри эгаллаб олган оммавий коммуникация ўз номи билан оммалашув учун мўлжалланган. Шунинг учун улар савияси ўртадан остигача кишилар интеллектул эҳтиёжларини қаноатлантириши етар-

ли. Бошқа томондан қаралса, айрим тадқиқотчилар нуктаи назарига кўра, айни оммавийлиги туфайли детектив жанрини ёқлаётган маданиятнинг муайян мазмунидан жамиятнинг энг қуйи қатламлари ҳам ўзларига керагини олиш имконига эга бўлди. Бизнингча, бу кейинги масала ҳали тўлиқ ва узил-кесил ечимга эга бўлмаган мураккаб масалалар қаторига киради. Детектив жанр қаҳрамонларни зийраклигини детектив кино қаҳрамонлари Шерлок Холмс, Комиссар Колумбо, Пуаролар қисмати яхши биламиз. Айнан қаҳрамонларнинг бенуқсонлиги бу жанрга кишиларни доимо тортиб келган. Лекин Жон Гришем қаҳрамонлари ундай эмас. У қаҳрамонларини кучли, чиройли, ҳамма нарсалар уларни кўлидан келадиган қилиб тасвирлаш йўлидан бормаган. Балки унинг образлари, кўпинча, жисмонан заиф, масалан, болалар ва аёллар бўладн, лекин ирода, жасорат, матонат, мардлик каби хислатлар уларнинг кичик жуссаларига сингдириб юборилади.

Детектив жанрини оммабоп ва хосбоп қилиш йўлидан борган ижодкорлар ҳам кўп. Масалан, италиялик файласуф У.Эко детектив жанрида мактаб ўқувчиларни, уй бекаларидан тортиб то файласуфлар ва илоҳиётчиларнинг ҳам қизиқишларини қондириши мўлжаллаган олий маданият асарини ёзади. Бу китобнинг ўн йилдан ортиқ бестселлер рўйхатида тургани унинг мақсади амалга ошганини кўрсатади. Эндиликда шу асар билан инсоният Ғарб маданиятида постмодернизм даврига қадам қўйди деб қаралмоқда.

Миллий адабиётимизда эса жанрнинг ўзига хос хусусиятлари ёритилган асарлар, публицистик мақолалар ёритиладиган нашрлар санокли, холос. Чунки бугун ушбу нашрлар ўрнини Интернет сайтларидаги адабий майдонлар эгалламоқда. Ёдингизда бўлса, бир вақтлар “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида детектив жанридан хавотирга тушган марҳум адиб Шукур Холмирзаевнинг “Адабиёт ўладими?” мақоласи босилиб, қизгин муҳокама қилинганди. Чиндан ҳам агар адабиёт учун курашилмаса, у муқаррар нобуд бўлади. Буни табиатнинг яшаш учун кураш қонуни дейишди. Ҳар қандай тирик организм сингари ижтимоий субъект ҳам яшаш учун курашишга мажбур. Адабиёт инсон ахлоқи, маънавият ва Конституцияга зид бўлган ҳар қандай иллатга қарши курашиш вазифаси билан келган. Шунингдек, у ўз йўлидаги ғовлар билан ҳам яккама-якка жангга чиққан.

Адабиёт бизда реализмдан чекиниб дарҳол нарвонсиз детектив жанрига ўтиб кетгандай тасаввур уйғотади. Буида кўпгина газета, журнал, нашриётлар мутасаддилари дилида ўша шўролар давридан қолган кўрқув вируслари ҳамон турганга ўхшайди. Цензура йўқолганига қарамай, айрим нашрларда ўз ҳолича цензура яратиб олганлар ҳам учрайди. Булар – муассис, бош муҳаррир ва муҳаррирдир. Уларнинг бири сармоясидан, иккинчиси курсисидан, учинчиси арзимаган маошидан кўрқиб, ҳар қандай эркин фикр, ошкоралик куртакларини қирқишдан тойишмайди. Ваҳолаики, шахсан юртбошимизнинг ўзи адабиётнинг эркинлиги ва тараққийиши учун жон куйдирмоқда.

Бугун адабий жанрлар масалалари “Жаҳон адабиёти”, “Гафаккур”, “Гулистон” журиаллари ҳамда “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Ёзувчи”, “Хуррият” газеталарида ёритилмоқда. Қолган нодавлат нашрлар эса савияси паст детектив асарларни ўз саҳифаларида ёритиб келмоқда.

Аслида ўзбек адабиётида мустақилликдан аввал<sup>7</sup> ва мустақилликдан кейин<sup>8</sup> адабий жанри шарҳлаб қалам сурган ижодкорлар салмоқли қисмни ташкил қилади.

<sup>7</sup> Шарафиддинов О. Кеча ва кундуз // «Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 1990. 16 феврал; Шарафиддинов О. Кўнгилда қолғуси унинг бир изи // «Шарқ юлдузи», 1990, 3-сон; Шарафиддинов О. Адабиёт яшаса - миллат яшар // «Шарқ юлдузи», 1993, 9-сон; Шарафиддинов О. «Тирик сатр»ларнинг қийин қисмати // «Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 1991. 51-сон; Шарафиддинов О. Чўлпон // «Ёш Ленинчи». 1989. 19-29 декабр; Шарафиддинов О. Чўлпон – таржимон // «Гулистон». 1990. 2-сон; Шарафиддинов О. Чўлпон драмалари // «Санъат». 1990. 4-сон; Азиззода Л. Чўлпон ким эди? // «Ёшлик». 1988. 10-сон; Каримов Н. Чўлпон учун кишан // «Фан ва турмуш», 1991. 10, 11-сон. Қиршибоев М. Муҳит эркидаги тутқинлик // «Шарқ юлдузи». 1990. 10-сон; Қодирий Ҳ. Қодирийнинг сўнги кунлари. // «Ёшлик» журнали. 1989 йил. 4, 5, 6, 7-сонлар; С.Иномжўшев. Бадий ўқиш асослари. Ўқув қўлланмаси. Т.: Ўқитувчи, 1973; Ҳ.Абдусаматовнинг “Театр танқид кўзгусида” (Т.: Фан, 1993; Ўзбек совет адабий тарихи. 2 томлик. 1-том. Т.: Фан, 1987; Н.Каримов. Қайта қуриш ва адабий тартиқ // «Адабиёт ва санъат» (Адабий-танқидий мақолалар). Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. Холмирзаев Ш. «Жамиятнинг мақсади, яъни мафкура бобида ўйлар» // «Гафаккур». 1999. 1-2 сонлар; Турдиев Ш. Тонг юлдузи қисмати // «Ёшлик», 1991. 3-сон. Каримов Н. Шаффоф туйғулар жилоси // «Ёшлик», 1985. 5-сон. Ёқубов О., Норматов У. Ойбек даҳоси // «Ёшлик», 1985. 5-сон; Кўшхонов М. Улуғворлик // «Фан ва турмуш», 1985. Каримов Н. «Ойбек: тош экан бошим» // «Фан ва турмуш», 1992, 5, 6, 7, 8, 9, 10-сонлар. Кўчкор Р. «Кўш роман ва айрича қарашлар» // Шарқ юлдузи. 1988. 3-сон; Кўчкор Р. «Саробнинг пайдо бўлиши» // Ёшлик. 1991. 9-сон.

<sup>8</sup> Назаров Б. Формирование и становление методологических принципов узбекской советской литературной критики. Т.: 1983; Расулов А. Ҳозирги ўзбек танқидчилигида танқид ва талқин муаммоси. филология фанлари доктори ... дисс... Т.: 2002, Расулов А.

Кейинги пайтларда кино соҳасига уни санъат эмас, бизнес деб тушунадиган “замонавий” бир авлод кириб келди, кинода тижоратлашув бошланиб, бир сўм сарфлаб, икки-уч сўм ишлаб олиш асосий мезонга айланди-да, профессионал киночилар тилнда истеҳзо билан “хонтахта” деб аталган бир “жанр” иайдо бўлди. Бу енгил-елши йўл билан суратга олиган фильм деганидир. Де-факто киноларимиз мактанарли даражада эмас.

Бизнинг томошабин ажойиб характерга эга. Фильм “Эндим-куйдим” мавзусида бўлмаса, унга дарров “Фестиваль учун ишланган кино” деган тамғани босишга шошилади. Лекин бозорнинг, харидор ҳамини ҳақ, деган одил қондасига амал қиладиган бўлсак, бунда томошабиндан кўра, ёзувчи-сценаристларнинг, режиссёрларнинг айби кўпроқ экани ойдинлашади. Ҳамма нарсани томошабиннинг оғзига чайнаб солавериб, уларни танбал қилиб қўйдилар – бош қотиришга, ўйлашга тоқати қолмади. Ортидан томошабини эргаштириши керак бўлган санъатни томошабиннинг майлу истакларига қурбон қилина бошланди. Афсуски, киносанъати саноатлашиб бормоқда.

Хорижда, хусусан, гарбда жанр муайян гуруҳга хизмат қиладиган жиҳатлар ҳам йўқ эмас. Масалан, Л.П.Кочеткова аёлнинг

---

Танқид, талқин, баҳолаш. филология фанлари доктори... дисс... Т.: Фан, 2006; Каримов Б. XX аср ўзбек адабиётшунослигида талқин муаммоси. Т.: 2002, Расулов А. Танқид, талқин, баҳолаш. Т.: Фан, 2006; Баходир Карим. Абдулла Қодирий. Т.: Фан, 2006; Қуронов Д. Адабиёт надир ёки Чўлпоннинг мангу саволи. Т.: Zarqalam, 2006. Б.27. Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз Т.: Янги аср авлоди, 2007. Қосимов Б. Сапёрлар кўчасидаги уй // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1988. 6 август; Алиев А. Ғози Юнус ҳақида сўз // «Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 1990.25 май; Холлиев Н. «Ҳамза: ўтмиш эмас истиқбол» // «Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 1990. 16 март; Дўстқораев Б. “Падаркуш”-нинг ғаройиб саргузашти // «Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 2002. 11 январь; Болтабоев Х. «Юрт қайғуси» // «Шарқ юлдузи», 1992.4 – сон; Мирзахўжаев Ў. Чўлпон ҳақида қайтлар // «Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 1994. 6 май; Каримов Н. Кечанинг кундузи бадний? // «Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 1994. 28 октябрь; Қуронов Д. Яна кеча ва кундуз ҳақида // «Шарқ юлдузи». 1996. 5-сон; Каримов Н. Унитилган саҳифа // «Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 1997. 10 октябрь; Қўшжонов М. Ўзбекининг ўзлиги. Т., 1994; Ғаниев И. Руҳий гўзаллиқнинг қисмати. Т., 1994; Муродхонов А. Истеъдод жозибаси. Т., 1992; Лутфиддинова Ғ. Гулларнинг раъноси. Т., 1997; Абдулла Қодирийнинг бадний дунёси. Т., 1992. Карим Б. Қодирий кадр. Т., 2003. Карим Б. Адабиёт, баднийят, абадийят / Хотиралар, бадиалар, мақолалар. 2004; Норматов У. Қодирий боғи. Т., 1995; Алиев А. Истиклол ва адабий мерос Т., 1997; Мирвалиев С. Абдулла Қодирий. Т., 2004; Норматов У. Адолатларнинг йўллари машаққатли // «Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 1997. 14 ноябрь; Ризаев Ш. Истибодга қарши исён // «Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 1995. 23 июнь; Ахророва З. Бехбудий кутубхонаси // «Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 1995 йил. 17 февраль.

комил инсон бўлишига, ҳатто алподам (аъло одам) даражасига кўтарилишига эркак халақит беради, аёлни туғишга ундайдиган, мижбур қиладиган ҳам эркакдир, айнан у тенгсизлик, низолар ва кишилар ўртасидаги келишмовчиликлар сабабчисиدير, деган фикрга келади (Қаранг: Т.В.Бендас, с.24). У шу маънодаги асарларни Ёзиб оммага етказишга шошилади. Олима эркак бўлмаган жимиятни, аёлнинг Ериинг тортишиш кучини, вақтни, мақоини енгиб сайёралар узра учиб юришини орзу қилади. Куёш система-сининг кучини ўзига жо этган аёл ҳеч қачои ўлмайдиган, мутлак тирик мавжудотга айланади. У сўнаётган Куёш ўрнига янада қудратли энергия манбаини тонади... XX асрда авж олган фантастика-триллер жанрини Л.П.Кочеткова бошлаб берганга ўхшайди.

Хуллас, дунёда детектив жанри бугунги кунда ўз муаммо-лари, ривожланиш механизмларига кўра янада долзарблик касб этиб бормоқда.

Бизда жанр мумтоз адабиёт анъаналарига бориб тақалади. Ҳақиқат Навоий ўзбек тилининг лексик меъёрларини белгилашда яриб, форс-тожик тили сўзларидан ҳам фойдаланган. Чунки ўша давр адабий жанри ва услуби мазкур тиллар унсурларидан фойдаланишни тақозо этар эди. Навоий грамматик меъёрларни белгилашда ҳам самарали иш олиб борди. У ўз асарлари грамматик шакллариининг ихчамлигига ва сўз ясаш техникасига масъулият билан қаради. Ихчам грамматик шакллар орқали янги сўзлар ҳосил қилишга, янги маъно ифодалашга катта эътибор берди.

Навоий ўз асарларида от ясовчи *-чи* аффиксининг касб-ҳунар оғи, лавозим номи ва овчиликка оид атамалар яшанини меъёрий ҳолат деб кўрсатади: *қушчи, қўриқчи, сувчи, хазиначи, қўрчи, қучи, ишчи, йўртчи*.

Шунингдек, шоир асарларида – *чи* аффикси вазифасида келувчи, асосан, лавозим билан боғлиқ сўзлар ясаган, ҳозирда архаиклигини *-вул* ҳам ишлатилган: *йакавул* – йўл бошловчи, *киттавул* кўрган қоровули; *қоровул, йасавул, бакавул* каби.

Навоий тилида ўша давр учун нормал ҳисобланган ҳаракат номи ясовчи қўшимчаси қўлланилган: *қабал, ясал, тутқал*. Бу аффикс ҳозирги ўзбек адабий тилида мавжуд эмас. Навоий асарларида феълнинг даражаси *-иш*, *-и*, орттирма даражаси *эса*, *-т* аффикслари билан ҳосил қилинган: *чапишмоқ, топишмоқ, йўрут, чиқарт* сингари. Ҳаракатни бажаришга интилиш, тайёр-



ланиш каби хусусиятлар равишдаги ясовчи -дек, сифатдош ясовчи -гу, -гу, -қу, -қу аффикслари орқали ифодаланган: *барғудек, билғудек, айтқудек, сорудек*. Бундан ташқари, -ган, -кич аффикслари ҳам нормал ҳолатда ишлатилиб, кетма-кетлик ҳамда узлуксизликни билдирган: айлагач, йетгач, бўлғоч.

Хуллас, Алишер Навоий ўзбек адабий тилининг лексик ва грамматик хусусиятларини тартибга солар экан, унинг бадиий асарлар яратиш учун кенг имкониятларга эга эканини кўрсатиб берди ва ўзбек ёзувчиларини ўз она тилида ижод этишга даъват этди.

### **Назорат саволлари**

1. *Жанр нима?*
2. *Жанр ўзгариши деганда нимани тушунаси?*
3. *Жанр ўзгариши адабий оқимларни келтириб чиқарадими?*
4. *Детектив жанрга изоҳ бери?*

### **Адабиётлар**

1. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008. Б.115.
2. Қуронов Д. Адабиёт надир ёки Чўлпоннинг мангу саволи. Т.: Zarqalam, 2006. Б.21.
3. Саримсоқов И.Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. Т., 2004. Б.5.
4. Шарафиддинов О. Адабиёт яшаса миллат яшар // «Шарк юлдузи», 1993, 9-сон.
5. Каримов Н. Чўлпон учун кишан // «Фан ва Турмуш», 1991. 10, 11-сон.
6. Қаршибоев М. Муҳит эркидаги тутқунлик // «Шарк юлдузи». 1990. 10-сон.
7. Иномхўжаев С. “Бадиий ўқиш асослари” ўқув қўлланмаси. Т.: Ўқитувчи, 1973. Б.180.
8. Абдусаматов Ҳ. Театр танқид кўзгусида. Т.: Фан, 1993. Б.146.
9. Холмирзаев Ш. Жамиятнинг мақсади, яъни мафкура бобида ўйлар // «Тафаккур». 1999. 1-2 сонлар.
10. Турдиев Ш. Тонг юлдузи қисмати // «Ёшлик», 1991. 3-сон.
11. Ёқубов О., Норматов У. Ойбек даҳоси // «Ёшлик», 1985. 5-сон.

12. Кўшжонов М. Улуғворлик // «Фан ва турмуш», 1985.
13. Назаров Б. Формирование и становление методологических принципов узбекской советской литературной критики. Филология фанлари доктори ... дисс... Т., 1983.
14. Расулов А. Ҳозирги ўзбек танқидчилигида таҳлил ва талқин муаммоси. Филология фанлари доктори ... дисс... Т., 2002.
15. Каримов Б. XX аср ўзбек адабиётшунослигида талқин муаммоси. Филология фанлари доктори ... дисс... Т., 2002.
16. Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. Т.: Янги аср авлоди, 2007.
17. Қосимов Б. Сапёрлар кўчасидаги уй // «Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 1988. 6 август.
18. Алиев А. Ғози Юнус ҳақида сўз // «Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 1990. 25 май.
19. Холиев Н. Ҳамза: ўтмиш эмас истиқбол // «Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 1990. 16 март.
20. Ганиев И. Рухий гўзалликнинг қисмати. Т.: 1994.
21. Муродхонов А. Истеъдод жозибаси. Т.: 1992.
22. Лутфиддинова Ҳ. Гулларнинг раъноси. / Абдулла Қодирийнинг бадиий дунёси. Т., 1992.
23. Норматов У. Қодирий боғи. Т., 1995.
24. Алиев А. Истиқлол ва адабий мерос. Т., 1997.
25. Ризасв Ш. Истибодга қарши исён // «Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 1995. 23 июнь.
26. Аҳророва З. Бехбудий кутубхонаси // «Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 1995. 17 февраль.
27. Миялавият: Асосий тушунчалар изоҳли луғати. Т.: Фафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. Б.800.

## 2-мавзу. Қадимий жанрлар ва уларнинг хусусиятлари

*Мифнинг бадий ижодда тутган ўрни. Мифологик мактаб: тарихи, вакиллари. Ака-ука Гриммларнинг «Немис мифологияси» асари. Мюллер асарларида мифологик талқин. Ф.Лосевнинг мифологияга доир қарашлари. Миф ва фалсафа, миф ва эстетика, миф ва дин. Миф ва миф поэтикаси жаҳон адабиётини ўрганишнинг муҳим асоси сифатида.*

**Калит сўзлар:** миф, хаос, космос; мифнинг шакллари, табиат, жамият, инсон, ўтмиш, келажак, яратилиш ва инқироз; мифологик мактаб, моҳият, асосчилар, методологик принциплар; мифологик асос, мифологик сюжет, мифологик унсур; айни тушунчаларнинг адабий-тарихий жараён билан муносабати, Ж.Фрезер талқинида миф.

Мифологик дунёқараш қадимги замон кишиларининг ўзларига муносиб ҳаёт шароитларини яратиш эҳтиёжларидан келиб чиққан. Эркинлик, эзгулик ва ҳақиқат учун кураш гоъларининг ифодаси бўлган афсона ва ривоятларда миллатнинг муайян рухий ҳолати, келажакка ишончи, ватанга муҳаббати, инсоний камолотга ийтилиши бадий воситалар, афсонавий қаҳрамонлар тимсолида ифода этилган.

Дунёқарашнинг мифологик моҳияти бугунги фан-техника тараққиёти, инсоннинг ақлий салоҳияти бағоят юксалиб кетган даврда жуда жўн ва ибтидоий бўлиб кўрилади. Аммо афсоиа ва ривоятлар ўзининг кучли жозибаси, инсонларварлик ва эркинлик гоълари билан ҳозирги кунда ҳам кишиларни эзгу фазилатлар руҳида тарбиялашинг таъсирчан ва самарали омили бўлиб қолмокда. Қолаверса, мифологиянинг сирли башорати, келажакдаги иарса ва ходисаларининг ўзига хос талқини мавжуд. Бунга ҳали батафсил тўхталамиз.

Шарқ мифологик тафаккури фольклор, адабий-фалсафий қарашлар тизимида, кўпинча, Кришна таълимоти, буддизм, конфуцийлик, Бхартрихари, Тагор ва Назрул Ислон ижодида ёрқин намоеън бўлади. Японияда Такамацунинг маиший драмаларида ҳам мифологик унсурлар кўзга ташланади. Басё ва Сайкаку, К.Абэ, Д.Ёсюки, С.Накамура, С.Эндо, Кавабата Ясунари ижодида «япон турмуш тарзи» ифодаси ёрқин бўёқларда кўриниш беради.

Пифсиламбрини айтганда, ўз дини ва мифологияси бўлмаган хилқили, мамлакатни ғариб давлатга чиқариш мумкин. Чунки давлатчилик, фуқаролик жамияти, эркинлик гоёси ҳам айнаи дин ва мифология орқали илгари сурилган. Аслида гапирётган ҳар бир сўзимизда, ибора ва термин имизда мифология унсури бўлиши мумкин. Мифологиядаги ҳар бир сўзни эътиборсиз қолдириб бўлмайди. Уни илмий жиҳатдан тадқиқ қилмай туриб хурофот<sup>10</sup>га чиқарилмайди ёки унга эскиларни чўпчаги сифатида қадимгилар устидан кулиб, сатира<sup>11</sup> ва юмор тусини бериб бўлмайди. Балки муайян миф сюжети биз учун бемаъни, тўқима афсона, эртақ бўлиб туюлиши мумкин. Лекин унда жуда кўп ахборот манбаи мавжуд бўлиб, бизга ҳақиқатларни сўзлайди. Фақат улар қандай тилқин қилинишига боғлиқ. Аслида миф бўладими, бошқа нарсами у тўғрисида ҳуда-беҳуда “алмисок<sup>12</sup>дан қолган” ёки

<sup>10</sup> Термин қадимги юнон мифларидаги худолардан бирининг номи. “Термин” – ҳечқангари маъносини билдириб, эркинлик гоёсининг категорияларидан биридир.

<sup>11</sup> Хурофот иробида “Асри Саодат” – Пайғамбар (с.а.в.) яшаган даврдан аввал, яъни жоқилии даврида Маккада Хурофа исми одам яшаган. Унинг ўспиринлигида жинлар ўтириб кетган ёки жин чилан. Хурофа жинлар орасида бир муддат яшагандан кейин одамлар орасида қийғали. У одамларга жинлар орасида кўрган ажабтовур воқеаларни ҳикоя қилиб берадики, бу гапларни ақл бовар қилмас экан. Кейинчалик одамлар у дунёдан ўтиб кетгандан сўнг ҳам қаерда ақл бовар қилмас, ажабтовур гапни эшитсалар “Ах, бу Хурофанин сўзи” дейдиган бўлганлар. “Хурофанин сўзи” одамларга сир бўлиб қолган. “Хурофот” сўзининг этимологияси ҳам шундан олиган.

<sup>12</sup> Сатира қадимги юнон театрида сахналаштирилган кувноқ сахна. Илк бор бу сахна кўриниши юнон мифологиясидаги сатираларнинг, яъни эчкиларнинг образини жонлантиришдан келиб чиққан. Ҳозирги ғарб иллатларидан бўлган “нимфомания”нинг сатирани дахли йўқ. Мифга кўра, нимфалар дарё, денгиз хилқатларидир. Шарм-ҳаёсиз нимфомания иллати қадимги юнон мифларига кўра сибизга чалаётган Пан ва унинг иробидаги ярим-ялонғоч нимфаларни тасаввур қилишдан келиб чиққан.

<sup>13</sup> Алмисок (араб. Ал-мисок) аҳд, онг, қасамд кунн ёки қасамд вақти. Кенг маънода, руҳлар оламидаги қасамд даври. Исломий эътиқодга кўра, Аллоҳ инсонларни биологик нуқулда яратишдан аввал, уларнинг руҳларини яратган ҳамда қасамд этишини яратишдан кийин қилган. Алмисокнинг қисқача мазмуни: Аллоҳнинг “Мен эмасми, юксак Роббингиз?” (“Фабала Роббикум аъла”) деганига жавобан руҳлар “Сенсан!” (“Бабала”) дейдилар. Алмисок ҳақида Қуръони карим, ҳадисларда ишора бор. Кўп суфийлар, авлиқалар таржимаи ҳолида алмисокни билишлари, қуввайи ҳофизалари билан руҳлар оламини хотирлашлари, яъни алмисок даврини эслашлари зикр этилган. Одамларнинг сўйишув тилига кўчган алмисок макон ва замон билан боғлиқ нарса ва ҳодисаларга шайбани “алмисокдан қолган”, “бу алмисокдаги”, “жуذا эски”, “даққионуздан қолган” гагида жуذا муболагали истифода этилади. Алмисок иборасини шарҳлаш жараёнида маълум бўладики, ҳамма руҳларнинг ёши бир хил бўлган. Фақат бу дунёга Аллоҳнинг яратиши билан биров ё эрта, ё кеч келади. Қиссадан хисса шуки, бобомиз, момомиз, фириндиларимиз, неварга, чеварога эвараларимиз билан руҳлар оламида ёшимиз бир хил ўзини, охирагга ҳам шундай бўлади.

“Даққиюнус<sup>13</sup> дан қолган” деган сўзларни ҳам ишлатмаслик лозим. Ўрни келганда, таъкидлаш лозимки, мифдан ташқари ҳам сўзлашув тилимизда ўзи шундай “махмадаи”<sup>14</sup>, “лўттибозлик”<sup>15</sup>,

<sup>13</sup> Ушбу ибора ҳам “алмисок” сўзининг муқобили бўлиб, ўзаро сўзлашувда жуда эски ва қадимги нарсаларга нисбатан қўллаймиз. Даққиюнус аслида бизгача фонетик ўзгаришга учраб, Даққиюнус шаклига келган. Юнонча номи: *Диаклитанус*, форсча, *Дагилнус* дейилади. Даққиюнус - Рум мамлакатининг подшоҳи бўлиб, золимликда машҳур, ўзини худо деб даъво қиларди. У бошқа бир ўлка билан урушиб ўша юрт шоҳининг олти нафар ўғлини асир қилиб олиб келган бўлади. Бир кун сарой остонасида икки мушук бир-бири билан қаттиқ уришади. Мушук товушини эшитган Даққиюнус кўрқанидан ҳушидан кетиб қолади. Ҳалиги олти оғанилар “Худо ҳам ҳушидан кетиб қоладими, демак, бу худо эмас, бизга ҳақиқий Тангри керак” деб маҳфий маслаҳатлашиб, чавгон ўйнаймиз, деб баҳона қилиб саройдан қочадилар. Ёўлда уларга бир чопон учрайди. Чопон улардан қайққа кетаётганларини сўраса, олтовлон “Тангримизи кидириб кетяпмиз” дейдилар. Уларга чўпон ва унинг ити эргашади. Қочоқлар Аллоҳни кидириб, бир ғорга келадилар... Иосируддин Бурхонуддин Рабғузий асари “Қисаси Рабғузий”-нинг “Қиссаи асҳоб ул-қаҳф” “Ғор эгалари қиссаси” бўлимида уларнинг исмлари қуйидагича келтирилган: Тамлихо, Игсиг, Мино, Мартолус, Сарринус, Зу Анас, қўйчи-доннинг исми Кафиттинус, итининг номи Қитмир (ёки Қазқазин). Улар ғорга яшириниб Аллоҳнинг иродаси билан уч юз йил тўққиз ой (баъзи маббаларда тўққиз кун ёки тўққиз йил) ухлаб қоладилар. Улар уйғонганларидан сўнг ўзларидан беҳабар кўнрақ қараб “бир кун (бир сутка) ухлаб қолибмиз, яна худо билди қанча ётганимизни”, дейдилар. Тамлихо “қоринларимиз очиб кетди, мен сизларга овқат келтираман”, деб бекиноб шаҳарга боради. Бозорда таом олиш учун пулни узатганида тангани кўрган семак сотувчи унга сен хазина топиб олибсан, хазилага мени ҳам шерик қил, акс ҳолда шоҳимизга айтаман, дейди. Ниҳоят, Тамлихони ўша давр султонининг ҳузурига олиб борадилар. Шоҳ - Ястағод одил мусулмон бўлиб масалани ўрганади. Тамлихонини қўлидаги тангага қараб: “аҳир бу биздан уч юз йил илгари ўтган Даққиюнусдан қолган-ку” дейди. Маслаҳатчиларига айтадики, “Осмоний китобларда (Таврот, Забур) бу тўғрида ҳеч нима йўқми” деб сўрайди. Сарой олимлари ичидан бир йигит воқеани асослайди: “мен Китоб ичидан топдим Даққиюнус вақтида олти йигит қочиб ғорга кириб қолиб кетганлар”, деди. Шоҳ аъёнларини тўплаб “юринглар, бориб кўрайлик”, деди. Ғорга яқинлашганларияда Тамлихо шоҳга: “сизлар ортимдан кечроқ бординглар, токи, ҳамроҳларим сизларни Даққиюнус деб кўрқиб кетмасинлар”, деди. Тамлихо ғорга кириб мен билан малик (подшоҳ) келди, деди. Улар маликни Даққиюнус деб ўйлаб кўрқиб, ҳушларидан кетдилар ва бошқа турмадилар. Баъзи қавлларга кўра, ўша давр кишилари билан суҳбатлашдилар. Малик Ястағод билан келган баъзи мункирлар ўша жойда имон келтирдилар. Ғор эгаларининг аниқ санақ миқдорини аслида ҳеч ким билмайди. Бу тўғрида Курьони кармининг Қаҳф (“Ғор эгалари”) сурасида таъкидланган. Ўтмишда бундай ҳодиса Узайир пайғамбар билан ҳам содир бўлган. Бу зот юз йил ухлаб қолган. “Ғор эгалари”нинг макони қатта зиёратгоҳга айлантирилган. Ўша ғор ҳозир ҳам мавжуд бўлиб чиндан ҳам Аллоҳ иродаси билан кўрқинчли эканлиги учун киши яқинлашолмайди, дейилади баъзи манбаларда. Хуллас, асли Даққиюнус бизгача фонетик талаффуз эврилиши билан Даққиюнус шаклига келган. Кўп ибораларнинг асли этимологияси, ўз даври ҳодисалари билан боғлиқ сирлари бўлади.

<sup>14</sup> Бу сўзнинг келиб чиқиши аввал “Муҳаммадона” деган ижобий талкинда бўлиб, кишилар сеҳни тез, ақли зукко, ҳар гапни ўйлаб гапирадиган одамларга нисбатан қўлланганлар. Кейинчалик тушуниб-тушунмай салбий маънода ишлатили бошланган. Бу

“кичиталоқ”, “занғар” каби иборалар борки, уларни истеъмолдан чиқариб ташлаш лозим. Чунки биз азалдан “вафот этди”, “ўлди”, “қалок бўлди”, “ўлган” каби сўзлар ўрнига унинг муқобили бўлган “қайтиш қилди”, “ўтиб қолди”, “рахматли” деб, “бўри”, “ийик”, “илон”, “чаёи” каби номлар ўрнига “ола кўз”, “тишли”, “оти йўқ”, “номсиз”, “отсиз” каби ибораларни қўллаб келувчи тили бой, маънавияти юксак халқимиз. Булар лафз билан боғлиқ илмлар бўлгани учун мавзудан чиқмайлик.

Аксарият мифларда иисонга ёки умуминсониятга тааллуқли бўлган масалалар, ирода эркинлиги, кашфиёт, ихтиро мавжуд бўлиши мумкин. Мифологиянинг алоҳида хусусиятларидан бири – ифсоний сюжетлари эркин ифода қилишидир. У антик санъатдаск шаклланиб бўлиб, Уйғониш даврида ўзининг энг юқори чўққисига кўтарилган. Масалан, машҳур рассом – Рембранат мифологик образларга ғайритабиий мазмун бериб, уларни бойитган. Асотирий тифаккур, айниқса, классицизм ҳукмронлиги даврида кенг ривож топган. Азалдан эркинлик ғоясини ифодалашда мифология яхши восита ҳисобланган. Томас Гоббс (1598-1679-йиллар) эркинликни сиқувчи давлатни, Библиядаги афсонавий, даҳшатли миқдор Левинафанга ўхшатади<sup>16</sup>. Лекин у айрим ҳолларда давлатнинг шикостидаги ҳокимлигига қаршилик кўрсатиш мумкинли-

ғинини қорқинчликча муқобили “Ўзмамбит” ҳам “Ўзи Муҳаммад бўлган” тарзида бўлиб, бу шайх ижобий маънода қўлланиб келинади. Мазкур иборани чапдаст, жасур, қаттиқ ички-ичқутини тотган ақли расо кишиларга нисбатан ишлатишади. Иборада Пайғамбар (с.в.а.) исмлари бўлгани учун сўзлашувда уни қўлламаган маъкул.

<sup>15</sup> Лўттибозлик, лутийлик – бачкана қилиқлар қилувчи, масхарабозлик, найрангбозлик, кўнрақчилик билан шуғулланувчиларга нисбатан қўлланидиган тушунча. Лўттибозлик исмида Лут пайғамбар (а.с.) исмидан олинган. Лут (а.с.)нинг қавми масхарабозлик, ойнабозлик, яъни бесоқолбозлик билан оммавий равишда машғул бўлгани учун Аллоҳнинг қўлига учраган ва Ер юзидан супуриб ташланган. Балого учраган бу қавмнинг яшаш макони ҳозирги Ўлик денгизнинг ўридир. Пайғамбар даъватига кулоқ қилгани эл касофат ишларида бардавом бўлган бу қавмдан фақат пайғамбар Лут (а.с.) на кичири нажот топади, холос. Пайғамбарнинг хотини ҳам қавмига ўхшаб ёмон бўлгани учун осмоний балодан четда қолмаган. Бу қавмга осмондан тошлар ёғилган. Шунини учун кейинги шариатларда ҳам шу иш, яъни зино билан шуғулланувчи кимсаларга тошфурон қилиниш жазоси қўланади. Лут (а.с.) пайғамбарларнинг отаси, халидуллоҳ деб сифатланувчи пайғамбар Иброҳим (а.с.)нинг амакисининг ўғлидир. Сийғайи муқобили шаклида қўлланувчи бу сўзни, умуман, ишлатмаган маъкул. Чунки бу сўз таркибиде Лут пайғамбарнинг муборак исми мавжуд. Сўзда пайғамбар исми борлиги учун ҳам эҳтиёткорлик қилган яхши.

<sup>16</sup> Гоббс Т. Левинафан. Избр. произ. Том 2. М., 1964; Локк Дж. Два трактата о государственном правлении. Том 3. М., 1988.

гини ҳам тан олади. Гарчи Гоббс изчил подшоҳлик тарафдор бўлса ҳам, ҳар хил шакллардаги, чекланмаган давлат ҳокимияти ҳам бўлиши мумкинлигини эътироф этади. Гоббснинг давлат ҳокимияти ҳақидаги таълимоти муҳим илғор ғояларни ўз ичига олади. Унинг таъкидлашича, давлат маданият ва ижтимоий ҳаётнинг зарурий шартидир. У шундай деб ёзади: "Давлатнинг йўналиши бу – ҳирсларнинг ҳукмронлиги, ёлғизлик, варварлик, ёвсизлик, йиллик, жаҳолат. Давлатнинг мавжудлиги, бу – ақл ҳукмронлиги, интиқилик, хавфсизлик, бойлик, покизалик, билим ва мурувватдир". Кейинчалик ғарбда эркинлик ғоясини ифодалаш учун айнан Гоббсга тақлидан давлатни мифологик образлардаги титан<sup>17</sup> га гидра<sup>18</sup> га ўхшатувчи тадқиқотчилар кўп учрайди. Лекин биз учун мифологияда эркинлик ғоясини қандай ифодаланиши қизиқдир. Дунёдаги жуда кўп мифларда эркинлик турлича ифодаланган. Аслида эркинликнинг ўзи нисбийдир. Масалан, кулликдан кутулиш учун қочиш ва ҳадсиз, ҳудудсиз эркинликка интилиш келажакда самолёт, ракета ва бошқа тайёраларнинг кашф этилишига сабаб бўлди. Бунга Дедал билан Икар афсонаси ҳамда Шарқ эртақларидаги учар гилам мисол бўлади. Алишер Навоий "Ҳамса"сидаги, хусусан, "Садди Искандарий"даги ўзи юрар тақдир – келажакда тезлик билан улкан ҳудудларни босиб ўтувчи автомобильлар яралишидан дарак берган. Шарқ эртақларидаги Навоийнинг "Фарҳод ва Шири" достонидаги ойиайи жаҳоним ҳамда даниялик ёзувчи Ханс Кристиан Андерсеннинг (1805-1875) "Онпоқ ой" эртагидаги кўзгу бизнинг замонамизга келиб телевидение, зорга, компьютерга айланганидек, яна ҳазрат Навоийнинг "Сабъаи сайёр" достонидаги сув тагида сақлаб турувчи мослам ҳозирги аквалангга эврилганидек, мифларда ҳам келтирилган жуда кўп деталлар бугунги кунда ўз аксини топмоқда. Мифологиядаги, достонлардаги қаҳрамонларнинг прототипи масаласига келсак, бу жуда катта мавзудир. Масалан, Ҳазрат Навоийнинг "Сабъаи сайёр" асаридаги Баҳром аслида тарихий шахс бўлган. Шох Баҳром ҳақидаги қисса тарихий асосга эга. Чунки Баҳром

<sup>17</sup> Титан – юнон мифологиясида баҳайбат махлук кўринишидаги илоҳлар. Бош илоҳ Зевс уларни жазолаб бир оролга сургун қилган.

<sup>18</sup> Гидра – мифга кўра, афсонавий махлук. Унинг ҳар бир боши кесиб ташланса, ўрнидан уч-тўртта бош яна ўсиб чиқаверади.

нинг Ядиджурд-Баҳроми Гўр<sup>19</sup> Вараҳран V сосонийлар хонадонининг шакили бўлиб, 421-439 йилларда Эроннинг ҳукмдори эди. Алишер Навоий ўзининг «Тарихи мулуки Ажам» асарида ўша даврдаги тарихчилар дунёқараши асосида Баҳром бинни Ядиджурд ҳақида маълумот берган<sup>20</sup>. Гарчи Баҳром тарихий шахс бўлса да, аммо у оғзаки ва ёзма адабиётда тарихий шахсликдан кўри бидний образ-тимсол сифатида кўпроқ машҳурдир. Шунинг учун унинг «саргузаштлари» шунчалик бадийлаштириладики, натижада тарихийлик ўрнини бадийлик эгаллаб боради. Бу ҳолати Абулқосим Фирдавсий «Шохнома»сидаги Баҳром ва Озода қиссидан, Низомий Ганжавий «Ҳафт пайкар»идаги Баҳром ва Фирдин, Хусрав Дехлавий «Ҳашт биҳишт»идаги Баҳром ва Дилором тўғрисидаги қиссаларда, Умар Хайём рубоийларида ҳам кўриш мумкин. Алишер Навоий ҳам ўз достонида ана шу бадийлик тимсолга айланган Баҳромни ўзининг ғоявий-эстетик ақида-ларини мос тарзда тасвирлаган. Баҳром фақат Эрон эмас, балки туркий халқлар қаҳрамони ҳамдир, бунинг замирида тарихий асос бўлган эмас, чунки айрим маълумотларга кўра, Баҳром Чўбин турк достонини бўлиб, сосонийлар хизматида бўлган турк ўғуллари ора-лидан чиққан.

Мифларда келинича, Баҳром Чўбин Рай шахридан, зодагон Меҳрон Аршакийлар наслидан эди. Парфияликларнинг келиб чиқилиши скифларга мансуб бўлиб, доҳлар номи билан машҳур кўчманчи қабилалар билан боғлиқ. Доҳлар қадимги форс битикларидаги сик қабилаларидан бири сифатида эсланади, улар Сирдарёнинг қуйи қисмида яшаганлар, милoddан аввалги III асрда эса жануби, Парфия ҳудудлари томонга кўчиб ўтганлар. Антик замонда маълумотларига кўра, Аршак доҳлар иттифокига кирган ва Туркманистон жанубидаги Тешен дарёси деб тасаввур этилмиш Ух дарёси ёқалаб кўчиб юрган парилар қабиласининг бошлиғи эди. Милoddан аввалги III асрда парилар бир қатор кўчманчи қабилаларни қўл остларида бирлаштириб, маҳаллий ўтроқ аҳоли

<sup>19</sup> Американик шарқшунос олим Ричард Фрайнинг уқтиришича, «Гўр» сўзи одатда қу-рун ёндоғи эмас тарзида тушунилса-да, аммо немис шарқшуноси О.Хансен «подшоҳ» маъносини ашлагандан қадимги «gul<qula-vula» сўзи бузилиб, талаффуз этиш нати-жасида «гўр» бўлиб қолган, яъни Баҳром gul (подшоҳ) Баҳром gur (гўр) тарзида иш-латилиб, шу билан боғлиқ ривоятлар яратилган, деган фикрни ўртага таплаганини ҳам айтиши мумкин. Ричард Фрай. Наследие Ирана. Москва: Наука, 1972, с.308.

<sup>20</sup> Алишер Навоий. МАТ, 20 томлик, 16-том. Б.234-237.

билан кўшилиб кетиб, ўзларини нарфияликлар деб аташган. Аитик давр топономияси маълумотлари шу нарсани тахмин қилишга имкон берадики, юнон-мақдуния фотиҳлари ҳукмронлигининг тугаши Ўрта Осиё, Эрон ва Кафказ ҳудудларига кўчманчиликлар ёриб киришига замин яратган, уларнинг бир қисми туркий забонлар бўлган.

Низомулмулк “Сийару-л-мулк”да сосонийлар таъаззулнинг давлат бошқаруви хотинлар ва ёш болалар қўлида қолганлиги билан изоҳлайди. Унинг фикрича, бу икки тоифа ҳам ўта кўнгли юмшоқ, жиловлаб турмаса, эркинликни ҳаддан ошириб юборишчи, кечириб бўлмас душманга ҳам шафқат қилувчилардир.

Алишер Навоийнинг «Сабъи сайёр»ида инсон эркинлиги ва унинг чегараси тўғрисида бадиий шаклдаги ифода мавжуд. Май парастлик, айш-ишрат, шикор, беҳуда вақт ўтказиш ҳам эркинлик. Лекин бундай эркинликнинг охири пушаймонлик экани асарда яхши тасвирланган. Достонда ҳақиқий рух эркинлиги меҳр муҳаббат билан ёндош келиши уқтирилади.

Мифлар бизга биз кутмаган сирлар қалитини беради. Мифлар одамлар тасавурида жонланиб, уларнинг турмуш тарзида қайтарилиш, ифодаланиш хусусиятига ҳам эга. Биз билган “чархи фалак” ўз номи билан чарх уриб айланувчи ва ундаги борлиқ мавжудотлар турли қутб ҳамда йўлдошларига эга. Бунда ҳар биримизга гарчи турли хил ҳаёт кечирсак-да, бироқ майда, маиший турмушимизга боғланиб, руҳий-маънавий эркинлигимизни бой бериб Сизиф<sup>21</sup> ролини ижро этаётганга ўхшаймиз.

Юқорида таъкидлаганимиздек, “эркинлик” нисбий тушунча. Шунинг учун мутлақ эрк ҳеч қачон бўлмайди ва тасавурида ҳам сиғмайди. Ихтиёрий танлаш истаги камровида муҳит ярати олиш, майл, иродага эга бўлиш биз билган эркинликдир. Мифологияда эркинлик бирор нарсани бой бериб ёки қурбонлик қилиш эвазига насиб этади. Агар бундай бўлма

---

<sup>21</sup> Сизиф – юнон афсонасидаги пахлавон. Мифга кўра, у илоҳалар қаҳрига қолган тақдирга шундай битик битилади: тоғ чўққисига улкан тошни думалашиб олиб чиқади лекин тош чўққига етгач, думалаб кетади. Сизиф яна қайтадан тошни тоғ чўққисига олиб чиқади, тош эса думалаб кетади. Бу ҳол абадий такрорланади. Инсоният ҳаёти ифодаланиш ёки жумбоқларни айтишда айнан шу ҳодисани жуда кўп мутафаккирлар дунёқарашларида келиб чиқиб истифода этганлар. Масалан, Зенон апорияларида Альбер Камю экзистенциализмида бу миф турлича ифодаланган.

инида Прометей<sup>22</sup> темирчи Гефест<sup>23</sup> ўчоғидан олов ўғирлаб, уни одамларга ҳадя қилиш эвазига эркини қурбон қилмасди. Оқибат, уни Ўзёс бошчилигидаги худолар тоққа олиб бориб занжирбанд қилиб қўйдиларки, ҳар куни кўксини бургут чўқийди. Яна эркинлик турли одамларнинг турли ғаразларига кўра, муайян шаклга тушади, қолипланади. Эркинлик азалдан ўзининг зиддий атрибутини ингигом билан бирга бўлиши лозим. Агар бирга бўлмаса, мўъжизил турмуш тарзи икковининг ҳам ҳалокати билан тугайди. Ёзу қирими-қирни феноменларни шундоқ тушунмоқ керакки, қиш сийлабди Ўзи, тун борлиги учун кунни, касаллик мавжудлиги учун соғликни, қариллик муқаррарлиги учун ёшликни қадрига етишимиз керакка ўхшайди. Мутлақ эркинликни кутиш ўлимни соғинишдир. Чунки киши жисмонан ўлсагина соф эркинликка эришади, жисадга бирор масъулият юкланмайди. Шунинг учун эркинлик билан бирга унинг узвий эҳтиёжи – бурч, садоқат, қонунқондилар, тартиб-интизом ва масъулиятни ҳам ҳеч қачон эсдан чиқариб бўлмайди. Эркинлик ортидан келувчи эгоизм ҳам кишини мияшиятини тубанликка етакловчи омиллардан биридир. Қуюнқонга сизмайдиган эркинлик ўзининг ортидан худбиёна тартибсизлик,<sup>24</sup> ўттиқ наргислик,<sup>25</sup> шовинизм<sup>26</sup> иллатларини бошлаб кетади.

Эгоцентризм – худбинликнинг бир кўриниши бўлиб, фақат ўзини, ўз манфаатларини ўйлаб яшаш, бошқа ҳеч нарсага тан

<sup>22</sup> Прометей – мифда кўра, титан бўлишига қарамай одамларга яхшилик қилган илоҳ.

<sup>23</sup> Гефест – мифда кўра, темирчилар илоҳи.

<sup>24</sup> Парис – юнонча “Пардис”. Мифологик қахрамон. Афсонага кўра, сувда ўз аксини ўраб, ҳуснли махлиб бўлиб, ўзини ўзи севиб қолади.

<sup>25</sup> Ўттиқ наргислик – миллатпарастлик, миллатчилик, орийлик, оксуякликка иддао қилувчи иллатдир. Ўттиқ наргисликка юртимиз олимлари – Эдуард Ртвеладзе ҳамда Анатолий Сидушасвларнинг рус тилида чоп этилган “Современные мифы о далеком прошлом народов Центральной Азии” (Тошкент, “Ўзбекистон” нашриёти, 2006. Б. 50) деб номланган рисоаларида жуда ўридли келтирилган мисоллар бор.

<sup>26</sup> Шовинизм миллатчиликнинг ўзига хос шакли, бошқа миллатларни менсимаслик ва ўз миллатининг уларга нисбатан устунлигини асослашга қаратилган ғоявий-назарий қарашлар тизими ва амалиётидир. Бундай қарашларнинг тарихи узок бўлса-да, илмий асослари сифатида шовинизм атамаси француз ёзувчилари ака-ука И. ва Т. Коньярларнинг «Ҳақиқатга тоғ» номли комедиясининг қахрамонларида бири, ўзининг агрессив шовинизмининг билан ажралиб турадиган Никола Шовен номи билан боғлиқ ҳолда XIX асрнинг биринчи ярмида пайдо бўлганини қайд этиш лозим. Наполеоннинг бошқинчилик урушлари фахрийси бўлган, «буюк Франция»ни яратгани учун императорга «Ҳақиқат»нинг руҳида тарбияланган, ўта миллатчи бўлган бу реал шахс ушбу бадний шовинизмнинг прототипи ҳисобланади.



олмасликни билдиради. Инсониятга етказадиган зарари нукта назаридан бу иллат жаҳолат ва ақидапарастликдан асло қолишмайди. Тобора кенгайиб, ўз шаклини ўзгартириб бораётган ғарбона ахлоқсизликни эса аксарият гўр ва тажрибасиз ёшлар “европача маданият” ва “эркинлик” сифатида қабул қилишга ийтилоши ва алданиб қолиши ҳеч гап эмас. “Ҳаддан ортиқ эркинлик кулликдир”, дейди Арасту ҳаким. Назаримизда, ҳаддан ортиқ эркинлик таназзулнинг бошланишидир. Масалаи, Спарта бошчилигидаги куллар исён кўтариб озодликка эришдилар. Спарталиклар шундай эркинлашдиларки, бу эркинлик оқибатида, уларни бош бошдоқликка, ўзбнлармонликка, ўз устида ишламасликка, тартибсизликка олиб борди ва улар енгилиб тарих саҳифасида музаффарном қолдирмадилар. Дунёдаги кўп тадқиқотчилар ҳаддан ортиқ эркинлик берувчи глобаллашув жараёнидан ҳам кўрқмоқдалар. Улар бу ҳадикларини бир мунча асослаганлар (З.Бзежински, П.Ж.Бьюкенен, Э.Тоффлер, Т.Уинтер). Доимо эркинлигини намуна қилиб келган Ғарб шундай инкироз ёқасидадир. Хусусан ахлоқсизлик жиҳатдан улар қиёмат, Дажжол<sup>27</sup> келишини яқинлаштириб қўймоқдалар. Юнон афсоналаридаги башоратчи ақсақал Кассандра айтган иешонасида муҳри, тамғаси бор охир замон балалари туғилмаяптимикиан, деб кўркиб ҳам кетасиз. Ахир суррагатлик, пробиркада бола ўстириш, клонлаштиришга ўхшаган “кашфиёт”лар ўша мифологик башоратни эслатади. Чунки пробиркага ҳам тамға қўйилади-да. Замонавий қурилмалардан бунга бўлган болани кодлаш ёки номерлаш ҳам унинг иешонаси ёрлик ёпиштиригандай гап. Дарвоқе, Чингиз Айтматов ҳам “Тавр Кассандра” асарида эҳтимол юқоридаги ҳолатга ишора қилган бўлиши мумкин.

Маълумки, Ҳиндистон дунё бўйича энг кўп афсона-асотиларни ўз бағрига яширган сирли диёр. Бунга ҳозир ҳам гувоҳ бўламиз. Бир вақтлар кузатилган ва баъзида бош кўтариб қолдиган Ҳиндистон билан Шри-Ланка ўртасидаги миллий низоларга ҳам мифология ва эпик дostonлар сабабчи бўлган. Юқорида таъкидлаганимиздек, этник наргисликка ўша миллат миф сюжетлари ҳам сабабчи бўлади. Масалан, “Рамаяна” эпосидаги қаҳр

<sup>27</sup> Охир замонда чикувчи маҳлук. Муслмонлар уни “Дажжол”, насронийлар “Монст”, “Армагеддон”, “Апокалипсис”, буддавийлар “Кали Юга” ва хоказо дейдилар.

моилардан бири Рамни цейлонлар салбий, Раваини ижобий талқин қилдилар. Ҳиндлар билан цейлонларнинг келишмовчилиги-  
га шу сабаб бўлади.<sup>28</sup> Ҳиндистонни дунёдаги энг кўп диний маз-  
амлар, секталар, фалсафий йўналишлари бағрига олган мамла-  
кит сифатида яхши биламиз. Улар эъозлайдиган маънавий мерос  
дам турличадир. Бенгаллар, тамилларнинг алоҳида-алоҳида  
“Маҳобҳорот”лари бор. Баъзи секталарда азбаройи мифологик  
ишони муқаддас билиш сабабли ундаги ҳаёт тарзига тақлид қи-  
лини ҳам кушгилади. “Маҳобҳорот” мотивига кўра Бҳоратлар су-  
лиси иккига бўлиниб кетгач, қувғинда юрган пандузодалар асл  
фитрати оловдан яралган Дропадига уйланишади. Битта аёлга  
эгги икки ука уйланади. Мифдан кўчиб ўтган бу гайриинсоий  
одат ҳозир ҳам мавжуд бўлиб, Ҳиндистондаги баъзи бузуқ ақи-  
дадаги секталар буни анъанага айлантирганлар, яъни битта аёлга  
эггига эркин уйланади. Булар мифологиядаги бузуқ ақидага му-  
таассибларни эргатиш ва эркинликни кўр-кўрона суистеъмоли қи-  
лини сабабини келиб чиққан.

Кўп тадқиқотчилар “Маҳобҳорот” қахрамонлари шу реал ҳаёт-  
га яширинишларини ёзганлар. Яъни уларнинг аксарияти эиоснинг  
прототипи бўлган. Масалан, Бҳоратлар сулоласи, Кунти, Ганхари,  
Накунти, Дропада, Анг ҳукмдори Карнлар тарихий шахслар бўл-  
ган. Фикат булар яшаган даврларда, йилларда фарқ бор. Кейин-  
килик шу мишқақдаги ҳар хил миллатлар буни эпос сифатида  
ўқинишлар. “Маҳобҳорот”, “Рамаяна” эпосларидаги жанг сахна-  
ларида қимондан отилган ўқнинг турли шаклга кириши, битта  
ўқнинг юзлаб ақадга бўлиниб, рақиб устига ҳалокатли тарзда  
қилиниши ҳозирги замонавий тектоник, бактериологик, кимёвий  
технология киргизилган қуроолларга қиёсласа бўлади. Юкориди  
тадқиқотчиларимиздек, мифларнинг башорат қуввати мавжуд.

Ҳиндларнинг “Рамаяна” эпосида эркинлик ғоясининг ўз рам-  
ни белгилари бор. Бу белгилар чизик, оловли ҳалқа, тўсиқ-девор  
симолари орқали берилган. Масалан, Рамга дев – Раван бир оху  
ўлиб кўриниб, авраб уни ўз билан андармон қилганида Лакшман  
тешик ётган акасини қидириш учун кетаётиб, янгаси Сита Бонуга  
мен ил акам келгунча кулбадан ташқарига чиқманг ва мана бу

Жабборов Ш. Ҳиндистон – сирлар яширинган макон. Ҳинд тили мутахассиси Амир  
байқулчи билан суҳбат. // Таълим ва тафаккур. Наманган, 2006. 2 (22)-сон.

чизикдаиг ўтманг”, деб бир илоҳий чизик тортади. Раван турли кўринишда келиб, Ситани ўша чизикдан чиқармоқчи бўлади. Алалҳал у бир кекса роҳиб кўринишида келиб, Ситанинг кулбасидан сув сўраб, хийла найранг ишлатиб, Ситани ўша чизикдан чиқаради. Шунда эпос матнидаги бир ҳикмат янграйди: “Аёл киши эркак чизган чизикдан чиқмасин, агар бир чиқдими, уни қайтариш мушкул”. Айнаи тийиқсиз эркинлик туйғуси ҳам шундай, у ўз ҳаддидан оша бошласа, демак, бошқаларинг эркинлигига ҳам урилиб кетади ёки даҳл қилади. Раван Ситани кўлга киритгач, уни Лаикага (Шриланкага) олиб кетади. Раван у ерда нафсига кулоқ солиб, Ситага тажовуз қилмоқчи бўлганида у ночорликдан оддий майсани ўзига қалқон қилади. Майса деворга айланиб, Ситани кутқаради. Дарҳақиқат, оила – муқаддас. Агар оиладагиларнинг ўзи хоҳламаса, унга ҳеч қандай куч даҳл қилолмайди. Инсон шундай эркинки, бу эркинликни фақат унинг ўзи бузиши ёки мустаҳкамлаши мумкин.

Ҳинд эпосида, хусусан, “Маҳобҳорот”да тадқиқ этилиши керак бўлган қизиқ воқеа ва саналар мавжуд. Масалан, эпосда авлиё-роҳиблардан бири: “Яқинда катта жаиғ бўлади, одамлар киради, қиёмат кўнади, 12 йил тииймсиз ёмғир ёғиб, дунёни суёбосади”, – дейди. Худди шундай маълумот Нух тўфони ҳақидаги афсоналарда ҳам бор. Бу “Қисаси Рабғузий”да ҳам, бошқа адабиётларда ҳам бор. Яна бу ерда эпос яралиши билан замонлар орасида қандайдир боғлиқлик борга ўхшайди. Қадимги Ҳиндистон ҳам инсоният маданиятининг бешикларидан биридир. Унга хос дастлабки таълимотлар ёзма манба – «Веда»ларда ўз аксини топган. «Веда»лар эрамиздан бир ярим минг йил олдин ёзилган бўлиб, у олий муқаддас илм ва башорат китобидир. Ҳиндулар «Веда»ни олий тангри Брахма томонидан айтилган сўзлар деб билади. «Веда»да ҳиндуларнинг қадимги тарихи, иқтисодиёти, дини, фалсафаси, ахлоқ ва нафосатига оид фикрлари акс этган. «Веда»лар бизгача тўртта тўплам (самхитлар) шаклида етиб келган. Булар: «Ригведа», «Самаведа», «Яжурведа», «Адхарваведа».

Ҳинд фалсафаси асослари «Упанишадалар» номи билан машҳур бўлган маибаларда ҳам ўз аксини тошган. «Упанишадалар» еирли билим деган маъиони англатиб, «Веда»лар фалсафий қисмини ташкил этади. «Упанишадалар» яхлит китоб ёки фалсафий рисола бўлмай, балки турли вақтда турли мавзуда ижод этган номаълум муаллифлар томонидан тўлғазиб борилган.

Миф, тарихий асарлар ва умуман, матнни кодлаш оркали ўрганиши философия йўналишлар мавжуд. Булар структурализм ва герменевтикадир. Структурализм (асосий вакиллари Леви-Стросс ва Фуко) билишда структураларни усулнинг аҳамиятини мутлақлаштирилади. Бу оқим тарафдорлари нарса ва ҳодисанинг структураларни билиш унинг объектив моҳиятини билиш демакдир, деб қарашлидир. Масалан Леви-Стросс мифологик тафаккурни тақдир этиб, турли жойларда яшаган қадимги қабилалар ва халқлар яратган афсоналарнинг умумий структурага эга эканлигини исбот қилди. Унинг фикрича, бу афсоналарнинг асосий мазмуни бир бирга тўла мувофиқ келади. Инсониятнинг илмий тафаккури ҳам бу таълимотга кўра, шундай принципга, умумий мантқиққа эга. Уш қизиги, турли миллат ва халқларнинг мифологик образлари бир бирига ўзаро уйғун, ўхшаш бўлади. Масалан, инсон афсонасидаги ҳудолар ҳинд эпослари “Маҳобҳорот” ва “Рамаяна”даги ҳудолар ва авлиёлар қиёфасига ўхшаш. Улар қадимги шумер ақалларнинг “Тилгамиш” ҳақида эпоси, Гомернинг “Илиада” ва “Одиссея”, ҳиндларнинг “Маҳабҳорот”, “Рамаяна”, “Шивагаитра” (“Калила ва Димна”) тибет-мўғулларнинг “Гурӯш”, Маркизий Осиё халқларининг “Тўрўғли”, “Алпомиш”, “Манис”, “Қирқ қиз” ҳамда Гершасп, Элибек, Каюмарс, Жамшид, Эрдуш, Тумарис, Широқ, Сиёвуш, Рустам ва бошқалар ҳақидаги афсоналари, қалмиқларнинг “Жангар”, қадимги исландларнинг “Эдда”, грузинларнинг “Амираниани” ва бошқа кўплаб асарларнинг кодлари бир-бирига айнан мос тушади. Асарлардаги ноқадлар ривож, сюжет, тугун, воқеалар авж нуктаси, асар мазмуни, моҳияти ўзаро уйқаш келади. Бу масала худди Ромео ва Жульетта ноқсалари Лайли ва Мажнун бадиий кодлари билан бир қилишини структураларни жихатдан ўрганилганига ўхшайди.

Мифологик дунёқараш ва мифологиядаги эркинлик ҳақида мифларда эскидан қолган ёндашувни кузатиш мумкин. Масалан, у ёки бу мифнинг пайдо бўлишида “табиат кучларининг қаршичилиги низоҳатда ожиз бўлган одамзод, албатта, теварак атрофдаги ноқел ҳодисаларни мифологик изоҳлаши табиий бир ҳол эди”, “атроф олами тасаввур қилишда онги ривожланмаган одам, уни шу тариқа тушунган” ва ҳоказо сўзларга жуда кўп дуч келамиз. Аслида одамзод ўша даврлар табиат билан уйғун яшаган, аксинча, ҳозир инсон табиат кучлари қаршисида низоҳатда ожиздир.

Инсоннинг ортиқча эркинлиги, бош-бошдоқлиги дунё низомини бузадиган даражададир. “Айрим ҳолларда эркинлик дея аталган нарса бошқа пайтларда интизомсизлик дейилади”, деб Рим номиги Марк Фабий Квинтилиан (тахминан милодий 35–96 йиллар тўғри айтган. “Сен шундай эркин бўлки, сенинг эркинг бошқалар эркига ҳалақит қилмасин”, – дейди Ф.Ницше. Бу афоризмларни умумлаштирсак, эркинлик категорияси ҳам объектив, ҳам субъектив ҳодиса эканлиги аён бўлади.

Миф билан фанни уйғунлаштиришга ҳаракат қилган жуда кўп олимлар, ижодкорлар тарихда таъкиб остига олинганлар, ваҳоланки, фан аслида мифнинг бағрида пайдо бўлган. Инсоният ҳаёти негадир ўз тафаккури, дунёқарашни маҳсули бўлган афсона в ривоятлар асосида кечади. Ваҳоланки, афсоналарни ўзи яратиб унга ўзи илҳом берган бўлади, ўз ҳаёти тақдирини афсонавий башоратларга боғлаб тасаввур қилади. Бунда қандай сир-синоа бўлиши мумкин?! Мифологияни тушунишда фан ҳам баъзан оқсаб қолган вақтлар бўлган. Фан, нафақат мифологияни тушунишда, балки аниқ фанларда кўп бор қокилган. Масалан, метеоритларнинг Ер юзига тушиши фактлари ҳақидаги тортиншувга фан нотўғри баҳо берган. Яъни Париж Фанлар академияси бир вақтлар мифология ва диний таълимотларда айтилган бу ҳақиқатни инкор этиб, “Осмондан тошларнинг тушиши ақл доирасига сиғмайди”, деб туриб олган. Бу догматик тезисга академия директори Антуан Лоран Лавуазье имзо чеккан эди. Таниқли америкалик файласуф У.Жеймс шуларни назарда тутаркан, “Инсониятнинг шунча катта ҳажмдаги тажрибаларини тақдир ихтиёрига топшириб, улоқтириб юборилгани фан учун нақадар шармандали ҳолат”<sup>29</sup> эканини алоҳида таъкидлайди. Кимё фанида флогистон назарияси деган сохта таълимот узоқ вақт ҳукм сурди. Уни эса Михаил Ломоносов фан этади. Собик иттифоқда бир вақтлар генетика, кибернетика, теология каби илмлар буржуа фани, сохта фан деб эълон қилинган, у билан шуғулланганларга қарши кураш олиб борилган.

Қуръони каримда таъкидланганидек, осмондан нафақат тош хатто темир ҳам ёғилиши илмий доираларда тасдиқланди. Темирнинг осмондан тушиши ҳақидаги қараш “темир рудасини ердан

кайрилиб олиниш” ҳақидаги шу вақтгача бўлган анъанавий қарашни қўлини рид қилди. Бу буни таниқли олим Ҳорун Яҳё Қуръон оятлари асосида исботлади. Умуман, фан ва дин, илм ва ғайри илм, ифтини ва ҳақиқат орасига ғов қўйиш ёки бирини кўтариш учун бирини рид қилиш, айниқса, ҳозирги замонда ақлга мувофиқ иш эмас. Муайян бир ҳақиқатни исботлаш учун улар орасини ажратиб танишнинг фойда бермайди. Қолаверса, ундай номақбул усулнинг тўғри шарҳисидир. Эртан бўладими, афсонами у инсониятнинг тафаккур майдонига бежиз келмайди. Юқорида таъкидланганидек, турли миллат ва халқларнинг мифологик образлари бир бирини ўнро уйғуни, ўхшаш бўлади. Масалан, матнларни тушунишнинг, илоҳовчи таълимот бўлган герменевтиканинг танишганиси юқори афсоналарига кўра, йўловчи ва савдогарларнинг мудоқор илоҳаси, хабарчи худо – “Гермес” сўзидан келиб чиққан. Бунда Гермеснинг нуктадонлиги, суҳандонлиги, илоҳий қўлини, самоний ишоратларни тушунмаётганларга тушунтириши илҳом қилиб олинган. Бизнингча, Гермес фаолиятини барча илмларнинг шайхон келтирган фаришта Жаброил (а.с.)га (шартли равишда) қиёслаш мумкин. Чунки у ҳам Аллоҳнинг сўзларини илҳом билдирган. Рим афсоналарида эса Гермеснинг Меркурий бажарган. Бу истилоҳдан фойдаланишдан мақсад, диний китобларни, кароматгўй кишилар ва руҳонийларнинг ишоратларини шарҳлашда, уларни юксак даражада тушунтиришда метод сифатида ишлатиш бўлган. Баъзи манбаларга кўра, Шис (а.с.)нинг ўли Идрис (а.с.)ни Гермесга қиёслайдиганлар бор.

Яратилган мифологик асарларда эркинликка, идеалга интилиш жуда кучли тасвирланади. Қадимий даврдан кейин яратилган мифологик асарлар жумласига Фаридиддин Атторнинг (1151-1235) кўлини асарлари, хусусан, «Гўзал шоҳ ҳикояти», «Мантику-т-тайр» асари, Алишер Навоийнинг (1441-1501) «Лисону-т-тайр» асарини ва бошқа асарлари, италиялик машҳур шоир Данте Алигерининг (1265-1331) «Илоҳий комедия»си, француз шоири А.Рембоининг (1854-1891) «Ёришув», «Дўзах ичра ўтиб» асари, кўли мистик файласуфи ва шоири Шри Ауробиндо Гхошнинг (1877-1950) Ҳиндистоннинг бешинчи Ведаси деб ҳисобланадиган «Самитри» эпосини келтириш мумкин. Мифологик дунёқараш элементлари Ч.Айтматовнинг кўп асарларида ҳам учрайди. Булардан келиб чиқиб, мифологик дунёқараш ҳозирги даврда бар-

<sup>29</sup> Карпенко М. Вселенная. Разумная. М.: Мир географии, 2002. Б.249.

ҳам топаётгани йук, балки, аксиича, қайта кашф этиляпти дейиш ўринлироқдир.

Афсоиаларнинг икки жиҳати мавжуд: диахранит, яъни ўтмиш ҳақидаги ҳикоялар; смих, яъни ҳозирги даврни ва келажакини ташқириш. Ибтидоий онгда асотирий тафаккур мазмунини муқаддас реаллик ташкил қилган, чунки унинг асосини авлодлар умумий тажрибаларига танкидий эмас, балки уларга ишонч руҳидан қараш ташкил қилган. Афсоиалар маълум жамиятнинг қадриятлари системаси, эркинлиги, ахлоқий мезонларини қўллаб-қувватлайди ва ўзида акс эттиради.

Асотирий тафаккур иафақат дostonларда, балки шахсларар муносабатлар, хатти-ҳаракатларда ҳам ўз ифодасини топган (анъаналар, рақслар, урф-одатлар).

Афсоиалар тилдан-тилга ўтиб, сайқалланиб, бойиб боради. “Алпомиш” эпосида ҳам ўқувчини ўйлантирадиган саволлар бор. Масалан, Алпомиш қадимги кўйигирот эли давридан – милоддан аввалги замонлар, баъзи матнларида афсонавий жой номлари билан ҳикоя қилади-ю баъзи матнларда Алиомишнинг асли исми “Ҳакимали” дейилади. “Ҳакимали” арабча исми бўлиб, арабча бизнинг диёрга VII-VIII асрлардан кириб кела бошлаган. Шунингдек, “Алпомиш” дегани паҳлавон, жасур, ботир дегани унволи эмас, у алоҳида исми. Бу мавзунинг ўзи алоҳида тадқиқот доирасига кирилади. Бадийий воситалар, рамзлар билан бойитилиши кераклиги бўлган, муболагасиз бошқа бадийийлик воситалари орқали кеиғайтириш мумкин бўлган Тўмарис, Широқ ҳақида ривоятларимиз бор.

Тўмарис, Широқ каби миллий асотириларда – эркинлик жамиятнинг умумий ғоясига айланган, инсон учун жондаи азиз ҳақ соблаиған муқаддас даргоҳ – Ватанининг дахлсизлиги, мустақиллиги учун ажнабий душманларга қарши мурасасиз курашиш – олий инсоний бурч эканлиги куйланган.

Шунинг учун ҳам ушбу миллий асотириларимизга алоҳида эътибор беришимиз лозим бўлади. Мазкур афсонавий қаҳрамонларимиз ҳаётини бадийийлаштириб талқин қилсак, “Алиомиш” “Тўрўғли” каби катта дostonга айланган бўлурди. Зеро, буида ҳеч қандай адабий хато кузатилмайди.

### Назорат учун саволлар

1. Мифларда эркинлик ғояси қандай кўринишида?
2. Дунё мифологиясининг ўзаро алоқадорлиги борми?
3. Мифология дунёқараш акс этган бадийий асарларни сананг?
4. Эпослардаги мифология образларни кўрсатинг?

### Адабиётлар

1. Қаримов И. Юксак маънавият – еигилмас куч. Т.: Миллийниет, 2008. Б.115.
2. Гобсе Т. Левиафан. Избр. произ. Том 2. М., 1964; Локк Дж. Дин трикити о государственном правлении. Том 3. М., 1988.
3. Ричард Фрай. Наследие Ирана. Москва: Наука, 1972, с.308.
4. Алишер Навоий. МАТ, 20 томлик, 16-том. Б.234-237.
5. Жабборов Ш. Ҳиндистон – сирлар яширинган макон. Ҳиндистоннинг муқаддаси Амир Файзулла билан суҳбат // Таълим ва тафаккур. Наманган, 2006 йил 2(22)-сон.
6. Карпенко М. Вселенная. Разумная. М.: Мир географии, 2010. 240 с.
7. Умаров Б.Т. Глобализмнинг зиддиятлари. Т.: Маънавият, 2008.
8. Миллийниет: Асосий тушунчалар изохди луғати. Т.: Фафур ушбу номидан ишприфт-матбаа ижодий уйи, 2009. Б. 800.

### А-минуту. Жиҳон адабиётида модерн ва постмодерн оқимлар

*Модернизм ва постмодернизм оқимининг ўзига хос хусусиятлари, электрон технологиялар тараққиётида адабиёт, маънавиятнинг ўрни тўғрисида фикр юритилади.*

**Калим сўзлар:** модернизм, постмодернизм, абсурд театри, мифология шиклоб, сан муҳандислиги, постиндустриализм, “интеллектуал ботир”, эстетика ва ахлоқнинг жўнлашиши, қадриятларнинг қадриятлиши, адабий ранг-баранглик, адабий-устурий ранг-баранглик, инсон иродаси, эркинлик, ҳаёт мазмуни.

Модернизм ўғарини, янгилашиш дегани тушунчаларни беради. Мифология адабиётида, балки жамиятнинг барча жабҳаларнинг ўғариниши шунда тутилади. Постиндустриализм коцепцияси

асосчиларидан бири Д.Белл ўтган асрнинг 70-йилларида вужудга келаётган янги даврга (илмий адабиётда у “информацион” ёки “технотрон” давр деб ҳам аталади) хос айрим муҳим белгиларга эътибор қаратган эди.

Дунёни тўр сингари ўраб олган интернет тизими воситаси дунёнинг исталган нуқтаси билан боғланиш, керакли маълумоларни олиш, зарур одамлар билан мулоқот қилиш, хат ёзиш мумкин. Бундай тараққийни қирқ-эллик йил олдин тасаввур ҳам қилиб бўлмасди. Шу боис бугунги ёшлардан ота-бобоси яшаган давр ҳақида сўрасангиз, аксарияти “э, бу тош даври-ку!” деб қўқолади. Энди адабий асарлар ҳам янги авлод назарида эстетика аҳамиятидан кўра “чўпчак” хусусиятини олади.

Кўпгина адиб, адабиётшунос ва социологлар ҳозирги вақт ахборот асосида ривожланувчи жамиятнинг етакчи ҳаракатлатирувчи кучи, ўзига хос интеллект соҳиблари – киберкратиянинг шаклланаётганини эътироф этмоқда.

Модернизм эстетиканинг тарихий илдизлари ва адабий, ижтимоий-фалсафий омиллари ўзига хос хусусиятга эга. Жаҳон модернизмининг адабий, фалсафий йўналишлари: символизм, футуризм, дадаизм, сюрреализм, абстракционизм, экзистенциализм, абсурдизм ва ҳоказолардир. Француз модернизмида инсон ҳаётининг экзистенциал талқин этилиши жуда ёрқин бўёқларда ифодланган. Ж.-П. Сартр, А.Камю ижоди бунга мисолдир. 50-йилларда француз «янги романи»: А.Роб-Грий, Н.Соррот, М.Бютор асарлари ҳисобланади. Француз «абсурд театри»: Э.Ионеско, С.Беккет, А.Адамовлар ижодида ўз ифодасини тошган. 60-80-йилларда испан профронкист романлари: Б.Кассаеса, Х.Гойтисоло, А.Мушетил ижодида кўринади. Айрес Мердок, Уильям Гольдингнинг инглиз модерн адабиёти намояндалари сифатида биламиз. Немис модерн адабиётида метофизик фалсафа асосида майдонга келган «метод адабиёт» (Эрнст Юнгер, Арно Шмид), француз модернизм (Мартин Валзер), фрейдизм қарашларнинг бадиий талқинлари (С.Цвейг) яхши мисолдир. АҚШ модерн адабиёти: экзистенциализм, фрейдизм, дзэн-буддизм ғоялари: У.Стойрон, Р.Элиссон, Д.Селенжер, У.Фолькиер ижодида намоён бўлади.

**Постмодернизм** – (“иост” – кейин, “модернизм” – ўзгариш янгиланиш, яъни ўзгариш, янгиланишдан кейин демак) – XX асрнинг иккинчи ярмида вужудга келган, жамият тараққийтини

Бир босқичдан (индустриализмдан) юкорирок босқичга (постиндустриализмга) ўтиши жараёнида адабиёт, иқтисодиёт, ижтимоий ҳаёт, сивбат ҳамда маданий-маърифий соҳада рўй берадиган туб ўзгаришларни назарий жиҳатдан талқин этишга доир концепция.

Адабий, ижтимоий-фалсафий фикр доирасида мазкур концепция, мисол, икки йўналишда ривожлантирилмоқда. Биринчи йўналиш француз олимлари Ж.В.Лиотар, Ж.Бодрияр, М.Фуко ва бундан ташқари, иккинчи йўналиш немис олимлари Ю.Хабермас, Х.Д.Климмш, Р.Инхарт. Эътиборли жиҳати шундаки, постмодернизм концепцияси вакиллари асарларида нафақат “П.”, балки “индустриал жамият” тушунчалари бирдек қўлланади. Чунки булар иккиси жамиятнинг сифат жиҳатдан ривожланишини ёритиб берадиган тушунчалардир.

Модернизм ҳиссида бу бир-бири билан кураш олиб борган, унинг мустакил ҳаракат қилган алоҳида модернистик уюшмалар, манифестлар, дискурслар (масалан, Лотин Америкасида символизм унинг модернизм номини олганди) мажмуасидир. Модернизмнинг бир жиҳати авангардизмга, яъни лингвистика нуқтаи назардан илмий тажрибалар ўтказишга, санъатлар ва дискурсларнинг полистилистика (футуризм, дадаизм, сюрреализм, имажинизм, нортцизм, француз «антиромани», Лотин Америкасида «сехри реализм»)га мойиллик билдирган бўлса, бошқа бир қўриқнинг экспрессионизм тарафдорларини барокко ва импрессионизм асарлари билан, инглиз-америка модернизмни Ж.Жойс, В.Вулф, Э.Паунд, Т.С.Эллиот, У.Стивенс) символизм номи, Жан-Пол Сартр ва Алберт Камю насрини экзистенциализм адабий оқими билан яқинлаштиришга интилди. Бизнингча, фақат модернизм ни унинг тараққинёти контекстида у инкор этган «реализм», «социалистик реализм» (А.Барбюс, Л.Арагон, И.Р.Бехер, И.Андерсен Нексе, А.Зегерс) ва постмодернизм феноменлари ҳақида фикрланиши мумкин, холос. Айни иайтда, шунинг ҳам таъридан жонжи, модернизм адабиёти матии ўзининг стилистик таъридан ҳам кўп қиёфалидир. Бир жиҳатдан, у XIX аср адабий жанрлари (романтизм, натурализм, символизм ва хоказо) дан таъридан бўлса, иккинчидан, уларга янги урғу ва оҳанглар (Ж.Роман, Ж.Дюамел) олиб кирди, натуралистик, яъни воқеликни таъридан маиний тафсилотлар, иқир-чиқирлар билан чеклаб, умумлашмалардан қочадиган тасвирий услуб (Ж.П.Сартр)ни



сингдирди, зарурат туғилганда эса, бироз тўғрилаб натурализм (Р.Мартен дю Гар, Ж.Стейнбек) янада сайқаллаштирди. Штахлит традиционализм (анъанавийлик)нинг турли кўринишлар модернизм билан олиб борган баҳсида модернизмга зарард кўра кўпроқ фойда келтирди, шунингдек, ундаги структуравий ўлчовлар: “классика” ва “романтика”, “реализм” ва “абстракция” “миллий” ва “байналмилал”, “шимолий” ва “жанубий” каби тамйилларнинг мавжудлигига диққат-эътиборни қаратди.

Модернизм – бу Ж.Жойс ва Г.Стайн, Ф.Кафка ва Г.Кайзе, Л.Пиранделло ва Ю.О’Нил, Т.Манн ва У.Фолкнер, А.Дёблин, Ж.Дос Посос, Б.Брехт ва Э.Ионеско, Х.Л.Борхес ва Г.Г.Марке, А.Мёрдок ва Г.Грасснинг модернизм руҳидаги матнларидан иборатдир. Уларнинг барчаси модерниизм нуқтаи назаридан ўзига хос бошқаларга ўхшамайдиган, уларнинг ҳар бири алоҳида ёндашишни, модернизмнинг бутун типологиясига, терминологик стилистик тавсифларига аниқлик киритишни тақозо этади. Жей Жойс қаламига мансуб «Улисс» романи ҳам символизм, ҳам авангард, ҳам «юксак модерн», ҳам «постмодерн» қолипида асардек ўқилиши мумкин. Шунга яраша мазкур романининг адабий жараёндаги мавқеи ва тутган ўрни унга ҳамоҳанг ўзгартирилиши ҳам муқаррардир.

Шунингдек, модернизм – бу параллел равишда мавжуд бўлган матнлар полифонияси (кўновозлилиги)дир. Ушбу инкор этишлар ва тасдиқларнинг ўта мураккабли майдони ноклассик бўлган маъно софани ҳосил қилади, ўз маконига оид чегараларини доим аниқлаб турувчи қандайдир бир ўзига хос адабий жараёнга ўхшайди. Уни шартли равишда субъективликдан узил-кесил озод этувчи марказдан қочирадиган куч, яъни гирдибод билан қийёлаш мумкин. Жамиятнинг барқарор мувозанатдан чиққанлиги, унда субъект ва объектнинг бир-бирига мос келмаслиги, ҳис-туйғуллар таъсирида яшаётган шундай рамзий фаоллиқнинг дастлабки кўринишлари тушиши француз адабиётининг XIX аср охирига тўғри келади. Аслида миллий адабиётлар наздида мавжуд бўла тури маълум маънода уларнинг ҳал қилувчи, муҳим воқеа ва ҳодисаларини ўзаро қориштириб юборадиган ушбу «тўлқин» ўзини гоXX аср бошларидаги немис экспрессионизми, гоҳ 20-йиллар инглиз-америка модернизми, гоҳ 1930-1940-йиллар француз экзистенциализми андозасидаги наср, гоҳ ўтган асрнинг 50-йиллар

«Ибнул таври» орқали намойиш қилиб, 1960-йилларда Лотин Америкасидаги етиб борди-да, ўша ерда иккирозга юз тутиб, ўз кичини йўқотди.

Модернизм йўриқларининг «кўтарилиши» ва «пасайиши» каби қилтирнин ўзида жамлаган бу каби инкилобий ҳаракатнинг даражаси бўлиниши ўта даражада шартлидир. Қолаверса, модернизм тахминан уч ижодий муҳит билан вобаста кечди. Булар: импрессионизм ва авангардизм (1910-1940); экзистенциализм (1940-1960) ва постмодернизм (1980-2000)дир. Уларнинг ҳар бирида ўз типологик белгиларининг ўзаро уйғун бирикмасини, ўз фикрлари ва муноҳада қилувчиларини, ошкор ва яширин “модернист”лари, “жайдири модернистлар”, “модернизм замондошлари” ва «постмодернист»ларини алоҳида ажратиш кўрсатиш мумкин.

XX аср адабиётида модернизмдан устун турувчи яна бирор ижодий оқим мажбуриятда, деган саволнинг бўлиши табиий. Бу саволни ижобий ёки салбий маънода жавоб топиш осондек туюлмайди, фикримизча, модернизм адабиётини ўрганиш доирасидан чиқиб кетди. Аслида модернизмнинг ўзи ва унинг қонун-қоидаларини янги кинф қилинмаган бир ҳолатда XX аср қаламкашларининг қарши-барчаси у ёки бу тақлидда “модерн касали”га мубтаъил бўлишар.

Информацион айтганда, бадий адабиёт ўтган асрнинг 30-йилларини исмон интеллектуал ҳаётидаги бўш вақт устидан юз йиллик диним қилган ўз ҳукмронлигини кинематографияга бўйинлов берди бошлади. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг китоб эгаллик вақтинча ижтимоий ўришга техник санъат турлари: телевидение, масоқ медиаларининг турли шакллари даъвогар бўлиб чиқди. Аср охирига келиб эса бунга компьютер ҳам қўшилди. Эндиликда ган жиддий мафкуриний давлат танглиги ҳақида эмас, ўз манфаатларини йўқотиб биддий кадриятлар билан ҳийла ва иайранг қилаётган мафкурлар танглиги ҳақида эмас, борган сари эклектизмга мотивиштиган мутахассисларга, университет профессор-ўқитувчиларини, гуманитар факультет талабаларига мўлжалланган жиддий маъмулий адабиёт ҳақида эмас, балки адресат танглиги, китоб билан шиксий муносабат тажрибасини йўқотаётган китобхон инкилобий ҳусусида бормоқда. Шунингдек, адабий жараёнда чинакам информацион босим, яъни мажбурий илюрализм ва релятивизм (лат. *relativus* – нисбийлик) ўтакетган замонавийлик оқибат

тида пайдо бўлаётган хирахандон ҳиссиётлар остида қолиб бераётган китобхон танқислиги юзага келмоқда.

Ахборот коммуникацияларининг қудратли кучи хусуси 1960-йиллардаёқ америкалик танқидчилар қайд қилганидек, эндиликда энг топқир ёзувчининг ҳам газетада босилган, телевидениеда берилган, интернет орқали узатилган ахборот билан беллашишга қурби етмайди, бу унинг кўлидан ҳам келмайди. Газет телевидение ва интернет хабарлари исталган тўқима ва уйдирмадан иборат бўлса-да, «шубҳасиз тўғри», «моҳирона ишланган одамларда «кучли таассурот қолдирадиган» янгилик бўлиб бормоқда.

“Тафаккур” журналининг “Жавондаги жавоҳир” рубрикаси остида берилган асар тақризлари, китоб ҳақидаги мулоҳазалар янги китобларнинг ихлосмандлари учун жуда фойдалидир. Масала Назар Эшонқул журналнинг “Мутолаа” рукни остида навбатдаги ўқиган китобини шарҳлайди. Ушбу рукнда навбатдаги китоб Жеймс Жойснинг “Улисснинг саргузаштлари”га ҳам шарҳ берилган. Бу асар таниқли адабиётшунос, таржимон Иброҳим Ғафур томонидан таржима қилиниб, “Жаҳон адабиёти” журналида эълон қилинган. Асарнинг баён шакли мавҳум бўлиб, “Мен “Сен” ва “У” тартибидаги ифодадан иборат. Кейинги китоб шарҳи Марсел Прустнинг “В поисках утраченного времени” (Завтрашняя вақт. Москва, 1997) деб номланган. Романнинг бош қаҳармони – Марсель. Асарда воқелик занжири фақат, хотиралар, ҳаёт туйғулар, кечинмалар орқали ифода этилади. Ёзувчи Марсел образига нафақат исмини берган, балки, бутун бошли биография лавҳаларни, қолаверса ўз ички дунёсини, туйғу ва кечинмаларини ҳам сингдирган. Бинобарин, асар Марсель Прустнинг шахсий кечинмалари стенограммаси, автобиографияси, фотосуратига ўхшайди. Назар Эшонқул журнал рукнини давом этириб, китобларни шарҳлайди: навбатдаги китоб Беккет парадокслари деб аталади. Самюэль Беккетнинг “Годони кутиб...” (В ожидании Годового Москва: Текст, 2001) асарини шарҳлайди. XX асрдаги инглиз-француз адабиётининг йирик вакили, Нобель мукофоти лауреати абсурд театрининг пешқадами Беккет бу асарда шундай парадоксларни илгари сурадики, бу, албатта, ўқувчини бефарқ қолдирмайди. Асарнинг қисқача мазмуни шундай: ҳамма одамлар фақат бир кишини кутаверади, ҳа, асар бошланишидан охиригача



ижтимоий ҳолати, уни қуршаган муҳит, ўтмиш), иккинчи томондан эса инсоннинг ўзи, унинг лойиҳаси, субъективлиги, ўз-лиги ўзаро алоқа қиладиган шароитда юз беради. Ҳар қандай вазиятда ҳам, инсоннинг вазифаси битта: мавжудлик, объективлик ўз ҳукмини ўтказиши ва йўл танлашни белгилашига имкон бермаслик. Эркинликка ҳар қандай шароитда эришиш мумкин, чунки эркинлик – ўзини танлашдир. *А.Камю* (1913-1960) инсон ҳаёти моҳият-эътибори билан мазмунсиз эканини қайд этади. Инсон ўз маифаати, ғам-ташвиш ва қувончлари билан яшайди, бу доимий тарзда давом этадиган жараёндир. Одамзот ўз ҳаётига мазмун бахш этмайди. Ўз ҳаётини муайян мазмун билан бойитадиган инсонлар уларни ўлим, ҳечлик кутаётганини эртами-кечми англаб этади. Ўз ҳаётини мазмун билан тўлдирувчилар ҳам, уни мазмун билан тўлдирмайдиганлар ҳам ўлимга маҳкумдирлар. Инсон ҳаёти абсурддир.

Дарҳақиқат, ўз олдига ҳаёт мазмуни муаммосини кўяр экан, аксарият одамлар ўзидаги мавжудликнинг муҳимлигига шубҳа билан қараш қобилятини аниқлайди. “Нима учун яшаяпман?”, “Мен қандай яшашим ва қандай иш қилишим керак?”, “Менинг бу дуиёдаги вазифам нимадан иборат?” каби саволларни ҳар бир киши учун энг муҳим, инсон мавжудлигининг биринчи даражали саволлари деб аташ мумкин. Инсон ўзи учун муҳим бўлган ҳаёт мазмунига оид масалаларни ечишга қаратилганининг ўзиёқ унда теран, бетакрор, экзистенциал туйғулар уйғонаётганидан далолат беради. У тинимсиз мулоҳаза юритади, ўзиини-ўзи излайди. Унда ўз “масни” – эгосини тушуниш туйғуси уйғонади ва у ўз ҳаёт ахамиятини англай бошлайди. Бундай одамнинг ҳаёт мазмуни муаммоси, дарҳақиқат, ўз моҳиятига кўра, *И.Кант*нинг қуйидаги машҳур саволлари билан ҳамоҳангдир: 1) Мен нимани била оламан? 2) Мен нима қилишим керак? 3) Мен нимага умид қилишим мумкин? 4) Инсон нима? Мазкур инсоннинг кейинги ҳаёт фаолияти, унинг атрофдаги одамларга, жамиятга, умуман, дунёга бўлган муносабати ҳаёт мазмунига оид масалалар ечими билан белгиланади. Ўз-ўзидан равшанки, «ҳаёт мазмуни» тушунчасига юкланадиган маъно инсон шахсининг шаклланишига ҳам кўп жиҳатдан таъсир кўрсатади.

Дарҳақиқат, инсон ҳаёт мазмунини йўқотиши унга салбий таъсир кўрсатади. У ўз борлиғида мувозанат ва хотиржамликни

Июкотади. Инсон гўё бу дунёдан “четга” чиқиб, унда “бегона” (А.Камю) бўлиб қолади, шу сабабли ҳозирги шароитда ҳаёт мазмуни муаммосини ечишда фикрлаш жараёнининг онтологик ва гносеологик асосларини ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади. Ҳаёт мазмуни муаммоси кўйилишининг ўзиёқ ҳар бир инсонни қийинлаштиради. Дарҳақиқат, файласуфлар ҳаёт мазмуни мавжудлигини илмий методлар воситасида, тадқиқот ва тажрибалар ўтказиш йўли билан исботлашга ҳаракат қилишмоқда. Ҳаёт яшаш учун арзийдими, деган саволга жавоб бериш фалсафанинг фундаментал саволига жавоб бериш демакдир. Шу сабабли ҳаёт мазмуни тўғрисидаги масалаи мен барча масалаларнинг энг муҳими деб ҳисоблайман, – дейди А.Камю.

Таъкидлаш лозимки, бу ўринда инсон ҳаёти мазмуни муаммоси инсон ҳаётининг олий мазмуни, унинг теран асослари тўғрисида сўз юритилиши мумкин бўлгани учун юзага келади. Мазлумки, *З.Фрейд* (1856-1939) инсон руҳияти фақат онг билан боғлиқмаслиги, инсон ҳаётига инсон руҳиятининг онгсиз қисми кучли таъсир кўрсатишини кашф этган. *З.Фрейд* инсон руҳиятида терин қатламлар мавжуд бўлиб, буни англаш мумкин бўлмаса-да, лекин улар инсон ҳаётига, унинг кайфияти, хатти-ҳаракатлари, ҳатто жисмоний соғлиғига сезиларли даражада таъсир кўрсатишини кашф этишга муваффақ бўлди. *Э.Фромм* (1900-1980) фикрича, инсон ўз ҳаёт мазмунини белгиловчи омилларни танлашда эркиндир. Унинг бош ғояси – инсонда спонтанликни тарбиялаш заруриятидир. Физиологик эҳтиёжлардан фарқли ўлароқ, руҳий эҳтиёжлари қондиринч раанг-баранг воситалар ёрдамида амалга оширилади. Инсон ўз ҳаёти мазмунини белгиловчи омилларни ўзи танлаши мумкин. XX аср ўрталари – XXI аср бошларида Гурбий Европа фалсафасида ҳаёт мазмуни феномени билиш имконияти муаммосини ўрганиш контекстида тадқиқ этилди. *В.Франкл* (1905 й.т.) фикрича, «...инсон ўз ҳаёти мазмуни ҳақиқатни саволни қўймайди, аксинча, ҳаёт инсон олдига ҳаёт мазмуни ҳақиқатидаги саволни қўяди, чунки инсон ҳар дақиқада ҳаёт олдига сўрали билан эмас, хатти-ҳаракатлари билан жавоб бериб боради. Инсон объектив реал ҳаётда ўзлигини топиб, ўз имкониятларини рўёбга чиқариб боради»<sup>1</sup> деган фикрни илгари суради.

<sup>1</sup> Франкл В. Человек в поисках смысла. М.: Прогресс, 1990. С.11.

Хулоса шуки, ҳаёт мазмунини излаётган инсон оламнинг бетак-  
рор маҳсулидир. У жуда сирли мавжудотдир.

Кейинги ўн йилликда босма нашрларда (2002–2012) ўзбек адабиётида модернизм ҳодисаси ва унинг моҳияти хусусида чоп этилган қатор мақолалар орқали адабиёт мухлислари модернизм адабиёти ҳодисаси ҳақида кенгроқ тасаввурга эга бўлдилар. Хусусан, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 2002, 7 июни сонлари атоқли адабиётшунос олим, Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов билан мунаққид Аҳмад Отабоевнинг «Модернизм – жўн ҳодиса эмас» сарлавҳали мусоҳабаси, 2004, 26 мартда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодировнинг «Маънавият модернизм ва абсурд» сарлавҳали мақоласи, “Жаҳон адабиёти” журналининг 2002 йилги сонида филология фанлари доктори профессор Умарали Норматов билан ёзувчи Улуғбек Ҳамдамнинг «Дунёни янгича кўриш эҳтиёжи» номли суҳбати, «Гулистон» журналининг 2008 йил, 5-сонида шоир ва тадқиқотчи Шермурод Субхоннинг «Постмодернизм ҳақиқати» сарлавҳали мақолаларнинг эълон қилиниши ўқувчиларда модернизм ҳодисасига кизиқиши янада ортишига сабаб бўлди. Шу билан бирга «Ўзбек модери шеърияти» (2003), «Илонбалиқ» (2009), «Куш тили» (2011) сингари антологияларининг нашр этилиши эса бу ҳодисанин ўзбек шеъриятида ўз ўрнига эга бўлиб бораётганини яна бир бор тасдиқлади. Замонавий ўзбек шеъриятида Абдували Қутбиддин Шамшод Абдуллаев, Баҳром Рўзимухаммад, Фахриёр, Муҳаммад Гаффор, Рауф Субхон, Азиз Саид, Гўзал Бегим, Олима Набизода Ойдиннисо сингари шоирларнинг шеърлари, Назар Эшонқул Улуғбек Ҳамдам, Исажон Султон, Абдуқаюм Йўлдошев, Собир Ўнар, Саломат Вафо, Тўхтамурод Рустам каби ёзувчиларнинг асарлари модернизм ҳодисаси намуналари сифатида эътироф этилади.

Табийки, ўзбек адабиётида бу йўналишда шеърий ва насрий асарларнинг пайдо бўлиши, у билан боғлиқ тадқиқотларнинг юзага келишига ҳам замин яратди. Бунга тадқиқотчи Шоҳист Маҳмараймованинг «Модерн – уйғониш демак» номли рисоласи (Тошкент, 2009 йил) мисол сифатида келтириш мумкин. Рисола муаллифи модернизм ботинидаги эркинлик тушунчасига алоҳид эътибор қаратиб, шундай ёзади: «Модомики, маълум бир жамиятдаги тартиб, қонун-кўрсатмалар муайян доира вакиллари ман

Фикрига хизмат қилар экан, у меъёр сифатида нисбийликка эга-  
дир. Эркинлик ҳуқуқи ҳам ҳатто ҳукмрон табақа учун мутлақлик  
моҳиятига эга эмас. Асл эркинлик билан яққаланганлик, ёлғизлик  
урғисидаги фарқ қанчалик ихтилофли бўлмасин, инсоннинг ҳуқуқ  
ва эркинига таҳдид солишга ер юзидаги ҳеч бир жонзотнинг ҳаққи  
муқ. Ило, эрксизлик, Ж.-П.Сартрнинг фикри билан ифодаланган-  
ди, Улим билан баробардир. Албатта, агар Сартрнинг ишчанликни  
эркинлик, деб аташини шартли равишда ҳақиқатга яқин деб ҳи-  
сбласак, юксак тафаккур эгаларининг тузумнинг босими остида  
ижод ва фикр эркинликларидан жудо бўлишларининг – янаям яқ-  
инроқ намоён бўлган эрксизлик эканини ҳис этиш мушкул эмас  
(Нурмақомовнинг «Уста ва Маргарита»си сталинча истибдодга тўғри  
келган умри давомида эмас, салкам чорак аср ўтиб, китоб ҳолида  
нашр этилгани каби). Шу маънода айтиш мумкинки, модерн йў-  
налишини ижодкор шахснинг жамиятга, ижтимоий тузумга ва умум-  
ийликка нисбатан ички ва ошқора норозилигини баён  
қилиши реалистик талқин ва тасвирдан кўра кудратлироқ, ҳад-  
ди кўламга эга бўлган мафкуравий, фалсафий-эстетик ҳодиса  
сифатида юзага чиқди» (8-9 бетлар).

Постмодернизмни бўлинмас, яхлит одиса сифатида баҳола-  
шди, шуни назарда тутиш лозимки, у фалсафий оқимга ҳос  
қилиш эклектизм, бир томондан, постмодернизмнинг нисбатан  
мураккаблигини кўришга йўл қўймайди, бошқа томондан эса,  
унинг таркибида ҳам постструктурализм, ҳам неопрагматизм  
(Ж.Лютар), ҳам неомарксизм (Ф.Жеймсон, Т.Игатон, Э.Сеид),  
қам феминизмларни фарқлашга йўл қўяди.

Постмодернизм – ниҳоятда мураккаб адабий жараёндир.  
Литер таъбири билан айтганда, постмодернизмни “мураккаблик-  
нинг бошқариб бўлмайдиган даражада ортиб бориши” қабилида  
тушуном лозим. Бу таъриф постмодернизмнинг муҳим бир жи-  
ҳатини ўзида акс эттирса ҳам, аслида бу тушунча ўзида жуда  
умумий ва кенг маънони англатади. Буни биз постмодернизмнинг  
қадимиятироқ жиҳатларини модернизм тамойиллари билан тақ-  
қилиб кўрганимизда ишонч ҳосил қиламиз. Назаримизда амери-  
калик жамиятшунос олим Зигмунд Бауман (1925-2003)нинг пост-  
модернизмга берган таърифи назарий ва амалий жиҳатдан бир-  
мунча адекват ва тушунарлидек кўринади. Унинг таърифича,  
“постмодернизм – бу ўз мағлубиятининг мумкин эмаслигини тан



олган модернизмдир”. Модернизм ўз олдига улкан ва глобал мақсадларни қўйган эди. Илоҳий кучларга қарши чиқиб, у инсонни, жамиятни, табиатни, ҳаттоки бутун олам ва коннотни ўзгартиришга, қайтадан яратишга азм қилди. Кўзланган мақсадларга мувофиқ табиат тубдан ўзгартирилган ва бўйсундирилган бўлиши лозим эди, жамиятда эса чинакам адолатли миллатлараро муносабатлар ўрнатилиши, инсон эса онг-пугур ва ўзини-ўзи англашга эга бўлган юксак даражадаги мукамал шахсга айланиши талаб этиларди. Бу аслида модернизм лойиҳасининг туб моҳияти саналарди. Адабиётда бу лойиҳанинг амалга оширишга қарийб икки аср керак бўлди. XX аср ўрталарига келиб адабиётда ушбу лойиҳанинг анчагина қисми бажарилмай қолганлиги, унданда аҳамиятлироқ томони эса – умуман бажарилмаслигининг аёни бўлганида эди. Буларнинг барчаси модернизмнинг танглик ҳолатини намоян қилди. Натижада, унинг ўрнига постмодернизм майдонга келди ва инсоний қадриятлар глобал инкирозга учраётганини яққол кўрсатди. Постмодернизм эса инсониятнинг ўтган ҳаёти ва тараққиёт йўли маълум даражада хатоли бўлиб чиққанини ва унга жиддий ўзгартиришлар ҳамда тўлдиришлар киритиш талаб этаётганлигини ёқлаб чиқди. Бир жиҳатдан у XX аср сўнггида ўтиш даврини ўзида ифодалаб, келажак ҳақидаги масалани эса очиб қолдирди.

Жаҳон адабиётида модернизм оқими ва унинг намояндalари ижодини чуқур ва изчил ўрганганлиши адабиётда модернизмдан кейин ҳам “изм”лар пайдо бўлишидан далолат беради. Буни Ж. П.Сартр, А.Камью, А.Шопенгауэр, З.Фрейд, П.Капида сингария ёзувчи файласуфлар асарлари ва қарашларидан эътироф этиш мумкин. «Илмий ва бадиий салоҳияти юксак бўлган устоз адабиётшуносларимиз – Озод Шарафиддинов, Умарали Норматов, Баҳром Рўзимухаммад, Улуғбек Ҳамдам, У.Жўракулов сингария хассос тадқиқотчиларимизнинг шов-шув билан қабул қилинувчи илмий-оммабоп, публицистик мақолалари, шу билан бирга модернистик тамойилларни таҳлил этишга бағишланган катор олимларнинг номзодлик ва докторлик илмий ишларини ҳисобга олмаганда, олий ўқув юрғларининг филолог талабалари учун бу хусусдаги билимларини ошириш имконияти ниҳоятда чегараланган. Зотан, ўзбек адабиётига ўтган асрнинг 20-йилларидаёқ Фитрат Чўлпон, Қодирий, Ҳамза каби атоқли адибларимиз ижоди орқали

кириб келган ноанъанавий оқим-йўналишлар ҳақида мана бир авлоднинг умри ўтяпти ҳамки, бугунги кунда ўта саёз, айна шу вақтда мурасасиз, асоссиз қарашларнинг мавжуд экани, айнан шу оқим ҳақида филологлар ўртасида-да ҳали етарлича билимларнинг тўп-лашмаганини равшанлаштириб туради. Мазкур мушоҳадамиз олим О.Шарафиддиновнинг А.Отабоев билан қилган суҳбати асосидаги фикрларга ҳамоҳанг мулоҳаза сифатида келтирилмоқда: «Ҳақиқатан ҳам 20-30 - йилларда ўзбек адабиётида ҳам муайян модернистик изланишлар бўлган. Булар Ойбек, Миртемир, Чўлион ижодларида кўринади. Ойбекнинг дастлабки шеърларида модернистик изланиш ҳис-туйғуларининг таҳлилига жуда кенг ўрин берилганида кўрилади...»

Шоҳиста Маҳмараимова «ўта саёз, айна вақтда мурасасиз, асоссиз қарашлар» ибораларини адабиётшунос олим Баҳодир Саримсоқовга нисбатан ишлатганини яшириб ўтирмайди: «Бунда адабиётшунос Б.Саримсоқовнинг «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси (2002, 28 июнь)да эълон қилинган «Абсурд – мифийсизликдир» деб номланган мақоласи кўзда тутилмоқда», деб ёзади у ўз рисоласида. Тадқиқотчининг бундай аниқ манзилга қаратилган фикрлари асоссиз эмас аслида. Чунки ҳақиқатан ҳам Баҳодир Саримсоқов (мархум), Сувон Мели, Эргаш Очилов сингари адабиётшунос олимлар матбуот орқали ўз чиқишларида жаҳон миқёсида аллақачон тан олинган модернизм оқимида нисбатан бирмунча кескин ва салбий фикрни билдирган эдилар. Улар ўзбек модернистлари ғарб модернистларига тақлид қилишдан нарига ўта олмаган деган фикрни илгари сурадилар. Бу қарашлар, бизнинг назаримизда бир томонлама бўлиб, илмий жиҳатдан тўлиқ асосланмагандир. Агарда бу даъво ҳақиқат бўлса, амернкалик олима Рейчел Харрел ўзбек модернистлари ижоди тўғрисида мақола ёзмаган, Б.Рўзимухаммад, Г.Бегим сингари ўзбек модерн шеърини вакиллари сифатида эътироф этилган шоирларнинг шеърларини инглиз тилига таржима қилмаган бўлар эди. Шунингдек, германиялик таниқли турколог олима, доктор Зигфрид Клейнмихел ўзбек модернист шоирлари ижоди таҳлилига бағишланган тадқиқотини Германияда эълон қилган. Айни пайтда шоир Баҳром Рўзимухаммад қаламига мансуб «Мен ўзимни унутдим» шеърлар тўплами Германияда нашр қилиниши арафасида. Б.Рўзимухаммаднинг «Кундуз сарҳадлари», Фахриёрнинг

«Аёлғу», Муҳаммад Ғаффорнинг «Қора табассум», Гўзал Бегимнинг «Сукунат жаранги», Абдували Қутбиддиннинг «Бор» шеърий тўиламлари хос доираларда тан олигани фикримизга далил бўла олади. Шунингдек, Назар Эшонкул, Улуғбек Ҳамдам, Исажон Султон, Саломат Вафо қаламига мансуб ноанъанавий асарлар кўпчиликини кизиқтирмоқда.

Америкалик олима, Мичиган университети тадқиқотчиси Рейчел Харрел филология фанлари номзоди Зулхумор Мирзаева билан мулоқотида шундай деган эди: «Ўзбек модерни шеъриятининг қудрати унинг ранг-баранглигида. Бир шоир ижодида бутун бир йўналиш акс эта олади, деб ҳам айта олмайсиз. Буидан ташқари, бир-икки шоир номини келтириб, бошқаларни камситишни истамайман, чунки мен ўқимаган, модерн усулда ёзилган яна қанча шеърлар мавжуд. Аммо, ўрни келганда «Ўзбек модернизм вакиллари» фикридаи ҳоли, менга ёқадиган бир-икки шоирлар ижодига тўхталиб ўтсам. Улардан бири Фахриёр, унинг шеърларида кучли сўз ўйинларини кўраман. Яна бири Гўзал Бегим – у нафис лирика ва кескин модернизм ўртасида ажойиб мувозанат ўрнатиш йўлидан боради. Ва учинчиси Ойдиннисо – унинг оддий, қисқа шеърларини унутиб бўлмайди».<sup>30</sup>

Ушбу мулоҳазаларга қўшимча равишда айтиш жоизки, 2012 йил Наврўз байрами кунларида Тошкентга жаҳонда машҳур шоир, маданият соҳасида рицарь унвонига сазовор бўлган, АҚШнинг Айова университети Халқаро Ёзувчилар Дастури директори Кристофер Меррил ташриф буюриб, ўзбек модернист шоирлари билан икки маротаба мулоқотда бўлди. Улар билан шахсан танишди. Инглизча шеърларини ўқиб кўрди. Кристофер жанобларининг пойтахтимизга расмий ташрифи бежиз эмас. Зотан, биринчидан, унинг шеърий туркумлари 2006 йилдаёқ «Гулистон» журналида Аъзам Обид таржимасида босилган эди. Кейинчалик, америкалик шоир шеърлари «Сўз ташрифи» альманахида, «Илон-балик», «Қуш тили» халқаро антологияларида эълон қилинди. Иккинчидан эса, ўзбек ижодкорларидан Аъзам Обид, Саломат Вафо Айова университети Халқаро Ёзувчилар Дастурининг уч ойлик семинарида иштирок этишган. Уларнинг ижоди Кристофер

<sup>30</sup> Зулхумор Мирзаева. XX аср ўзбек адабиётининг Америкада ўрганилиши. Тошкент, 2011. Б.239.

Меррилли ўзбек адабиётига қизиқтириб қўйди. Бундан ташқари, Ўзбек модерн шеърляти вакилларининг ижод намуналари Лотин Америкасининг энг нуфузли иашири —«Прометео» журналида исини тилида чоп этилгани, ўзбек адабиёти тарихида унутилмас воқеа бўлди. Шунга қарамай айрим олимлар ҳали ҳам адабиётдаги модернизм ҳодисаси билан чиқиша олмаётганликлари, унинг вакиллари ижодини камситишга уринишлари таажжубли ҳолдир.

Таъкидлаш жоизки, ўзбек модерн шеърляти Шарқ мумтоз иғими ҳамда Ғарб замонавий шеърляти синтети негизида яралган, десак янглишмаган бўламиз. Бу икки қутб эса антик даврлардан бошлаб муштараклик касб этган эди. Зотан, тадқиқотчи Шоҳиста Маҳмараимова худди шу ноёб хусусиятни қуйидагича таъкидлайди: «Аслини олганда, адабий оқим сифатида таи олиниб ултурган футуризм, символизм, экспрессионизм кабиларнинг умри иккин кунлар билан белгиланмайди. Таъбир жоиз бўлса, адабиёт, синаат, илм-фандаги иоанъанавий қарашлар ва йўналишларнинг тарихи ҳатто антик даврларга даҳлдор эканини қайд этиш керак».<sup>31</sup>

Ш.Маҳмараимова фикр-мулоҳазалари адабий давраларимизда кўп айтиладиган «Ҳар қандай янгилик – унутилган эскиликдир» истаган ҳикматли ибораларни ёдга солади. Зотан, мўғул, хиид, турк кинмига мансуб истеъдодли шоирларнинг тошларга ўйиб қолдиргани битикларини астойдил ўргансангиз бу кунимиздаги ўзбек модернистлари асарларига яқинликни пайқайсиз. Ўша битикларни ёнбойи, айна бирликда гўзал, нафис, жозибали руҳ уфуриб туриниши, бу нафосат поёнсиз кенгликларга, қояларга, тоғларга, осмонга даҳлдор эканлигини англайсиз. Буни шоир Баҳром Рўзимухаммад шундай ифодалайди: “Унинг шеърларидан кенгликлар ифори анқиб тургандек. Баъзи битиклари чанқовуз товунини эслатади. Саҳроларда эсиб юрган шамоллар шеър тилида инспираётгандек гўё. Нима бўлганда ҳам биз миллий назмдаги янги бир ҳодисага дуч келамиз. Шеърларида эпитетларни, хусусан қора рангни кўпроқ қўллайди. Унутмаслик жоизки, олис аждодларимиз қора рангни мукаддас санашган. Шу боис мазкур рангни бошқача маънода тушунмаслик керак. Поэтик тили сал дагал. Ана ўша жиҳати билан устоз Рауф Нарфидан кескин фарқланади. Ҳар

<sup>31</sup> Маҳмараимова Ш. Модерн – уйғониш демек. Тошкент, 2009. Б. 7.

ҳолда, Муҳаммад Ғаффор ўқувчини зериктириб қўймайдиган қизик шоир. Чунончи, миллий шеърятимиз шу қалам соҳиби воситасида уфқларини янада кенгайтираётганидан шодланмоғимиз лозим».<sup>32</sup>

Шоир Муҳаммад Ғаффорнинг “Қора табассум” китобига ёзган сўзбошида Баҳром Рўзимуҳаммад «Олис аждодларимиз қора рангни муқаддас санашган» деб алоҳида таъкидлайди. Қадим аждодлар дейилганда Шарқ туркийлари (айрим олимларнинг таҳминича, монголоид қатлам) иазарда тутилган бўлса ажаб эмас. Нима бўлганда ҳам, сўзбоши муаллифи янги дея қаралган шеърятнинг олис ўтмишга туташган илдизларини таҳлил воситасида иботлайди. Бунда у шууростига доир «зарб» усуларига таянади: «Образ яшашнинг бу каби усули кейинги вақтларда санъатда, хусусан модерн ва постмодерн шеърятда ҳам тажриба сифатида қўллаб қўрилмоқда», – деб ёзади у. «Фикримизга далил сифатида қуйидаги шеърга назар ташлайлик:

*Кўзларим қонга эмас  
Шафаққа тўлди.  
Мен гулларни ўймоқчи эдим  
Мени кўриб гуллар ҳам сўлди.*

Мухтасаргина бу шеърнинг икки мисрасида қизил ранг устувор. Сўнг эса ҳаракатлар кетма-кетлиги. Гўзаллик ошиғининг гулга интилиши ва гулларнинг бир зумда сўлиб қолиши».

Баҳром Рўзимуҳаммад мазкур сўзбошида «...Туш қаватларига беркинган образлар ниманинг маҳсули экан» қабилидаги саволни қўяди. Биламизки, туш реал ва нореал ҳаёт ўртасидаги ҳодисаларни ўзида ифода этади. Модернист шоирлар ўзгача оламга нигоҳ қаратганликлари боис туш дунёсини образларда гавдалантирадилар. Улар ўйлаб тонган борлиқ аслида ўйлаб тонилмаган, балки шуурости қатламларининг мавжлари ҳисобланади.

Тадқиқотчи Ш.Маҳмараимова ҳам худди шу жиҳатларни таҳлил этаркан. Жан-Пол Сартрдан қуйидаги иқтибосни келтиради: «Ўз даврида Ж.-П.Сартр: «Инсон ўзининг қатор қилмишларидан бошқа ҳеч нарса эмас, у мана шу қилмишларидан ташкил топадиган муносабатлар тажассумидан иборат», деган экан»

<sup>32</sup> Муҳаммад Ғаффор. Қора табассум. Тошкент, 2006. Б. 4.

(Ш.Маҳмараимова. Модерн – уйғониш демак. Топкент, 2009. Ё.44). Бинобарин, хаёл сурниш, туш кўриш ҳам инсон қилмиши ҳисобланади ва буларнинг маҳсулини қоғозга тўкилишида ғайриинсонийлик йўқ.

Хаёлда, тушда табиат қонуниятлари инкор этилиши мутлақ ҳақиқатни айланиб ўтиш, ғаройиб борлиққа ошно тутиниш эҳтиёжидан келиб чиқади. Дейлик, куёш тўхтовсиз портлаб турадиган тиллар йиғиндиси эканлигини биламиз. Куёшга яқинлашадиган иски бор бир зумда мумдек эриб, тўкилади. Аммо шоир Баҳром Ёўзимухаммад ана ўша табиат қонунини хаёлан рад этади. Ва йитиш жоизки, бу осмонга инкор эмас, шоир шакл ўйинларини кўрсатмоқда, ғаройиб образларни кашф этаётир. Жумладан, «Куёшдаги ўлим» шеъри сарлавҳаси биланок ўқувчини ўзига юртади. Куёшда ҳеч зот яшамаса, у ёритгичда нима ўлиши мумкин ахир? Илк жумлалар эса ҳайратингизини яна оширади:

*Пластмасса белкурагим билан  
куёш юзасини қазий бошладим  
узлуксиз портлаб турган қуруқ ҳаво  
белкурагим теккач тилларанг тупроққа айланди<sup>33</sup>.*

Пластмасса ғоятда эрувчан ашё эканини биламиз. Аммо, шоир атайлаб шу образни қўллайдикки, унинг наздида, булутлар куёшга кўмилиб ётган эмиш; булут куёшда ясалар эмиш; одамнинг исини юз градусга чиққанида ҳам у ўлмас эмиш; энг қизиғи, бошқа куёшлар ҳам куёшда юрган одамга яқинлашиб кўринаркан:

*Қизиги шу эдики тонг отмас экан  
оқшомлар ҳам йўқ  
лекин аҳён-аҳёнда  
оловланган наҳанг сингари  
қўққисдан яқинлашса бошқа куёшлар  
мовийлашиб кетар теваарак атроф.*

Қарасангиз: шеър тузилиши жуда оддий. Шеърда мураккаб шиъбеҳларии, бурама оҳангларни, тифиз метафораларии учратмайсиз. Аммо, шеър ботинидаги метафизик образ яшаш усули сини кизиқтириб қўяди. Ана ўша усулни назарда тутган ҳолда

<sup>33</sup> «Сирли табобат» газетаси, 2012, сентябрь. 17-сон.

турк тадқиқотчиси Фарук Уйсал «Баҳром Рӯзимуҳаммадда метафизик идрок бор. Айниқса, табиат ва рӯё шоирда метафизик жўшқинлик яратади<sup>34</sup> деб ёзган эди.

Аксарият тадқиқотчилар постмодернистлар бирор ҳодисани ўйлаб топиб, хаёл дунёсини кенгайтиришларини хуш кўрадиган кишилар эканлигини уқтиришади. Хусусан, тадқиқотчи Шермурод Субхон ҳам ана ўша жараёни изохлаган. «*Анъанавий асар муқаддимасидан, умуман, «gap» нима ҳақда эканлигини пайқаш унча қийин эмас. Постмодерн асарда эса бунинг сира иложини йўқ. Чунки бу каби асарларда гротеск – гайритабиий воқеа ва ҳо-дисалар, уйдирмалар кенг ёритилади. Фавқулодда қутилмаган, яъни шуурости туйғу ва тушунчаларни, оний лаҳза ва ҳолатларни асарга асос қилиб олиш постмодерн адабиётнинг муҳим белгиси ҳисобланади. Шунингдек, анъанавий санъат ва адабий асарларда бадиий ҳақиқат ва ҳаёт ҳақиқатига қанчалар яқин ва ўхшашлигига қараб баҳоланса, постмодернизмда бадиий ҳақиқат ҳаёт ҳақиқатидан нечоғли узоғу фарқлиги билан аҳамият касб этади. Шу маънода постмодерн асар ёки шеърдан ҳаёт ҳақиқатини излаш унча ҳам тўғри бўлавермайди<sup>35</sup>*», деб ёзади у. Ш.Субхон масаланинг асл моҳиятини очар экан, постмодерн табиатида фавқулодда кашфиётларга мойиллик борлигини урғулайди. Бошқа бир тадқиқотида шундай деб ёзган эди: «...Эҳтимол, бу тур шеърлар кишига алаҳсираётган, туш кўраётган кимсанинг узук-юлуқ, манتيқий боғлиқ бўлмаган сўзларидек таассурот қолдирар. Чунончи, бундай шеърлар бизнинг тасаввуримиздаги ва тушунчамиздаги ижод намуналари бўлмаслиги, уларни қабул қилишга қийналишимиз мумкин. Бироқ инкор этишига ҳаққимиз йўқ. Зеро, улар инсон деб аталмиш ҳилқатнинг туйғу-ю тушунчаларини қай бир жиҳатдан таҳлилу тадқиқ этиш йўлидаги кашфиётлардир». (Шермурод Субхон. Шеърят иқлими. Тошкент 2005. Б.42).

Чиндан ҳам ўтган асрнинг 80-йилларидан эътиборан юксал нуктага кўтарилган миллий шеърятимизда кашфиётлар кўлами ҳам оша борди. Гуруч курмаксиз бўлмайти деганларидек, реалистик, модернистик оқимлар таракқий этган бир даврда тайинил

<sup>34</sup> Ўроз Ҳайдарнинг ижод дунёси. Қарши, 2012. Б.113.

<sup>35</sup> Шермурод Субхон. Постмодернизм ҳақиқати // Гулистон. 2008. 5-сон.

бир мазмунга эга бўлмаган ёки умумий гаплардагина иборат қўйилган сўз тизмалари ҳам воқеликка кўчди. Ана ўша жараёнда модерн, постмодерн шеърят вакиллари изланишлари мақтовга лойиқ, десак хато кетмаган бўламиз. Зотан, Ш.Махмараимова шунгадек, «модернизм юксак тараққий этган ижтимоий фалсафий эстетик онг сифатида бу икки кутбнинг ўзаро фалсафий-диалектик муносабатидан баҳра олиб ривожланмоқда» («Модерн ўйғониш демак», 15-бет).

Бундан юз йилча муқаддам, яъни 1912-йилларда ўзбек шеърятини янгилашишга тараддулланган эди. Янгилашиш жараёнини Абдурауф Фитрат бошлаб берган. Ўйғирманчи асрнинг 20-йилларида Абдулҳамид Чўлпон, Боту, Элбек, Ойбек, Усмон Носир сингари новатор шоирлар адабиёт йилиномасидан кашфиётлар нур сочган саҳифаларни очишга киришдилар. Аммо, ўша йиллардаги мифкура уларни жаҳон миқёсига чиқишига монелик қиларди. Бу кунларимизда эса Абдували Кутбиддин, Баҳром Рўзимуҳаммад, Фихриёр, Азиз Саид, Муҳаммад Гаффор, Яхё Тога, Эшқобил Шукур, Рауф Субхон, Икром Искандар, Акмал Тош сингари шоирлар, Зебо Мирзо, Фароғат Камолова, Ҳалима Аҳмедова, Ҳосият Рустамова, Гўзал Бегим, Олима Набизода, Ойдиннисо, Мусалламбону сингари шоираларимиз халқаро миқёсга чиқишга, қолаверса, жаҳон миқёсида танилишга саъй-ҳаракат қилишмоқликни, бу истиқлол шарофатидандир. Ўйлаймизки, бу ҳаракатни серкўёш Ўзбекистонни сеувчи ҳар бир инсон қўллаб-қувватлаши ва ўз навбатида бадиий тафаккур маҳсуллари парвози баъзиллигидан фахрланади.

Шундай қилиб, XX аср модернизм адабиёти ҳам худди XIX аср романтизм адабиёти сингари маданий маъно доирасига айлиши, унинг ичида ғарб дунёси қадриятлари танқидий жиҳатдан текширувдан ўтказилди. Улар жаҳон адабиёти тарихида яшаб қолишга, XX аср адабиётида яловбардор бўлишга лойиқми ёки йўқми – буни келажак кўрсатади.

Бутун жамиятда синергетиканинг ривожланиши нафақат диалектик тафаккурга янги маъно-мазмун олиб кирди, балки, позитивизм (адабиёт, фалсафа ва фаннинг ўзаро боғлиқлиги ҳақида таълимот), онтологизм (борлиқ ҳақида таълимот), редукционизм (борлиқни аввалги анъанавий билиш услубига мойиллик тўғрисида таълимот), релятивизм (догматизмдан фарқли ўлароқ нисбий билишни мутлоқлаштирувчи таълимот), постмодернизм ғоялари-



нинг ўзгаришига ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди. Эндиликда адабий ранг-баранглик билан инсоният Ғарб маданиятида постмодернизм даврига қадам қўйди деб қаралимоқда. Постмодернизмда элитар маданият контекстига оммавий маданият элементлари киритилмоқда ёки иккиси ҳам кесатикли контекст воситасида бир мазмунга киритилмоқда. Постмодернизм икки маданиятни бир-бирига яқинлаштиришда охир оқибатда нимага эришиши ҳозирча жуда қоронғу. Нима бўлганда ҳам “санъат санъат учун” деган тамойил чекинганига анча бўлди. Бу пардани, албатта, детектив жанри ривожланиши шафқатсизларча олиб ташлади. Гришемда эса айнан шу йўналишлари мурасага келтиришга бўлган уринишни кузатишимиз мумкин.

Ахборот алмашув “бекати”да муайян асарни қабул қилиш кишининг информацион феъл-атвориға, маданиятиға, миллий қадриятлариға боғлиқ. Детектив қиссалар бошқа адабий манбаларға қараганда, кишилар онига тезроқ таъсир қилади, улар ҳаётиға тезроқ кириб боради.

Бизнингча, постмодернизм модернизмдан унчалик ҳам тафовут қилмайди. Дейлик, модернизмни қизил тусға қиёсласак, постмодернизмни кип-қизил рангға ўхшатса бўлади. Умуман олганда, адабий истилоҳларнинг кўпчилиги реклама мақсадида ишлатилади.

Модернистларға салбий муносабатда бўладиган адибларимиздан Нортўхта Қиличов бундан ярим йилча муқаддам адабиёт мухлислариға “Икки олам аро” номли мунаққашасини тақдим этган эди. Албатта, ўқиб кўринг-да, асарнинг айрим жойларида постмодернизм унсурлари ярақлабгина турибди. Баҳром Рўзимухаммад шундай дейди: “Биз модернчи дейилганимиз сари халқ орасида ўқувчиларимиз камайиб бораётир. Пойтахтдан олис-олислардаги айрим қишлоқларда асарларини ўқимай туриб модернистлардан дарғазаб бўлиб юрганларни ўзим кўрганман...”

Бошқотирма, кроссвордни адабиётға нисбатан қўлланиши ҳам кузатилади. Дейлик, кроссвордни ўйлаб-ўйлаб ечадилар. Адабиётдаги ўйин бошқотирма сингари ечилмайди. Ўйинни кўриш учун ўйлаш, чуқур ўйлаш шарт эмас, шуичаки сезимларингиз ўйинларға мослаша билса... шуинг ўзи кифоя.

“Алкимёгар” асарини жаҳон миқёсида оммалашувига ҳам ўйини усули сабабчи. П.Коуло Шарқ суфийлик адабиёти унсур-

ирини Европага мослаб ўйин қилади. Аслини олганда, бу асарда одамни фавкуллодда жунбушга келтирадиган бирор лавҳани кўр- мийсиз. Демак, гоҳо ўйин усуллари асарга жозибали руҳ бағиш- либ берар экан. “Ўйин”га берилиб кетиш ҳам ярамайди. Сабаби, шоиру ёзувчиликдан муддао ўйинларнигина тасвирлаш эмас. Адабиёт маъно товланишлари кўмагида одамларни юпатиши, уларга тасалли бериши ҳам керак. Дарднинг ўзи одамни толикти- ради, чарчатади. Муттасил ижод ўйи билан яшаган кишиларда леб зўриқиш хасталиги учрашини биламиз. Умуман олганда, адабиётга ўта жиддий назар ташласангиз ҳорийсиз, енгил қараш- лар ҳам фикр салмоғини туширади. Олтин оралиқни ахтариб топ- моқ даркор.

Техноген маданият ичидаги олам ҳозир ўзига хос касалликка мубтало бўлган, унга яхлит муносабатда бўлишнинг иложи йўк. Гўзаллик бутун – умидларнинг фош бўлиши ва демифологизация- сиدير. Гўзаллик ва эстетиканинг дафн маросимини занглаган ғил- диракли, бир қолипдаги нўноқ ишланган суратлар кўргазмасида кўриш мумкин. Он-арт, ленд-арт, боди-арт ва бошқа новациялар абстракт, мангу санъатга даъвогардир, деб ҳисоблайди кўп ада- биётшунослар. Бироқ бу ёндашувлар умри қисқа бўлиб чиқди, санъат шинавандалари бутунги кунга келиб яна мумтоз йўлга қийтмоқдалар. Бундай ўзгаришларнинг асосий омили модернизм бир асрдан ортиқроқ ҳаёти давомнда ўзидаги инновациялар захи- рисини ишлатиб бўлди. “Ҳеч қандай гўзаллик”, “ҳеч қандай эмо- циялар” ёки “фақат шок” шоирлари йўқолиб, анъанавийлик, клас- сика, уйғунликка ўрнини қайтариб бермоқда. Постмодернизмдаги гўзалликнинг ўзига хос фалсафий талқинлари шаклланмоқда. Уларда антиэстетик ёндашувларга ўрин йўк.

Рационал тафаккурнинг чекланганлиги масаласи ҳозирги давр Гирб тафаккурининг ўзидаёқ постмодернизм (постструктурализм) номини олган оқим томонидан, хусусан, Р.Барт (1886-1968) Ж.Деррида (1930-2004), Ж.Делёз (1926-1995), Ф.Гваттари (1930- 1992), М.Фуко (1926-1984), Ж.Лиотар (1924-1998), Ф.Жеймисон (1934 й.т.), кабилар томонидан эндиликда жуда яхши очиб берил- гини. Мазкур оқим намояндалари тафаккур инсон фикрлаши мум- кин бўлмаган ҳолатларни тушунчалар воситасида ифодалаш учун оқимлик қилади (“Симулякр” ғояси) ва, демак, инсоният маъна- виятида илгари шаклланган тушунчалар универсум хусусиятла-

рини тўғри моделлаштириш учун ярамайди. Шунингдек, тафаккур имкониятдан воқеликка ўтиш чегарасини (М.Фуко) кўр олмайди (трансгрессия), ноаниқлик чегарасини буза олмайди (М.Бланшо).

Шулардан келиб чиқиб, постмодернизм бутун универсумни рационал-майтиқий фалсафий ёки илмий манзарасини яратиб йўлидаги ҳар қандай уриниш беҳуда ва ўриисиз эканини, бунда уринишлар индвидуал тафаккурни турли схемалар, тайёр қолиқлар ва доктрииалар (Наррациялар) билан тўлдириб юбориб, беҳад катта зиддиятларга олиб келади ва ижодкорлик фаолияти учун ҳатто зарарли эканини уқтиради.

Умуман, постмодернизм асосий ғояларини Ғарб маданиятида шаклланган онто-тео-телео-фалло-фоно-логоцентризмни танқид остига олган энг янги коинцепция деб характерлаш мумкин. Унд онтоцентризм танқид қилинаркан, борлиқнинг мукамал манзарасини яратиш мумкии эмаслиги, яъни теоцентризм таикид қилинаркан, Худони тафаккур кучи билан билиш мумкин эмаслиги ғояси олдинга сурилади; телеоцентризмни танқид қилинаркан борлиқ тараққиётида муайян мақсадга мувофиқлик мавжудлигини ақлан тушуниш мумкин эмаслиги фикри уқтирилади; фаллоцентризм танқид қилинаркан, тафаккурда эркаклик ва аёллик сифатларига узвнй қараш амалга оширилмаслиги ва реалликда фақат эркаклик сифати устивор бўлиб тургани кўрсатиллади; фоноцентризм таикидида билимининг фақатгина ташқи дунёга йўналганлиги, логоцентризм танқиднда билишда мантиқнинг кучигагина таянилиши иотўғри экани ҳақидаги фикрлар кучли олдинга сурилди.

Лекин постсовет даври МХД тафаккурида постмодернизмга нисбатан бир қийматли ёндошув шаклланган эмас. Масалан, Россияда унга нисбатан ижобий ва таикидий қарашлар баравар олдинга сурилмоқда. Хусусан, В.А.Кутырёвининг фикрига кўра, постмодерниизмининг ўзини ҳам шу бугуноқ, яъни ХХI асрнинг ўзидаёқ боши берк кўчага (туиикка) кириб қолди, ёки модадан қолди деб ҳисоблаш мумкин ва энди унинг таикиди авжига чиқиши мумкии бўлган давр келди дейиш мумкин.<sup>36</sup>

<sup>36</sup> Кутырёв В.А. Философия иного, или Небытийный смысл трансмодернизма // Вопросы философии. 2005. № 7. 21 – 22 б.

Аксинча, Н.С.Автономованинг Деррида хотирасига бағишлаб **Финн** мақоласида эса постмодернизмнинг ушбу намояндаси "Оламдаги тартибсизликдан чиқиш" йўлини излаган Ғарбнинг **кигга** истеъдод эгаларидан бири сифатида характерланади.<sup>37</sup>

Шу муносабат билан айни пайтда ҳозирги (ностсовет) рус фалсафасида ҳам метафизикани қайта тиклаш, янги метафизикани шиклантириш борасида айрим уринишлар намоён бўлаётганини ҳам алоҳида қайд этишимиз жоиз. Бизнингча, бу борада, масалан, рус файласуфи М.И.Беляев анча салмоқли ишни амалга оширган.<sup>38</sup> Лекин бу каби ишлар унча кўп эмас. Шуниинг учун биз юқорида таҳлил этган ҳолларни маънавий маданиятда асл фалсафанинг статусини кенг миқёсли ва қатъий тиклаинши деб ҳали айтиб бўлмайди. Беляевнинг мазкур иши бўйича турли зиддиятли қарашлар мавжудлиги ҳам шуни кўрсатади.

Бизнингча, бундай зиддиятли қарашларнинг келиб чиқиши ҳозирча бу масалада ностсовет интеллектуал тафаккурида ҳали ўз ўрнини меросини чуқур таҳлил этиш ва янги мураккаб маънавий муҳитда ўз йўлини изланишда давом этаётганини кўрсатади. Бизнингча, бу ўринда Ғарбдаги изланишларин чуқур ўрганиш ва тегишли хулосалар чиқариш келгусида тўғри йўлни топишда бир қадар ёрдам бериши мумкин.

Бизнингча, бу ўринда Ғарб адабиётида, маънавиятида неорационализмга қарши йўналган энг изчил ва кучли йўналиш ҳам шикланган. Бу йўналиш Шарқ эзотеризмидан таъсирланиш ва уни ўрганиш асосида шикланган. Лекин ундан олдии бадний адабиётда ҳам илмий дунёқараш кризисидан чиқиш ва инсоний гўшунлишда эришилган муайян ютуқлар борлигини инкор этмаймиз.

### ***Назорат учун саволлар***

*1. Адабий ўзгариш ясаган модерн ва постмодерн оқимларининг адабий-эстетик жиҳатларини сананг.*

*2. Модернизм ҳақида чоп этилган мақолалар ва рисоаларни сананг.*

<sup>37</sup> Автономова Н.А. Памяти Жака Деррида. // Вопросы философии. 2005. № 4. Б.130-132.

<sup>38</sup> Беляев М.И. Концепция русского национально государство. Москва: 2006 <http://www.milogiya2007.ru>

3. *Постмодернизмнинг модернизмдан фарқини айтиш.*
4. *Абсурд театри вакилларини сананг.*
5. *Постмодернизмдан кейин ҳам бирор адабий оқим вужудга келиши мумкинми?*

### *Адабиётлар*

1. Каримов И.А. Юсак маънавият – енгилмас куч. Т. Маънавият, 2008.Б.115.
2. Фромм.Э. Инсоннинг ҳозирги ҳолати // Жаҳон адабиёти 2000. Б.113-115.
- 3.Цвег С. Зигмунт Фрейд. Рухий таҳлил санъати // Жаҳон адабиёти. № 3. Б.134-136.
4. Элви Тоффлер. Учинчи тўлқин // Жаҳон адабиёти. 2001 №1. Б. 175-196.
5. Франкл В. Человек в поисках смысла. М.: Прогресс, 1990 С.11.
6. Мирзаева З. XX аср ўзбек адабиётининг Америкада ўрганилиши. Тошкент, 2011. Б.239.
7. Маҳмараимова Ш. Модерн – уйғониш демак. Тошкент, 2009
8. Шермурод Субхон. Постмодернизм ҳақиқати // Гулистон 2008. 5-сон.
9. Кутырёв В.А. Философия иного, или Небытийный смысл трансмодернизма // Вопросы философии. 2005. № 7. Б.21-22.
10. Автономова Н.А. Памяти Жака Деррида // Вопросы философии. 2005. № 4, 130 – 132 б.
11. Маънавият: Асосий тушунчалар изоҳли луғати. Т.: Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. Б.800.
12. Артаманов С.Д. и др. История зарубежной литературы XVII-XVIII в.в. М., 1978.
13. Зарубежная литература XIX века. М., 1979.
14. История зарубежной литературы XX в. М., 2000.
15. Методологические основы изучения и преподавания зарубежной литературы в высшей школе. Т.: ТГУ, 1980.
16. История всемирной литературы.1-6 том. М., 1983-1989.

## 5-мавзу. Символизм оқими ва улар олиб чиққан масалалар

*“Символизм” ва оммавий ахборот воситалари, Интернет ва интто Фарб мамлакатларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, кинофильм ҳамда видеофильмлар орқали зўр бериб тарғиб тилаётгани тушунтирилади.*

*Калит сўзлар: Маърифат, маънавий-маърифий ишлар, таълим-тарбия соҳаси, халқимизнинг бебаҳо маънавий дурдоналари, миллий гендер, гарбона андозаларга тақлид, Фарб телевидениеси маҳсулотлари, гарб оммавий маданияти.*

Символизм (ююнча *symbolisme* – белги, рамз, тимсол ёки уларнинг мажмуи) – XIX аср охири – XX аср бошларида вужудга келган адабий-фалсафий оқим. Символизм дастлаб Францияда, ижтимоий ҳаракатлардаги тушкунлик оқибатида вужудга келди (П.Верман, А.Рембо каби шоирлар, П.Фор ва бошқалар ижодида кўринади) ва кейинчалик Европанинг бошқа мамлакатларига ёйилди (К.Бельмонт, Д.Мережковский, З.Гипиус, Ф.Сологуб, А.Бслий, қисман А.Блок, В. Брюсов, М.Врубель, В.Митерхольд ва бошқалар ижодида кўзга ташланади). Символистлар бирор тушунчаи, ҳодисани ифодаловчи ёки эслатувчи шартли белгини бидний ижод асоси ҳисоблаб, у мавжуд оламни билиш, тушунишнинг асосий воситаси сифатида хизмат қилади, деб ҳисоблайди. Символизм оқими объектив ҳақиқатни билиш мумкин эмас, деб ҳисобловчи А.Шопенгауэр, Э.Мах ва неокантчилар ижодиётига асослаилади. Символизм индивидуализм, мистицизмни ташвиқ қилди, ҳаёт кўринишларини “нариги дунё”нинг символлари сифатида талқин этади, бу олам “ҳақиқий дунё”нинг ёлгон акси, деб ҳисоблайди. Кўпчилик символист адибларнинг асарлари киноя ва имо-ишораларга тўлиб-тошган, символист шоирлар шаклбозликка берилиб, чуқур мазмуига эга бўлмаган, тушуниш қийин бўлган асарлар, шартли ва умумлаштирилган образлари, шеъриятинг махсус тилини яратишга уринган.

“Символизм” тушунчасини дастлаб француз шоири Жон Мереас (1856-1910) қўллаган ва назарий жиҳатдан асослаб берган. Символизм доктринасига кўра, ҳар бир иарсада ғоя яширинган, уни санъат, аввало: мусиқа, мусикавий шеъриятгина тушуни-

тира олади. Шеърят билимнинг энг олий шакли бўлиб, динг яқин, унинг ижодкори эса илоҳий қудратга эга, оламда ҳамм нарсанинг мазмуни символ орқали англанади, шоир бунда тарж монлик вазифасини ўтайди. Символизм тасвирий санъатда модерн услуби билан узвий боғлиқ бўлиб, символист рассом, ҳақ калтарошлар асарларида билиб бўлмайдиган, ақл бовар қилмайдиган дунёнинг ғайритабiiйлигини ифодалади. XX асрда турли туман бадий оқимлар (эмпрессионизм, сюрреализм, футуризм ва бошқалар)да символизмнинг таъсири бўлди. Символист театр ар боблари шаклбозликка берилиб, мавҳум, схематик образлар орқали инсонни тақдир ва ўлим олдида ожиз қилиб кўрсатишга ҳаракат қилади. Умуман, символистлар санъатни ҳаётдан узоқлаштириш, ҳаётий ҳақиқатдан кўз юмишга интилади, бадий асарларни реал борлиққа қарама-қарши қўяди.

Янги жамият ҳақидаги ғояларни француз адабиё тафаккурида ҳам учратамиз. Бунга Мореллининг “Табиат кодекси” рисоласи мисол бўлади. Рисолада, аввал кўриб ўтганимиздек, қандайдир бир хаёлий оролда қуриладиган жамият ҳақида эмас, мавжуд жамиятдаги сиёсат ва ахлоқни танқид қилиш орқали “жамиятдаги бахтсизлик ва нуқсонларни йўқотувчи асосий қонунлар” ҳақида фикр юритилади. Морелли шахсий мулкнинг мавжудлигини эътироф этган ҳолда, хусусий мулкни йўқотиш ғоясини илгарича суради. Мулк умумий, жамоа мулки бўлади. Морелли назарда тутган жамиятда савдо-сотиқ ва айирбошлаш бўлмайдди. Ҳар ким ўзи учун зарур бўлган нарсаларни, меъёрга амал қилган ҳолда жамоат омборхоналаридан олади. Жамиятда оила сақланиб қолади. Қонунининг устуворлиги Сенат томонидаи назорат қилинади. Мореллининг таъкидлашича, ҳар қандай ижтимоий буйруқ “Ақл талаб қилади, қонун буюради” деган тамойилга асосланади. Мореллининг хаёлий жамиятида бошқарувнинг демократик шакли амал қилади. Юқорида кўриб ўтилган янги давр Европасига хос идеал жамият моделлари қатор умумий камчиликларга эга бўлган. Аввало, уларнинг реал ҳаётдан ажралиб қолгани, хаёлий эканини кўрсатиш мумкин. Иккинчидан, жамиятдаги зиддиятларни бирданига йўқ қилишга интилиш ҳам хомхаёл эди. Бунда қонун ва тарбиянинг ролини бўрттириш ва бошқа омиллар таъсири кўра олмаслик ҳолати мавжуд. Ва ниҳоят, жамиятдаги салбий ҳодисалар учун хусусий мулкчилик айбдор, деган асоссиз

қирин илгари сурилади. Янги даврда мавжуд ижтимоий ҳаётни илмий таҳлил қилишга интиланган италиялик олим Н.Макиавеллининг жамият тўғрисидаги қарашлари ҳам алоҳида эътиборга лойиқ бўлган.

Прерафаэлитлар ғоялари ва амалиёти адабиётда символизм шаклида (У.Патер, О.Уайльд) ва тасвирий ҳамда амалий безак шаклида модерн (О.Бёрдсли ва бошқалар) йўналишида ривожланди. Баъзи символистлар ўз ғояларини туш шаклида ифодалай бошладилар.

Тушга монанд жаҳон шеърлятида символизм оқими шаклланди. Эмиль Верхарн, Александр Блок, Анна Ахматова, Марина Цветаева сингари сўз усталари оқимнинг биз билган буюк намоёндалари ҳисобланади. Символизм яралишида романтизм оқими муҳим аҳамият касб этган. Улуғ немис шоири И.В.Гёте (1749-1832) қаламига мансуб ушбу шеърлий парча символизмни бундан солади:

*Юрсанг тикка сўқмоқ йўлда кеч,  
Лапар айтгин, ташвиш тортма ҳеч.  
Нортуянгни ҳайдаб баралла –  
Тунда Ҳофиз газалин куйла.  
То юлдузлар қимирлаб ларзон  
Қароқчилар қочсинлар сарсон.  
Қаер бўлса: базм ё ҳаммом,  
Куйла Хўжа Ҳофиздан мудом!  
Майли, чиммат ёнса дилбарни,  
Пайқаб қара лаъли лабларни.  
Ул парининг кўнглини овла  
Нозли севги кўйнига чорла!  
Йўқолиб кет, эй бахил, разил,  
Билки бу юрт куйчига манзил.  
У буюрса таронасига,  
Учар жаннат остонасига,  
Секин қоқиб эшикни кўшиқ,  
Ўлмасликка қовушар ошиқ.<sup>39</sup>*

<sup>39</sup> Гёте И.В. Ҳижрат – кўчиш (“Ғарб-Шарқ девони” дан). Мақсуд Шайхзода таржимаи. “Чорак аср девони”. Тошкент, 1958. Б.427.



Гёте хаёлан жуғрофий чегараларни, вақт чегараларини бузад. Лирик қахрамон худди туш кўраётгандай... Умуман, Гёте ижодида туш унсурларидан муваффақиятли фойдаланиш усуллари дуч келамиз. Бу шоир ўз тушларини қоғозга муҳрлаётгандек бўлади.

Жаҳон шеъриятида йигирманчи асрнинг 20-йиларигача гуллаб-яшнаган символизм оқими ўз ўринини модернизмга бўшатиб берди. Модернизм ҳам моҳиятан туш ҳодисасига ўхшайди. Бирок, метафораларнинг тигизлиги, ўзгарувчанлиги, образларнинг тез ҳаракати билан символизмдан тафовут қилади.

Модернизм намуналарини тушунмоқ, ҳис этмоқ учун ўзбек ўқувчилари, энг аввало, Алишер Навоий ижоди руҳиятини англамоқлари жоиздир. Негаки, Навоий ҳазратлари ижодида модернизм унсурлари ниҳоятда кўп учрайди. Агарда кимда-ким Навоий ҳазратларини руҳан англаб етса, баланд чўққига чиққандек бўлади. Барча оқимлар ана ўша чўққидан пастдадирлар.

Биз символизм нима, деган саволга жавоб қайтарамиз, деган уринганимизда албатта шеърятга кириб қолаверамиз.

*Ярим тунда уйғониб кетдим,  
Юрагимда мунгли нолалар.  
Деразадан пастга қарасам –  
Парфи – парфи ўйнар болалар...*

Дарҳақиқат, кўпчилик ёш ижодкорлар Рауф Парфидан ўзлари ёлғиз қолганларида ижро этолмайдиган кўп нарсаларни ўргандилар. Оҳаиграбодек нечоғлик ўзига тортмасин, у айниқса тақлидчилар учун жуда хавфли эди. Тақлидчи, Александр Пушкин айтганидек шеър тўқувчи эса ҳақиқий шеърят учун мутлақ кераксиз...

Валентин Катаевнинг “Хаёл чечаклари” китобини тез-тез мутолаа қилиб тураман. Ҳар бир даврда ҳам ҳар бир миллат адабиётининг юксак дидли намояндаларигина ўз адабиётининг пастбаланд нукталарини идрок кўзгусига солиб турган. Бунининг “...биз кейинги пайтларда адабиётимизни не кўйларга солмадик, биз нималарга тақлид қилмадик, нималарга ўхшатгимиз келмади, қандай услуб ва даврларни олмадик, қайси худоларга тавалло қилмадик! Деярли ҳар бир киши адабиётимизда янги бир санамни

туди. Биз декаденсни ҳам, символизмни ҳам, неонатурализмни ҳам, “жинсий проблемалар”ни счиш деб аталган порнографияни ҳам, худо билан курашни ҳам, афсона яратишни ҳам, қандайдир мистик анархизмни ҳам, Дионисни ҳам, Апполонни ҳам, “мангуликка учиш”ни ҳам, пўстлокдан ясалган рус услубидаги шеърни ҳам, дадаизмни ҳам, акмеизмни ҳам бошимиздан кечириб, энди “футуризм” деган ноҳя сўз билан аталган, учига чиққан безориликка ҳам етиб келдик. Мана шунинг ўзи бошимизга Вавилон тупи қўнгани эмасми!” мавзудаги нутқини тез-тез такрорлайман. Нушин юксак санъаткор адиб. Ўзидан ёлғиз Толстойигина балки қўя олган. Чсовни ўзидан салгина юқорироққа қўйган. Қарини мана бу гапларга: “Куприн таланти ёзувчи, ҳатто жудаям тилишгли, лекин кўп ҳолларда искиртрок. Леонид Андреев ҳақида Толстой бошлаб айтиб қўйган: “У қўрқитади, менинг эса сираям қўрқим келмайди”. Горький, Короленколар, моҳият эътибори билан санъаткор эмас, публицист, бу иарса, албатта, уларнинг талиғини заррача ҳам ерга урмайди, аммо... ҳақиқий шеърят айтиб кетди”. Бу Буниннинг инқилоб арафасида рус адабиётидаги ишчиларга қарата қуюнчақлиги ва ҳамдардлиги эди.

Масалан, асли келиб чиқиши ливанлик бўлган француз ёзувчиси Амин Маалуф (Amin Maalouf, 1949) қаламига манеуб “Левант дарвозаси” романида “маданиятшунослик романи”нинг ёқин аниқроқ қилиб айтганда, “умуминсоний адабиёт”нинг бир қўрғинини мужассамлашганини кузатамиз. Байрутга яқин тоғ ёнбағридаги қишлоқда туғилиб улғайиш, “Куи” номли газетадаги фаолият, олтмишга яқин давлатларга қилинган зиёрат, Ливанда рўй берган хунрезлик уруши, Францияга ионлож эмиграция қилиниш иш, ниҳоят, 1993 йилда нуфузли Гонкур мукофотида сазовор бўлиниш, умуминсоний кадриятлар билан “бирлашиш”, уларга “қўшилиш” билан боғлиқ бир қатор романларни яратиш, “беватанлик” деган ягона тушунчада бирлашиб кетган Шарк ва Фарб мавзуси – буларнинг ҳаммаси Амин Маалуф таржимаи ҳолининг асосий мўминини ташкил этади. Муаллиф шахсий ҳаётининг реаллиги, ишонасидаги ижтимоий ҳаётнинг реаллиги ва романга доир исавбури Амин Маалуф асарларида гоҳо бадий, гоҳо фожиали контекста ҳаракатланади.

Асли Фаластинда туғилиб ўсган америкалик мунаққид Эдвард Вади Саид (Edward Wadie Said, 1935-2003) таърифича, Амин

Маалуф асарларида “оламшумулик” тамойили, яъни реаллик ва матннинг бир-бирига ўзаро таъсири, ўзаро ҳаракати ва ўзаро ал-машинувининг ўзига хос жиҳати яққол намоён бўлган. Уларда матнлар (шу жумладан, олам ҳам) “чатиштирилиш”и натижасида ягона матн ҳосил бўлади, яъни мафтункор ва афсоиавий “шарқий бозор” (“bazarre orientale”)га, умуммаданий яхлитлики ҳосил қилувчи мозаикага, ўзига хос “жаҳон миқёсидаги умумийлик”ка айланиб боради.

Романнинг марказга интилувчан тенденцияси унинг қурилма-сида, ҳикоя қилиш услубида, қолаверса, қаҳрамон рефлексиясида ҳам намоён бўлади. Бу фикр асоссиз бўлмаслиги учун романдан бир парчани таржимада келтирамиз: “Ҳа, айнан шундай, у бир муслима ва яхудий аёл! <...> Ҳа, бир вақтнинг ўзида у яна кўп бошқа хислатларга ҳам эга. У ўзининг ўтмишда Марказий Осиё, Турк Анатолийси, Арабистон, Украина, Бессарабия, Арманистон, Баварияда яшаган забткор ва қочқин аждодлари билан фахрланарди. <...> Унда ҳеч вақт ўз қонидаги иркий заррачалар, қалбининг парчалари ўртасида танлов ўтказиш иштиёқи бўлмаган”.

Амин Маалуф қаҳрамони – ҳақиқий “умумбашар одами”, глобаллашув давридаги маданиятлар саргардони ҳисобланади. У усмонли турк сулоласидан бўлган зоти улуғ оилада туғилган, отаси турк, онаси армани аёли. У ҳақда қуйидаги таъриф келтирилади: “Уша машъум ва манхус йилда (1915) армани аёлга ўз қорида усмоний туркдан бўлган болани кўтариб юриш нималарни англаганини ким бугунги кунда тушунишга қодир, билмайман...” “... у яхудий аёлга уйланган, француз қаршилик кўрсатиш ҳаракати қатнашчиси, арманилар зич яшайдиган даҳаларни кўчириш дастурларини ишлаб чиқишда қатнашган, уруш, очлик, оммавий қиргин, эпидемия ва эмиграцияни, ота-онасининг вафотини, арабисроил урушини, ақли заифлар учун клиникада йигирма йил мобайнида мияни айнитувчи даволаш муолажаларини бошидан кечирган, навбатдаги уруш пайтида клиника нейтрал ҳудудда қолиб кетганда, қаҳрамон отаси унга Оссиан исмини қўйгани бежиз эмас. “Исён!” – қамоқдан қочиб кетади. У ўзининг жуссаси кичкина бўлиб қолган, сочлари оқариб кетган аёлини, ўз хотинини, ўз Кларасини ахтариб топади...”

Роман хотимаси реаллик ва матн ўртасидаги ўзига хос ўзаро алоқадорликни, ўзаро ҳаракатни яна бир қарра таъкидлайди. Бу-

тун бошли асарда кўп қиёфали ва нимага қодирлигини олдиндан пайқаб бўлмайдиган реаллик қатъий қоидалардан ҳоли, очикдан-очик романий шаклда гавдаланади, бу шакл бир тахлитда, бир маъноли тушунишни истисно қилади, талқинларнинг кўплигини тақозо этади. Жумладан, дунё миқёсидаги ўзгаришлар, дунёни ларзага келтирувчи кулфат, ҳалокат ва фожиаларни бошдан кечириётган даврда бутун борлик, реал воқелик, қолаверса, инсон ҳаётининг дудмаллиги ва маъносизлигини ўзида мужассам этади.

Бирдамлик ва оламшумуллик ғояси, ўзига хос янги универсал ғоя бўлиб, бу “Европа – ягона уй” дегувчи ғояни рад этиш, бутун диққат-эътиборни “учинчи дунё” маданиятларига қаратиш, “маргинал маданият”, “катта” ва “кичик” адабиёт тушунчасидан воз кечиш машхур француз ёзувчиси Жан-Мари Гюстав Ле Клезю (Jean-Marie Gustave Le Clézio, 1940) нинг қатор асарларида ўз аксини топди ва у 2008 йил Нобель мукофотида сазовор бўлди.

“Сарсон юлдуз” (“Etoile errante”, 1992) романида ушбу бирдамлик асарнинг бадий тўқимаси, поэтикасида ажойиб тарзда гавдалантирилади, унда қадим мифологиянинг аёнанавий рамзлари Инжилнинг икки, яъни, “Юқори аҳд” ва “Янги аҳд” илоҳий китоблари ўзга шаклга киритилган мифологик сюжетларга чамбарчас боғланган бўлиб, уларни христиан ва ислом динидаги мифологик сюжетлар, турли мамлакатлар миллий фольклоридан ижратиб бўлмайди; француз, яҳудий, италян, араб каби қаҳрамон образлари ҳам бегона азоб-уқубат, жабр-жафосиз қурраи замин маконига тарқалиб, “ўсиб” кстади.

Глобаллашувнинг замонавий теиденцияларини ўзида мужассам этувчи ва “умуминсоний адабиёт”нинг туғилиши замонавий жараёнининг турли модулларини яратувчи янгиланган универсализм, муқобил вариантлар асосида янгича синтез, беҳад кўп маданий айнан ўхшашлик ғоялари “тотал (оммавий) роман”нинг кўнгина турларида ёрқин намоён бўлаяпти. “Тотал (оммавий) роман” – бу XX асрнинг ўзига хос универсал синтези, аниқроқ қилаб айтганда, бир бадий яхлитликда синтез, симбиоз, мозаика, структуравий бирликнинг ҳар хил кўринишлари орқали авваллари турли жанрга оид тизимларда ҳаракатланган жанрлар, миллий анъаналар, динлар, инсоний билимлар, психологик тажриблар ранг-баранглиги жамланганлигидир. Бундан ташқари унда адабиёт хотираси, инсониятнинг маънавий тажрибаси жамланган,

бирок, эндиликда, улар битта асарда бутунлигича қамраб олина олмайди, негаки улар кўп қирралаи универсал диалогик рефлексия билан тўйинтирилган, ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, асар дунё ва инсон ҳақидаги СЎЗга айланади ва “умуминсоний адабиёт” тушунчасининг ўзига хос замонавий кичик бир модули бўлиб қолади.

Бошқа бир француз ёзувчиси Мишел Батайнинг (Michel Bataille, 1926) “Рождество арчаси” (L’Arbre de Noël, 1967) асари “умуминсоний адабиёт” модулининг намунаси сифатида намоён бўлгувчи универсал романи вариантдек гавдаланади. Монологик тавба-тазарруниинг миллий анъанасига содиқ қолган ҳолда, уни “хитобнома роман” кўринишига ўзгартирар экан, муаллиф ушбу ўзгарган француз анъанасини “умуминсоний” бирдамлик асносида диалог тарзида қуришга ҳаракат қилади. “Хитобнома роман”ида биринчи шахс номидан олиб борилаётган ҳикоя учинчи шахс томонидан олиб борилувчи ҳикоядан асло ажралмайди, балки ўзига хос яхлитликни ҳосил қилгаилигини таъкидлаб ўтмоқ, айтиш мумкин.

Ғожиали шахс, инсоният тарихини, инсон тафаккури ва дарду азобини (“Юқори аҳд” ва “Янги аҳд”дан олинган парафразалар Инжилда келтирилган исм ва номлар, Полннезия маъбудалари Миср худолари, католик ва православ байрам ҳамда эътиқодлари буюк француз мутафаккири Блез Паскалнинг “Фикрлар”и, хитоб ва немис донишмандлари, француз натурализи тарафдорлари ғоялари, бадий адабиёт қаҳрамонлари ва ҳоказо) ўзида акс эттириб, театр, мусиқа, кино, шеърият, мумтоз психологик роман ва замонавий санъат каби ҳар хил санъатларнинг бадий тажрибасини ўз таркибига сингдириб, полилог жараёнга киришишга ҳаракат қилади, ўзаро келишувга, муросага бормоқчи бўлади, жумла оламдаги мавжуд умумбашарий, теран бирликнинг бирдамлик эришишига ҳаракат қилади. Эстетик тафаккур тарихида Псевдо Дионисий, Дионисий-Ареопагит номлари билан машҳур, лекин ҳақиқий номи номаълум илоҳиётчининг “Ареопагитиклар”иде византияликларнинг мутлақ гўзаллик ҳақидаги христиан диниге хос таълимоти муайян тизим ҳолига келтирилди. Жумладаг унинг “Илоҳий исмлар ҳақида” номи рисоласида “мутлақ гўзаллик” (“Асл гўзаллик”) тушунчасига анча кенг таъриф берилди. Унга кўра, “асл гўзаллик” (яъни, Худо)дан мавжуд нарсаларнинг

бирига, ҳар бирининг ўзига яраша ва мос гўзаллик бахш этилади. Шу боис ҳам “асл гўзаллик” мавжудликнинг сабаби, жами гўзалликнинг манбаидир. Дионисий-Ареопагитга кўра, маънавий-руҳий изланишларнинг мақсади – мутлақ гўзаллик, унга элтувчи воситалардан бири эса моддий оламдаги гўзалликдир. Зеро, моддий оламдаги иарса-ҳодисаларнинг барида мутлақ гўзалликдан дерак бор. Негаки, уларнинг ҳар бири мутлақ гўзалликдан ўзига, ўз мақомига яраша нур олган. Шунга кўра, моддий ва маънавий реалликдаги ҳамма нарса рамз(символ)дирки, уларнинг ҳар биридан илоҳий нур таралади, ҳар бирида Яратганнинг ўзидан недир бор. Худони таниш учун инсон айна шу рамзларни кўра олиши, уларнинг мазмун-моҳиятини тушунишни ўрганиши лозим бўлади. Дионисий-Ареопагит ўрта асрлар символизми назариясини ишча муфассал ишлаб чиқди. Тўғри, унинг айна шу масалага бағишланган “Символик илоҳиёт” номли асари бизгача етиб келмаган. Шунга қарамай, унинг бу борадаги қарашлари бошқа асарларида ҳам анча кенг акс этган. Бундан ташқари, “Символик илоҳиёт”нинг асосий мазмуни унинг асарларига ёзилган шарҳлар орқали ҳам маълум. Дионисий-Ареопагитга кўра, рамз (символ)лар бир пайтнинг ўзида ҳам ҳақиқатни ифода этишга (хослар учун), ҳам уни яширишга (хос бўлмаган, дуч келган кишилардан) хизмат қилади. Рамзнинг асосий вазифаларидан бири – информация етказиш, бу вазифа эса турли йўсин ва шаклларда амалга ошиши мумкин. Яъни, информация билвосита ёки бевосита етказилиши мумкин. Биринчи ҳолда у белги ёки образ шаклида етказилади. Белги шаклида етказилган информация хосларгагина тушунарли бўлса, образ шаклида етказилган информация шу маънавиятга мансуб барча кишиларга тушунарлидир. Ареопагит литургик образлар информацияни бевосита етказди деб ҳисоблайди, чунки литургик образлар (черков маросимлари) ифодалайди, яъни эмас, балки бевосита намоён этади. Тўғри, Ареопагит литургик образлар масаласига кенг тўхталмайди, бироқ византиялик илоҳиётчилар унинг фикрларини ривожлантира бориб, литургияни (диний маросимни) рамзий қабул қилиш тизимини ишлаб чиқдилар. Дионисий-Ареопагит рамзларнинг иккита асосий турини ижротади: 1) архетип билан муштарак белгиларга эга бўлган “ўхшаш” рамзлар; 2) бундай белгиларга эга бўлмаган “ўхшашсиз” рамзлар. Унинг ўзи “ўхшашсиз” рамзларни юксак кадрлайди,

чунки уларнинг ёрдамида юксак руҳоний моҳиятга кўтарилиш қулайроқ деб билади. Негаки, руҳ бу рамзларнинг ташки белгиларнда тўхталиб қолмайди, балки ундан ҳақиқатни, архетипни излайди. Улардаги “ўхшамаслик”нинг ўзи руҳга қанот бағишлайди, уни тасвирланган иарсадан тамоман йироқ бўлган олий маънавий-руҳоний кадриятларга йўналтиради. Рамз қатида ботин моҳиятнинг инкишоф этилиши эса кишига таърифга сифмайдиган лаззат бахш этади. Шу қарашни янада ривожлантириб, Дионисий-Ареопагит ҳатто хунук, иомаъкул иарса-ҳодисалар тасвири ҳам олий руҳоний кадриятларни ифодалаш мумкинлигини таъкидлайди. Мумкингина эмас, ҳатто уларни ифодалаш учун тубан нарсаларнинг тасвирлангани маъқулроқ ҳам. Чунки бу ҳолда, биринчидан, илоҳий кадриятлар янада кўпроқ улуғлаиган бўлади. Иккинчи томондан, бу ҳолда бутун эътибор ботиний маънога йўналтирилади, зеро, бундай рамзда эътиборни тутиб қолувчи ташқи гўзаллик йўқ. Юқоридагилардан кўринадики, Дионисий-Ареопагитнинг эстетик таълимотида образ воситасида Худонинг англаш масаласи марказий ўринни эгаллайди. Шуининг учун ҳам, унга кўра, символ(образ)нинг асосий вазифалари ўзида руҳоний моҳиятни тажассум этиш ва инсонни унга томон юксалтиришдан иборатдир. Дионисий-Ареопагитнинг антик фалсафа ва христиан дини ақидаларини синтезлаштирган ҳолда ишлаб чиққан таълимоти ўрта асрлар эстетик тафаккурида чуқур из қолдирди.

Ранг-баранг “камалак”, “чиройли мозаика” модули “умуминсоий адабиёти”нинг шаклланиши, қарор топиши йўллари олдидан белгилаб берувчи бсҳад кўп, ўзаро чатишиб кетган маданий айнан ўхшашликларнинг вариантдек намоён бўлмоқда. Бу ҳолат М.Фермин (Maxence Fermine) қаламига мансуб “Қор” (“Neige”, 1999) номли романда ўз аксини тонган; айтиш керакки бу романда мумтоз япон ва замонавий европача адабиётнинг ўзаро чатишиб кетган яхлитлиги ажойиб тарзда мужассамлаштирилгандир. Романнинг бутун қурилмаси ва поэтикасида чатишиб кетган ушбу яхлитлик хокку анъанавий япон шеърини ва символизм руҳининг уйғун бирикмаси ҳосиласидир. “Нарсаларнинг ғамгин сеҳри ва маънос таровати” япон эстетикаси ва шозистларга хо бўлган нарсалар дунёсини четдан туриб қайд этиш ва одамларни “моддийлаштириш” хусусияти, диалогга киришиб, таққослана олмайдиган тушуначаларнинг бирлигида, бирдамлигида дунёга кел

ган янги маънони аниглашга олиб келади. Ҳаёт фалсафасидек, ҳақиқий билишдек намоён бўлувчи мушоҳада поэзияси, “қараш”-нинг янги роман назарияси ва европача символизм анъаналари, бир-бирини яққол ифодалаб, бўрттириб тасвирлаб, қолаверса, таъкидлаб, ўзида янги романий яхлитликни туғдиради.

Инглиз адаби Кадзуо Исигуро (Kazuo Ishiguro) каламига мансуб “Биз етим бўлганимизда” (2002) романи бутунги кун “маданиятшунослик романи”нинг ёрқин намунасидек хизмат қилиши мумкин. Кадзуо Исигуро 1954 йилда Японияда туғилган, тўрт ёшидан Англияда иетикомат қилиб келади. Эндиликда, таниқли инглиз ёзувчиси, асарлари дунёнинг йигирма саккиз тилига таржима қилинган, нуфузли халқаро мукофотлар соҳибидир.

“Биз етим бўлганимизда” романида мумтоз ҳикоя қилишининг барча анъанавий қирралари бордек, яъни, тарих, қаҳрамон, сюжет, конфликт ва ҳоказо. Лекин кўнгини узук-юлуқ саҳифалар, шохда парчалардан иборатлилик, сабаб ва оқибат алоқадорлигининг йўқлиги, мавҳумлик, реаллик ва ҳаёлийлик чегараларининг аниқ эмаслиги романи, классик ҳикоя қилиш услубининг барча анъанавий унсурларини тубдан ўзгартириб юборади, уларни ўзгарувчан, мустаҳкам эмас, мавҳум кўринишга олиб келади. Асосий урғу маданий онг муаммосига, маданий ғайришуурийликка қаратилади. Ушбу замонавий жанрлараро насрда детектив жанри, “қора проза” шакли, қолаверса, қиёфаси ўзгартирилган ижтимоий-тарихий роман ва “тарбиявий роман” синтез орқали бирлаштирилгандан кўра, кўпроқ қандайдир бир симбиозда ўзаро таъми қилинади, бир-бирини тақозо этади. Роман қаҳрамони – Шанхайда туғилиб ўсган ёш Кристофер учун Англия ҳеч қачон “ўз уйи”га айланмайди; унинг дўсти – ёш Акиро ҳам Шанхайда катта бўлган, болалик шўхликлари учун ота-онасининг дўк-пўнисаси, яъни, “уй”ига – Японияга жўнатиб юбориш унинг учун ниг даҳшатли жазога айланади, негаки, у бир марта Японияда бўлган ва ўзини у ерда умрбод бегонадек ҳис қилиб улгурган эди.

Хитой, япон, инглиз анъаналарини таққослаб кўриш, қарама-қарши кўйиш, ўзаро ҳаракат, ўзаро таъсир, ўзаро алоқада кўриш, уларнинг муносабатдошлиги, бир-бирини инкор этиши, ўзаро рад қилиши ва бир-бирига сингиб кетиши ҳамда бири-бирини тўлдириши, бойитиши жараёнлари, шуниингдек, бу жараёнларда кечаётган таълим-тарбия тизими, тафаккур, дунёқараш, борликни ҳис



килиш, қолаверса, психологик тамойиллариинг уйғунлиги, яъни, шарқона мушоҳада, ўз ўй-хаёлларига чўммоқ, ички ҳис-туйғуларга таяниш – буларнинг ҳаммаси романда, айниқса, Акиро фикр-мулоҳазаларида, Кристофер рефлексиясида тез-тез учраб туради. Бошқа тарафдан, рационализм, яъни, европача мантиқ кундалик ҳаётда, маиший, психологик, фалсафий даражада аслидай тикланиб, рамзий маъно касб этади. Юқоридаги фикрларни тасдиқлаш учун романдан олинган ушбу парчанни келтириб ўтиш кифоя: “Уйнинг ташқи, ғарб тарафидаги эшиклари – одатда эман дарахтидан ясалган, уларнинг мисдан ясалган тутқичлари ярқирагунча тозалаб қўйилган; ички – япон тарафи лак билан пардозланган ялтироқ ромлар бўлиб, юпқа қоғоз тортиб қўйилган, қоғозларга нафис ва бежирим нақш ҳамда расмлар чизилган”. Рамзий ишора, рамзий маъно кўпинча экзистенциализм руҳи билан суғорилганлигини ҳам кузатамиз: “Ўлим тўшагида ётган, жон бераётган японлар, хитойлар, французлар, инглизлар қайси тилларда фарёд чекмасинлар, улар нақадар ўхшаш жаранглайди! Ўлим олди юракни эзгувчи фарёдлар ҳам, ҳозиргина туғилган чақалокникидай ягона оҳангдадир”.

Қаҳрамонлар болалиги пайтида Шанхайда бўлиб ўтган халқаро анжуман турли маданиятларнинг ранг-баранг ва хилма-хиллиги, айни пайтда эса, маънодош ҳамда бирдамлигининг рамзий маъноси, намунаси тарзида хизмат қилади; унда иштирок этган хитой, япон, инглиз, француз, араб, рус ва америкалик болалар ўзларини ягона оиладек ҳис қилишади, бир-бирини сўзсиз тушунишади. Шанхай улар тасаввурда “ягона умумий уй”га айланади. Аслида, душманлик ва адоват руҳига тўла дунёнинг ташвишлари бу уйда яшаётган етим болаларда ҳам шаклланган; ўз маданиятидан узоқлаштирилган, “етти ёт бегона” маданиятларни ўзлаштириб олган ва ўзиники деб ҳисобловчи бу болалар ўз “ота-онаси”, “кадрдон уй”ининг аста-секин йўқолиб бораётган соялари ортидан бутун умри изма-из таъқиб қилишга маҳкум этилгандир. Ота-она, уй, қурраи заминдаги ҳар бир жой архетипи фалсафий, психологик ҳамда ҳаётий жиҳатдан мазмунсиз, маъносиз бўлиб қолади. Болалар “жаннаг”дан, ўзига тегишли бўлган уйдан, аслида, ҳайдаб чиқарилган, қардошлик ва ҳамжиҳатлик ришталари уруш томонидан барбод қилинган. Англияда таҳсил олиб, машхур детективга айланган Кристофер бу юртда “ўзиники” бўла ол-

май, Шанхайга қайтади. Ота юртга келиб, у қачонлардир ўғирлаб кетилган ота-онасининг аниқланмаган “жиноят”ини очишга, ҳеч бўлмаганда, уларнинг изини топишга ҳаракат қилади. Унинг ўтмишга қилган “саёҳат”и бугунги куннинг ақлбовар қилмайдиган реал воқеаларга айланиб кетади. Хронологик жиҳатдан воқеалар тафсилоти XX асрнинг 30 йилларидан то 60 йилларигача давом этади. “Саёҳат” чоғида у болалик давридаги дўсти Акирони кутқаради ва бемаврид йўқотади. Япон аскарига айланган Акиро болалиги кечган ўз “уй”ига ўқ отишга мажбур бўлади, энг даҳшатлиси, бу “уй” – унинг ягона уйдир, бошқаси унда йўқ ва ҳеч қачон бўлмаган. Кристофер охири жирканч ва кўрқинчли жиннихонадан таҳқир ҳамда калтақлардан бутунлай ақдан озган, эсхушини йўқотган ўз онасини топади.

Асарда XVIII аср “кора роман”и анъаналари ҳам кўзга ташланади. Ромаида урушнинг даҳшатли манзаралари, япон бомбалари харобага айлантирган, остин-устун қилиб юборган “қашшоқлик ини” – Шанхай даҳаларини тасвирлаш асосий мўлжалга қўйилган. Бу манзаралар тикланган хотиралар, ҳис-туйғулар эвазига, фактларнинг иоаниқлиги, узук-юлуқ парчалардан иборатлиги, эҳтимоллиги хаёлан мантиққа зид равишда матнда уйғунлаша боради, бир-бирига мос тушади.

Мазкур маданиятшунослик романини “умуминсоний адабиёт” андозасида, замонавий фикр-мулоҳазалар контекстида назардан кечирсак, унда файласуф Г.Альтшулер атамаси билан айтганда, “пўлат эритиш қозон”и деб аталувчи модул мужассамлаштирилган, яъни, маданиятда глобаллашув тенденцияларни муқаррарлиги фараз қилинган, дейиш мумкин. Айни пайтда, миллий айнан ўхшашликлар, яъни, миллий анъаналар бир қадар хаспўшлангандек кўринади. Ҳа, бугунги кун ва яқинлашиб келаётган интеграциялашув жараёнлари модулларини тарғиб қилувчи асарларда турли миллатлар, миллий анъаналар ва маданиятлар уруш туфайли сургун қилинган, беватаи қолган, фожиавий ҳолатга тушган миллатга ўхшаб кўринса-да, аслида, у ўз маданияти ва ўзига хослигини сақлаб қолади. Аҳамиятли томони шундаки, асосий урғу аста-секин вужудга келаётган беҳад кўп маданий яхлитликнинг синкретизми, бир-бирига чагишиб, уйғунлашганлигига қаратилади.

Нафсиламбр, француз ва иснанзабон ёзувчи Ферриандо Аррабаль (Fernando Arrabal), асли ливанлик, бироқ, француз ти-

лида ёзадиган Амин Маалуф, япониялик, бироқ, инглиз тилида қалам тебратаётган Кадзуо Исигуро романларида миллий менталитет, миллий анъана эмас, балки бугунги кунда дунё миқёсидаги ксчаётган туб ўзгаришлар, ҳалокат ва кулфатлар олдида уларни йўқотиш асосий ибтидога айланиб борапти. Дунё миқёсидаги туб ўзгаришлар, ҳалокат ва кулфатлар деганда, биз, энг аввало, урушлар, терроризм, муҳожирлик, иркий камситиш, беватанлик каби тарихий ва психологик зарбаларни назарда тутаялмиз. Кадзуо Исигуронинг “Биз етим бўлганимизда” номли романидан фикримизни тасдиғи учун ушбу парчани келтириб ўтайлик: “Кристофер, сен етарлича инглиз эмассан, – деди ёш Акиро ўз дўстига қараб, – мен эса етарлича япон эмасман”.

Ўзида муайян бадийий яхлитликдаги глобаллашув тенденциясини мужассам этувчи “умумбашарий адабиёт”нинг намунаси бўлмиш замонавий маданиятшунослик романларининг ўзига хос хусусиятларини умумлаштириб, адабиётнинг бугунги кунда “олдинга қаровчи”, “олға интилувчи” азалий вазифасига эга бўлаётганини кузатарканмиз, уни тан олишдан бошқа чорамиз йўққа ўхшайди. Чунки бу каби асарлар келгуси умумжамятининг хусусиятларини, шаклларини, қолаверса, қиёфасини кашф этади, олдиндан пайқаб, турли-туман, ранг-баранг шакллар орасидан энг муносибини, тўғри келувчи модулини танлаб, бизга тақдим этади, деган ҳулосани чиқариш мумкин. Бироқ, бундай асарларда интеграциялашув жараёнини бир хиллаштирилиши, уни бир шаклга келтирилишига асло йўл қўйиш мумкин эмас, ҳар хил цивилизациялар, миллий анъаналар ва қадриятлар ўртасидаги ўзаро келишув орқали имкоиятлар даражасида амалга ошириш даркор. Бундай асарлар инсониятнинг ягона маънавий борлигини ҳамда кўп маъноли, полифоник дунёқарашини ўзида мужассам этиши лозим бўлади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, “умумбашарий адабиёт” мазмунида қуйидаги асосий тамойиллар мужассам бўлади:

– жаҳон миқёсида, оламшумуллик касб этаётган “шарқона бозор” модули кўринишида намоён бўлаётган “умумбашарий адабиёт” (Ле Клезиво, Амин Маалуф каби адиблар асарлари);

– “ранг-баранг камалак”, “куроқ кўрпа”, “чиройли мозаика” модули кўринишида намоён бўлаётган “умумбашарий адабиёт”. Бу ерда уйғунлашиб кетган, маданий айнан ўхшашлик муҳим аҳамият касб этишини унутмаслик лозим (М.Фермин асарлари);

– ўзаро уйғунлашиб кетган умуммуштараклик замиридаги диалогда акс этиб, миллий анъана тусини олаётган “умумбашарий адабиёт” (М.Батай асарлари);

– “пўлат эритиш қозони” кўринишида намоён бўлғувчи “умумбашарий адабиёт”, бу ерда синкретизм тамойиллари ошқора миллий айнан ўхшашликни саклаш билан уйғунлашади, муассасмалашиб боради (К.Исигуро асарлари).

Табиийки, адабиётда, биз ҳали англаб улгурмаган, тушуниб етмаган турли адабий шакллар етилиб, тадрижий равишда ривожланиб боради, айнан ноёб маданият, маърифат, маънавият шакллари куртак отади, миллий адабиётларнинг универсал бирлиги замирида турфа ранг бадий асарлар пайдо бўлади. Бундан қарийб икки юз йил муқаддам “жаҳон адабиёти” атамасини илмга татбиқ этган буюк немис шоири ва мутафаккири Гёте башоратини инобатга олгудек бўлсак, ҳақиқатга бирмунча яқинлигимиз равшанлашади.

Шу мақоласида Айн яна шоирнинг табиат, қушлар мавзуидаги шеърдан ҳам сиёсий, ғоявий хато излайди. Бу айбловларни тасаввур қилиш учун Чўлпоннинг “Қуш ҳадиги” шеърини тўлиқ келтирамиз. Бу шеър Айн мақоласи чиқишдан уч йил аввал (1924) ёзилган.

*Қуш бечора қўрқадурким, уясидан айиргайлар,  
Уясидан айирмоқла қайиргайлар  
Майда симдан силлиқ қилиб, моҳирона тўқилган бир  
Қафас топиб, дарчасини очиб, дерлар “Масканга кир!”  
Мискин қуш ҳам янги маскан “чекккасига” қўниболар,  
Масканига кўз югуртар, теварагига назар солар.  
Ва кўрарким, маскан ўзи машинада қўйилмишидир,  
Уни ҳозир қилмоқ учун кўп зеҳният сарф бўлмишидир.  
Дарчалари маҳкамгина, пухтагина, хотиржамлик.  
Сув ичгали, дон егали тешиқлар бор кичик-кичик.  
Симлар билан иши йўқдир, чиқмоқ учун учиб кўрар,  
Ўрмонларнинг хаёлид ҳар томонга ўзни урар.  
Томни тешиб чиқмоқ учун шипларга ҳам кўп ялинар,  
Ундай қилиб бир интилар, – мундай қилиб бир интилар.  
Фақат, заиф вужудини қанча урсин деворларга,  
Балки унинг юмшоқ тани, тўлиб кесин ол қонларга.*

*Деворларнинг сезгиси йўқ, туйғуси йўқ, товуш бермас,  
Тегра бутун руҳсиз гавда:  
“Нечун мундоқ бўлди?” – демас.  
Унинг бутун тасаллоси тўлиб-тошиб сайрамоқдир,  
Кўм-кўк дала, ўрмонларни эслаб-эслаб йиғламоқдир,  
Йиғламоқдир!..*

Айн – Олим Шарафиддинов шўро мустамлакачиларининг мафкурачиси, назоратчиси, “соқчиси” сифатида Чўлпоннинг романтизм ва символизм руҳидаги бу гўзал шеърларига (“донос”) ёзгандек, бундай дейди: “Бу шеър рамзийюнларча (символизм йўлида) ёзилгани учун қоронғи, киноялидир. Унинг (Чўлпоннинг)” фикрича: “Инқилоб натижасида озод бўлдик. Ўзимизга махсус маскан (уя)га эга бўлдик. Лекин... жиловимиз яна ўшал мустамлакачиларнинг қўлига тутқуздик. Масканимиз, кўи зеҳният (ҳийлакорлик) сарф қилиб, машинада қўйилган. Дон егали унда кичик тешиқлар бор. Биз ана шунга алданганмиз”, дейди.

### *Назорат саволлари*

1. *Символизм нима?*
2. *Символизм намояндаларини сананг.*
3. *Символизм билан модернизм орасидаги фарқни тушунтиринг.*

### *Адабиётлар*

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008.
2. Поэзия французского символизма. Лотреамон. Песни Мальдорора. М., 1993.
3. Кассу Ж. Энциклопедия символизма. Живопись, графика и скульптура. Литература. Музыка. М., 1998.
4. Яроцинский С. Дебюсси, импрессионизм и символизм. Пер. с польск. С.Поновой. М.: Прогресс, 1978. 232 с.
5. Казмирчук О.Ю. Творчество раннего Пастернака и поэтика символизма: Дис. ... канд. филол. наук: М., 2003.
7. Светикова Е.Ю. Трансформация романтического конфликта в литературе русского символизма: Дис. ... канд. филол. наук: СПб., 2003.

8. Кожушкова Н.В. Проблемы "Наследия символизма" в творчестве Н.С.Гумилева, 1902-1910 гг.: Дис. ... канд. филол. наук Магнитогорск, 2002.

9. Самосюк Н.Л. Драматургическая тетралогия Рихарда Вагнера "Кольцо Нибелунга" и ее влияние на образный строй литературы символизма: Дис. ... канд. филол. наук: СПб., 2002.

10. Смирнова Н.Ю. Символизм как текст культуры в творческом сознании Анны Ахматовой: Дис. ... канд. филол. наук Иваново, 2004.

11. Севастьянова В.С. Архетипика романтического двоемирия в поэтике русского символизма: Дис. ... канд. филол. наук: Магнитогорск, 2004.

12. Клинг О.А. Влияние символизма на постсимволистскую поэзию в России 1910-х годов Проблемы поэтики: Дис. ... д-ра филол. наук: М., 1996.

13. Сугай Л.А. Гоголь и русский символизм: Дис. ... д-ра филол. наук: М., 2000.

14. Маънавийт: Асосий тушунчалар изохли луғати. Т.: Гафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. Б 800.

15. Sholte J. Rethinkind Globalization. London, 2000, p.14.

16. Косиков Г.К. Французское литературоведение 60-70 гг.: От структурализма к постструктурализму, проблемы методологии: Дис. ... д-ра филол. наук в форме науч. докл. М., 1998

## **5-мавзу. Структурализм оқими ва унинг адабиётдаги ўрни**

*Ғарб оммавий ахборот воситалари, ноҳукумат халқаро ташкилотлар вакилларининг гўё мамлакатда инсон ҳуқуқлари поймол этилаётганини жар солиши орыали бошқа гаразли ниятларини амалга ошириши методлари тадқиқ қилинади. Демократия бузилаётгани хусусида жар солувчи гуруҳлар манфаати ўрганилади.*

**Калит сўзлар:** Структурализм, кодлаштириши, декод, тизимлик, маънавий-маърифий асарлар, тизимлилик, структурализмнинг таълим-тарбиявий соҳаси, маънавий дурдоналар, гарбона андозалар, маданиятларнинг адабий асарда ёритилиши.

Бугун жаҳон адабиётида, жаҳон тафаккур майдонида экзистенциализм ва янги кантчилик, феноменология, герменевтика ва лингвистик таҳлил, экологик инсонпарварлик ва структурализм, бихевиоризм ва интуитивизм, янги прагматизм ва бошқа оқимлар ўртасида янги дурагайлар пайдо бўлмоқда<sup>40</sup>. Герменевтика ҳам бадий кодлаштириш амалиёти, рақамлаш каби методларни ўзига сингдирган структурализм таълимоти ўхшашдир. Бироқ бу икки таълимот матнга ёндашишда фарқланади. Бу фундаментал муаммоларни ечиш, тадқиқ этиш вақти келди. Герменевтика аввал, хусусан, собиқ шўролар даврида бошқа хорижий таълимотлар сизгари ўрганилиши тақиқланган. Шунинг учун XVIII асрда илмий услуб сифатида пайдо бўлган бу метод бизга энди мустақилликка эришганимиздан сўнг кириб келмоқда. Шу маънода замонавий илм-фан ютуқлари қаторида герменевтикага жиддий ёндашиб, миллий тушунчаларимизга уйғунлаштиришимиз лозим бўлади.

Структурализмнинг бошқа адабий шаклларига ўхшаб, адабий конфликт назарияси жамиятдаги ижтимоий ўзгаришларнинг айрим жиҳатлари билан уйғун ҳолда кечади. Ушбу йўналишнинг диққат марказида жамиятнинг иқтисодий ва сиёсий тузилмасидаги ўзаро ҳаракатларни ёритиб бериш ётади. Бир қатор инглиз олимлари<sup>41</sup> геронтология соҳасига эътибор қаратган асарларни ўрганиб, ундаги структурализм анъаналарини таҳлил этдилар.

Ўз навбатида, маданиятни синергетик жиҳатдан таҳлил қилиш макон ва замонга доир кескин фарқларни йўқ қилади, бу ерда у йўқотилган, ярим унутилган, тарихда қолган барча нарсаларга “бу ерда ва эндиликда” мақомини беришга интилаётган пост-структурализм ва постмодернизмга яқинлашади.

Шунингдек, ғарбдаги структурализм йўналишида матнлар муайян рақам ва кодлар ёрдамида ўрганилади. Масалан, бунда ҳиндларнинг “Рамаяна” эпоси биздаги “Алпомиш”га, “Маҳобҳорат” эса “Гўрўгли” дostonимизга, ғарбнинг “Ромео ва Жулетта” асари Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” дostonига коди тўғри келиши мумкин. Яна бу шундан далолат берадики, дунё халқлари тафаккури бир-биридан улги, намуна олиши исботланган ходисадир. Герменевтикада бундай усул сифатида тушуниш,

<sup>40</sup> Қаранг: Ангелов С., Павлов Д. Философия, наука, общество. (Фалсафа, илм-фан, жамият). – София, 1975. С.69.

<sup>41</sup> Townsend P. 1979; Walker A, Phillipson C. 1986, Walker A, 1982

структурализмда – структуравий-функционал таҳлил тавсия этилди. Аммо логофоноцентризм руҳи билан суғорилган бу ва бошқа усуллар, постмодернистлар фикрига кўра, ҳозирги давр уфқларини бартараф этиш учун яроқсиздир. Ҳозирги давр тадқиқотчисининг фикрига биноан: “постмодернизм, бу – репрессив давлат, уни қўллаб-қувватловчи сиёсий тузилмалар ва ташкилотлар мантиғини намоён этувчи нартизанлар ҳаракатидир. Постмодернизм таърифномаси деконструкциядир”. Постмодернизм деконструкцияси бир вақтнинг ўзида матнни ёзиш-ўқишдир. Матн эса белгиларнинг статик ҳолатдаги уюми эмас, балки жараёндир. Постмодернистларнинг фикрига кўра, матн матн эмас, балки текстуаллик элементидир.

Постмодернистлар деконструкцияси ҳам рационалликка қарши, ҳам анъанавий рационаллик доирасида яратиладиган фалсафий матнларга қарши танқидий қайралган эди. Фалсафий фикр юритиш усулининг бундай тушунилиши қанчалик самарали ва жиддий экан? Постмодернистлар диққатни, текстуаллик “жуда кўи кичик наррациялардан” таркиб топиб, “катта наррациянинг” раддияси (Лиотар) эканлигига муваффақиятли равишда қаратадилар, постмодернист-деконструктивист репрессив давлат чегараларидан ташқари йўллар бўйлаб кўчиб юрувчи, юртма-юрт кезувчи киши бўлиши лозим. Кичик наррацияларнинг (ҳикоя) излари умуман текстуаллик маъносини тушунишда катта аҳамият касб этади. Бундан матн билан ишлаш жараёнида хомаки қўлёзмалар, белгилар, таги чизилган жойлар ва шу қабилар диққатни эгаллаганининг сабаби келиб чиқади.

Деконструкция постмодернизмнинг янги онтологиясига аниқлик, гносеологияси, мантиғи, риторикаси ва поэтикасига эса тугалланганлик бағишлайди. Масалан, монизм ва диалектика мантиғининг танқиди давомида постмодернистлар ўз китобхонларига ўзига хос постмодерн мантиғини тавсия этишади. Монизм метафизикаси ва мантиғига биноан ҳар бир масала бўйича биттаю-битта ҳақиқат ва унга етишиш учун тегишли битта усул мавжуд; диалектига биноан ҳақиқат қарама-қаршиликлар бирлиги бўлса, постмодернизм мантиғида кўплаб ҳақиқатлар мавжудлиги таъминланган. Бошқача қилиб айтганда, мазкур мантиққа биноан айнан битта саволга иккита ҳақиқат ёки ишончли жавоб ва унга етишиш учун иккитадан ортиқ усул мавжуд.



Постмодернизмнинг ушбу хусусиятини сезиб олган ҳозирги замон муаллифи мазкур мантиқни учинчи (яъни янги, замонавий) горгий софистикасининг кўриниши деб атайди ва уни “пинжин инглиш”даги ҳисоб техникасига ўхшатади. Ҳисоб унда қуйидагича олиб борилади: “бир йигит”, “икки йигит”, “кўн йигитлар”. Давр, замона билан ҳамоҳангликни ҳис этиш мақсадида, ҳақиқатнинг (аниқроғи, ҳикоялар, матнлар) кўплилиги ёки плюралиزمни тўғрисидаги постмодернизмнинг даъвоси радикал эклектика, назарий ва дунёқарашга доир қарашларнинг қоришганлиги тамойилини қабул қилиш орқали асослантирилади. Аслида, постмодерн файласуфи ҳозирги замон яқинида туради. Унинг фалсафаси ҳам аслида фалсафа яқинида (парафалсафа), мантиғи – парамантик, риторикаси – парариторикадир. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас, чунки Ж.Делёзнинг фикрига кўра, номадик (дарбадарларча) фикр юритиш бу – Маркс ва Фрейд шуғулланган билим ўйини эмас, балки Ф.Ницше руҳидаги намунавий номаднинг (дарбадарнинг) авангар санъат ўйинидир.

Номадизм (дарбадарлик) – постмодернизм ижтимоий фалсафасининг негизи, унинг ижтимоий-сиёсий тизимларга қарши чиқишининг кўрсаткичидир. Постмодернизм диққатини жалб этувчи объект асосан ғарб дунёси бўлганлиги учун, унинг капитализмга қарши йўналганлиги ҳақидаги баёноти қонунийдир. Лекин бундан постмодернизм социализмни афзал кўради деган хулоса келиб чиқмайди.

Постмодернизмни бўлинмас, яхлит ҳодиса сифатида баҳолаганда, шуни назарда тутиш лозимки, бу фалсафий оқимга хос бўлган эклектизм, бир томондан, постмодернизмнинг нисбатан мустақиллигини кўришга йўл қўймайди, бошқа томондан эса, унинг таркибида ҳам постструктурализм, ҳам неопрагматизм (Ж.Лиотар), ҳам неомарксизм (Ф.Жеймсон, Т.Игатон, Э.Сеид), ҳам феминизмларни фарқлашга йўл қўяди.

Жан-Франсуа Лиотар (фр. Jean-François Lyotard; 10 август 1924 йилда туғилиб, 1998 йил 21 апрелда Версалда (Париж) вафот этган. Лиотар адабиётшунос, файласуф-модернист ва адабиёт назарийчиси сифатида дунёга танилган. У постмодерн тушунчасини метасценарийлар (буюк лойиҳалар) инқирози сифатида таърифлаган. Шу маънода Лиотар қарашлари позитивизмга яқиндир. Жан-Франсуа Сорбонда фалсафани ўрганган. У Луи Марен таъси-

рида бўлган. 1950 йилда шарқий Алжир, Константин шаҳрида фалсафадан дарс берган. Ўша вақтларда бу жойлар французлар томонидан ишғол қилинган эди. 1954 йилда Лиотар 1948 йилда троцкист доктринасига нисбатан номутаносиблик (иттифоқда ёрқин тус олган тоталитар бошқарув тизими) реакцияси оқибатида “Социализм ёки варварлик” француз сиёсий партияси аъзоси бўлган. Бу пайтга келиб Францияда социализм ёки варварлик антимарксистик йўналишда тобора илгарилаб борган. Шунинг учун ҳам Лиотарнинг хатларида бу даврда Алжир атрофидаги шаклланган вазият, кескин сўл сиёсатдан хавотирдалиги ифода этилган. У ўзининг шу маънодаги фикрларини Константинда фалсафадан таълим бериш чоғида ҳам алоҳида таъкидлаб ўтган.

Француз интеллектуал анъанаси, структурализм ва постструктурализм билан яқиндан боғлиқ бўлган америкалик олим М.Постер ҳисоблаш техникаси ва алоқа воситалари техникаси конвергенцияси даврида ижтимоий муносабатларни тўғри тушунишда тажриба структурасидаги ўзгаришларни тадқиқ этиш зарурлигига эътиборни қаратган<sup>1</sup>.

**Структурализм** – структура (ғояси, асоси) тизимга фалсафий ёндашиш структурализм, деб аталади. Бу соҳани фалсафий таҳлил қилишда Фердинанд де Соссюрнинг хизматлари катта. XX аср фалсафасида социал-гуманитар оқим.

Рационал тафаккурнинг чекланганлиги масаласи ҳозирги давр Ғарб тафаккурининг ўзидаёқ постмодернизм (постструктурализм) номини олган оқим томонидан, хусусан, Р.Барт (1886-1968) Ж.Деррида (1930-2004), Ж.Делёз (1926-1995), Ф.Гваттари (1930-1992), М.Фуко (1926-1984), Ж.Лиотар (1924-1998), Ф.Жеймисон (1934 й.т.) кабилар томонидан эндиликда жуда яхши очиб берилган. Мазкур оқим намояндалари тафаккур инсон фикрлаши мумкин бўлмаган ҳолатларни тушунчалар воситасида ифодалаш учун ожизлик қилади (“симуляр” ғояси) ва демак, инсоният маънавиятида илгари шаклланган тушунчалар Универсум хусусиятларини тўғри моделлаштириш учун ярамайди. Шунингдек, тафаккур имкониятдан воқеликка ўтиш чегарасини (М.Фуко) кўра олмайди (трансгрессия), ноаниқлик чегарасини буза олмайди

---

<sup>1</sup> Poster M. The Mode of Information: Poststructuralism and Content Cambridge: Polity Press, 1990.

(М.Бланшо). Шулардан келиб чикиб, постмодернизм Бутун универсумни рационал-мантикий фалсафий ёки илмий манзарасини яратиш йўлидаги ҳар қандай уриниш беҳуда ва ўринсиз эканини, бундай уринишлар индивидуал тафаккурни турли схемалар, тайёр қолиплар ва доктриналар (наррациялар) билан тўлдириб юбориб, беҳад катта зиддиятларга олиб келади, ва ижодкорлик фаолияти учун хатто зарарли эканини уқтиради.

*Структурализм* (асосий вакиллари Леви-Стросс ва Фуко) дунёни билишда етруктуравий усулнинг аҳамиятини мутлақлаштиради. Бу оқим тарафдорлари нарса ва ҳодисанинг структура-сини билиш уинг объектив моҳиятини билиш демакдир, деб ҳисоблайдилар. Масалан Леви-Стросс мифологик тафаккурни таҳлил этиб, турли жойларда яшаган қадимги қабилалар ва халқлар яратган афсоналарнинг умумий структурага эга экаиличини исбот қилди. Унинг фикрича, бу афсоналарнинг асосий мазмуи бири-бирига тўла мувофиқ келади. Инсониятнинг илмий тафаккури ҳам бу таълимотга кўра шундай принципга, умумий мантиққа эга. Шуингдек, улар халқ оғзаки ижодида, яъи фольклорда ҳам муайян тизимлилиқ, структура мавжуд, деб қарайдилар.

Яна бир структурализм намоядаси Якобсон Ромаи Осипович (1896-1982) рус ва америка тилшуноси, адабиётшунос. У Москва (Лазарев) Шарқ тиллари институти (1914) ва Москва унверситети (1918)ни тугатгаи. 1921 йилдандан хорижда Гарвард унверситети ва Массачусетс технология институтида профессор бўлиб ишлаган. Москва, Прага, Нью-Йорк тилшунослик тўғарақларига, рус-чех тилшуноси Н.С.Трубецкой (1890-1938) билан ҳамкорликда структурализмга (қаранг: структур тилшунослик) асос солган олимлардан. Асосий илмий асарлари назарий тилшунослик, қадимги славян тиллари, энг аввало, рус тилини ўргаишга, шеъриятга бағишлангаи. Якобсон илк славян шеърияти ва эпосини, славян мифологияси ва маросимларини, қадимги рус адабиёти асарлари, 19-20-асрлар рус ёзувчилари, шунингдек, Данте, Шекспир, М.Эмиеску, Б.Брехт ва бошқа ижодкорлар тили ва услубини ҳам ўрганиб, ажойиб тадқиқотлар қилган. Афсона ва асотирлар, фольклор ҳақиқатини Ғарбда структурализм оқими шуғуллаииб келмоқда. Бироқ бизга структурализм энди-энди кириб келмоқда. Структурализм эса герменевтика бағрида ривож-

ланди. "Тушунча бир хил, шакл ҳар хилдир",<sup>42</sup> дейди, Румий "Ичидаги ичиндадир" асарида.

Кодлаштириш муайян иарса ва ҳодисаниниг (мати) рамз, белги ва образлар орқали рамзийлашган ҳолда берилишидир. Код рамзий ишоралариинг мажмуаси, уларни ечиш, аииклаш тизими-дир. Матнда мазмун ва моҳият, ишора ва образ кодлаштириш системаси орқали рециписнтга узатилади. Рециписитиинг (қабул қилувчииниг) кодиинг счиши декод деб аталади. Код бир сирли орол. Декод эса шу оролни кемада бориб кашф қилишдир. Агар декод чала бўлса, бу оролда Робинзои Крузога ўхшаб ночор қоламиз. Декод эса кодни депифр қилишдир. Кодии декод қилиш метаобраз орқали амалга ошади. Декод коднинг калити ёки паролдир. Шу маънодаки, код парол сифатида дўстни дўстга сири бўлиши ҳамдир. Душман кўлидан дўстни кутқариш ана шундай кодни йўллаш орқали амалга оширилгаи. Код мавжуд матнларда деконтекстуализация ҳодисаси ҳам кечади.

#### *Назорат саволлари*

1. *"Структурализм" жанрини таърифланг.*
2. *Структурализм билан герменевтика таълимоти уйғунлигини изоҳланг.*
3. *Структурализм таълимоти асосида нималар ётади?*
4. *Структурализм асосчилари ҳақида гапиринг.*

#### *Адабиётлар*

1. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008 йил.
2. Маънавият: Асосий тушунчалар изоҳди лугати. Т.: Ғафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. Б.800.
3. Ангелов С., Павлов Д.. Философия, иаука, общество. (Фалсафа, илм-фан, жамият). София, 1975. Б.69.
4. Poster M. The Mode of Information: Poststructuralism and Content Cambridge: Polity Press, 1990.
5. "Россия и современный мир", 2001, № 3, с.213.

---

<sup>42</sup> Румий Жалолоддин. Ичидаги ичиндадир / У.Ҳамдам тарж. Т., 2008.

## 6-мавзу. Герменевтика ва тушунтириш санъати

*Барча адабий матнлар, адабий танқид, адабиётшуносликда герменевтика методи доим ҳам қўлланмаган бўлса-да, бироқ қиёсий герменевтика услублари, шорихлик, коментаторлик фаолиятларини кузатамиз. Ана шулар ҳақида талабаларга маълумот бериш мақсад қилинди.*

**Калит сўзлар:** код, декод, шифр, ҳуруфи муққатаот, хошия категориялари, Сент-Бёв методи, шарҳлаш, тушунтириш, тушуниш, “герменевтик айлана”, матншунослик, афоризм, нотиклик, Гермес, гуманитар фан, грамматистлар, тафсир, таъвил.

Герменевтиканинг ҳам тарихий илдизлари, тарихий муаммолари бор. Шу маънода герменевтиканинг ибтидоий шакли Қадимги Юнонстонда грамматистлар, Қадимги Римда нотиклар нутқида (Цицерон, Марк Аврелий) Хитой ва Ҳиндистонда ведалар, упанишадлар таълимотида, Эрон ва Туронда “Авесто”, Мусулмон Шарқида фақиҳлар, муҳаддислар, суфийлар, воизлар Ғарбий Европада схоластлар, скептиклар назарияларида мавжуд эди. Чунки герменевтикада тушуниш, тушунтириш, тадқиқ этиш, талқин, таҳлил, шарҳ, коментаторлик бор экан бу методни мутлақо янги санамаслик лозим. Бироқ, илм-фан методи сифатида маънавиятимиз, тафаккуримиз учун янгидир. Мазкур герменевтика методи семиотика, лингвистика, антропологик тушуниш ва бошқа матншуносликнинг илмий соҳаларига ҳам тааллуқли экан, биз учун тадқиқ масаласи фалсафа ва филологиядадир. Герменевтикани тилшунослик илмлари оиласига мансуб эканлигини эътироф этишимиз бу уни ўша фанларга кўшиб кўйиш эмас. Аввало, герменевтикани оддий лингвистикадан фарқлаб олишимиз лозим. Шунингдек, герменевтика категорияга эмас, аксинча, барча категориялар унинг ичига киради. Масалан, интерпретация жараёнида барча категориялар, яъни зарурат ва тасодиф, бутун ва қисм, шакл ва мазмун, миқдор ва сифат, сабабий боғланишлар, имконият ва воқелик, айримлик ва умумийлик, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, рационаллик ва иррационаллик, моҳият ва ҳодиса кабилар муҳим функцияларни бажаради.

Герменевтиканинг этимологияси юнон афсоналарига кўра, йўловчи ва савдогарларнинг мададкор илоҳаси, хабарчи худо – “Гермес” сўздан олинган. Бунда Гермеснинг нуктадонлиги, су-хандонлиги, илоҳий қоидаларни, осмоний ишоратларни тушун-маётганларга тушунтириши асос қилиб олинган. Бизнингча, Гермес фаолиятини барча пайғамбарлар вахий келтирган фариш-та Жаброил (а.с)га (шартли равишда) қиёслаш мумкин. Чунки у ҳам Аллоҳнинг сўзларини пайғамбарларга билдирган. Рим афсо-наларида эса Гермеснинг ролини Меркурий бажарган. Бу исти-лоҳдан фойдаланишдан мақсад, диний китобларни, кароматгўй кишилар ва руҳонийларнинг асарларини шарҳлашда, уларни юк-сак даражада тушунтиришда метод сифатида ишлатиш бўлган (Ғарб герменевтикасида). Шу маънода “матн”ни тушунтирувчи, яъни герменевт юнон афсонасидаги илоҳа Гермесдек нуктадан, сухандон ва жозибали нутқ соҳиби бўлиши талаб қилинган. Герменевтика муқаддас диний китобларни, улуғ кишиларнинг асарларини, тарихни ва айна пайтдаги барча нарса ва ҳодиса-ларни “матн” деб қабул қилади ҳамда ўрганади. Ушбу метод функцияларига кўра турларга бўлинади. Буни тадқиқотларимиз давомида кўриб чиқамиз. Герменевтика “матн”ни тушуниш ва талқин этиш санъати интерпретация тўғрисидаги таълимотдир. Герменевтика тарих, маданиятлар ва кишиларнинг мулоқот шак-ли ҳамдир.

Бутун дунёда олимлар герменевтиканинг мақсад ва вазифала-рига турлича қараб келмоқдалар. Фалсафий герменевтиканинг мақсади интерпретациянинг турли методларини амалда қўллаш ва унинг сфераларини кўрсатиб беришдан иборатир. Герменевтиканинг матн талқинида ёрдам берувчи асосий жа-раёнларни қуйидагича қайд этиш мумкин:

1) тушунтирувчининг ўз воқелиги ҳамда маданий аъёналари-ни матн билан солиштириш воқитида унга кириб бориш;

2) матн мантиқига киришга мўлжанланган, унга сингиб бориш ҳолати;

3) бадий образларни шахсий ва эстетик тарбиядаги образлар билан қиёслаш воқитида матини англаш;

4) асар қабул қилинаётган руҳий олам контекстни (воқеалик, маданият) аниқлаш ёки хабардорлик. Герменевтика метод билан Ғарбда матнларни изоҳлаганларидек бизда ҳам Қуръони

**Карим** оғиларини тафсир ва таъвил қиладиган, ҳадиси шариф миллионларини шарҳлайдиган рационал ва иррационал методлар бор. Бизда нақлий (иррационал) шаклдаги матнлар ақлий (рационал) методлар хусусан, муқаддас “матн”лар маъносини ўзгартириб қайта шарҳланмайди ва бу услублар ҳеч қачон бир-бирига қарама-қарши қўйилмайди. Фақат бу назарияни амалий ҳаётга стихияли шаклда ривожланаётганини назорат қилинса бўлгани. Муқаддас китобларни шарҳлашда шорих, яъни муфассир тафсир қоидаларидан чиқмай матн устида ишлайди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, муфассирлар илмида герменевтика методидан ҳам юксак қоидалар бор. Мисол учун муфассир тафсирга киришишдан аввал 9 та илми, баъзи манбаларда 13 тагача балоғатдан нафосатгача бўлган илмларни билиши талаб қилинган. Тадқиқотимизнинг амалий вазифаси Шарқ ва Ғарб методларининг бир-биридан устун эканлиги исбот этиш эмас. Балки, матн ўрганишида қулай методлар танлай билиш ва қўллашдир.

Барча файласуфлар герменевтиканинг мақсад ва вазифаларига турлича қараганлар. Фалсафий герменевтика-нинг мақсади интерпретациянинг турли методларини амалда қўллаш ва унинг доираларини кўрсатиб беришдан иборатдир. Герменевтиканинг матн талқинида ёрдам берувчи асосий жараёнларни қуйидагича қайд этиш мумкин:

- 1) матн тўғрисида хабардорлик;
- 2) матн мантиқига мослашиш, ҳатто унга ўз тақдирини боғлаши;
- 3) матн савол беради, шунда герменевт жавоб беришга тайёрлик ҳолати;
- 4) контекстни (воқеалик, маданият, шахсий тажриба) кенгайтириш соф илмий нуқтаи назардан герменевтика бадиий асар ортида нимани (муқаддас сўз мазмун-моҳияти, муаллиф шахсияти асар яратилган тарихий воқеалик ёки маданий анъана ва хоказо) кўриш керак деган муаммони кўтаради. Матннинг тарихий конкрет мазмунини топишда ва таҳлилга киритишда яхлитликка йўналтирилади.

Шарқда, хусусан, бизда матн шарҳлашда, тушунтиришда герменевтикадек методлар бор. Бу назария бўлибгина қолмай амалий ҳаётда ҳар доим қўлланиб келинмоқда. Бироқ буни герменевтик метод деб эмас, бошқа шорихлик илмларида бошқа номлар билан

аталган. Хусусан, кўп минг йиллик тарихни, бир олам мазмун, мохиятни ўз бағрида сақлаётган Ницшедай файласуфларнинг ижод йўналишини белгилаб берган, дунёни лол қолдирётган "Авесто"дек шарҳга муҳтож матнлар борки, бу бизнинг кейинги герменевтик вазибаларимизни билдиради. Муқаддас китобларни шарҳлашда шорих, яъни муфассир тафсир қондаларидан чикмай матн устида ишлайди. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, муфассирлар илми герменевтика сингари "сабаби нузул"ларни ("тушиш сабаби", яъни матннинг қандай шароитда пайдо бўлиш тақдирини ёки маълум нарса ва ҳодисага нисбатан осмоний ҳукм) жуда чуқур ўрганади. Матнни ўрганишда ўзга бир маданиятга сингиш ёки сингимаслик (Э.Бетти) масаласи ҳам борки, бу герменевтнинг позициясидан келиб чиқади.

Интерпретация муаммоси Афлотунда ҳам, Арастуда ҳам, Форобийда ҳам бор. «Тушунишдан аввал англаш келади» – дейди Форобий. Худди шу жумла замонавий герменевтлар назариясида тушуниш, тушунишдан аввал англаш, англашдан аввал интуиция, ундан ҳам аввал матн тўғрисида хабардорлик каби сфераларга бўлиниган. Матнни тушунишда тарихга сингиш ва антропологик ёндашиш бизнингча ҳақиқатга эришишнинг энг осон ва тез ҳал бўладиган методидир. "Хайдеггер қарашлари ва неопозитивизм фалсафасида тарихий билиш, метафизика, теология билан алоқадор ҳолда танқидий акс бўлиб кўринади"<sup>43</sup>. Лекин, тарихий билиш ўз мантикига ҳам эга бўлади, Олимлар бунинг имкониятини ҳам ҳисобга олганлар. Жумладан, "руҳий ҳолат билан дунёни феноменологик антропологик тушуниш мумкин дейди Корет худди Гуссерль сингари"<sup>44</sup>.

Ёндашув ва талқинга муносабатнинг турлари кўп: Сент-Бёв биографик методи, Гениекен қонуни, Брюнтер назарияси, қиёсий метод. Ғарб қиёсий методи ислом оламидаги, хусусан фикҳдаги қиёсий усулдан фарқлидир. Интерпретация жараёнидаги ана шундай ёндашувлардан ташқари интерпретациянинг ўзи ичида асардаги талқин материалига кўра бўлинади. Турли олимлар, бу турларни кўрсатиб, таснифда фарқлаганлар. Улар изланишлари натижасидаги умумий хулосаларга кўра интерпретация уч турга бўлиниши мумкин деган қараш бор.

<sup>43</sup> Қимелев Ю.А. Философия религии. М., 2001. С.183

<sup>44</sup> Ўша манба.



*Ниҳудди тутилган турлар қуйидагилар:*

суғ билан боғлиқ интерпретация асар тилини, сўз ва сўзлар муносабати талқини;

– тарихий интерпретация – тушунувчини матнда акс этган давр билан таништирувчи талқин;

– техник интерпретация-матндаги бадий, фалсафий акс эттирувчи воситалар талқини.<sup>45</sup>

Бу таснифдан сўнг қарийб бир аср вақт мобайнида илмдаги ўзгаришлар, янги методлар, қулайликлар бу қарашларни ривожлантирди. Масалан, тарихий ва техник талқинни умумлаштириб, улар моҳиятига асарнинг умумий мазмунини талқин қилишни сингдириш мумкин. “Герменевтика тарихида икки хил йўналишдаги интерпретация намоён бўлган, уларга александрия ва антиохия мактабининг олимлари асос солганлар. Булар тарихий талқин (тасвирланаётган воқелик контекстидаги ёндашув) ва рамзий-мажозий талқин бўлиб (бундай усулни Шарқда Рабғузийнинг «Қисаси Рабғузий» асарида кузатишимиз мумкин – Э.Ж.) бу белгига янги маъно юклаш ҳисобланиб, ўша “матн”даги мавжуд маълумотларнинг тасаввур системасида эмас, матнни қабул этувчи коментаторнинг тафаккур ва тасаввур олами орқали амалга ошади.<sup>46</sup>

Матнларни тарихий тушинишда хронотоп, диахрония, синхрония каби аспектлар қатнашиб интерпретацияни енгиллаштиради. Хронотоп тарихий даврни яхлит ўрганади. Диахрония эса нарса ва ҳодисани яъни «матн»ни тарихий аспектда, лекин ўз даври тараққиётидаги янги методлар билан ўрганади, Синхрония эса диахрониянинг акси бўлиб икки ва ундан ортиқ ҳодисанинг ўзаро мос келиши ёки тилнинг муайян бир даврдаги ҳолатидир. Бунга Қуръони Карим, Хадиси шариф матнларини ўша давр ҳаётдаги ҳодисаларга, ҳозирги воқеликка, келажакдаги ҳукмларга мос келиши ҳолатлари яхши мисол бўла олади.

Нарса ва ҳодисани, унинг хусусиятларини бир давр доирасида ўрганиш (синхрония) методи “матн” мумтозлигидан (сараланганликдан) узоқ бўлиши мумкин. Лекин унинг ҳам ижтимоий аҳамияти катта. Синхрония матнни талқин этишдаги назарий йўна-

<sup>45</sup> Бласс, Энциклопедия. М., 1891. С.36-86.

<sup>46</sup> Боров Ю. Философия религии. М., 1988. С.140-142; Боров Ю. Искусство интерпретации и оценки. Опыт прочтения “Медного всадника”. М., 1981. С.400.

лишга ҳам ўхшайди. Матн талқинини синхроник аспектда ўрганиш интерпретация ва талқин турларининг хусусиятларини библишга ёрдам беради. (қ.: Скафтимов, 223)

Матнни тарихий тушунишда эзотерик, яъни сирли, ботикий маъносини кашф этишга уриниш фойдасиз. Чунки шундоқ ҳам тарих – мавхумдир (муқаддас китоблар бундан мустасно).

Яна деконтекстуализация муаммоси ҳам бўлиб, бу – матннинг вақт ўтиши билан ўзи яратилган контекстдан чиқиб кетишидир. Яъни матн муаллиф алоқага киришган дастлабки аудиториядан вақт ўтиши билан узоқлашади. Муаллифнинг замонаси билан диалог биз – бошқа шароит кишилари учун номаълум бўлиб қолади. Давр ўтиши билан асарни ким ўқиса, аслида, унинг контексти бошқача бўлса ҳам, у шу китобхонга ёки тушунувчига мўлжаллангандек бўлиб қолади. Коментатор ўзга маданиятни тушуниш учун унга кўчиши шарт эмас деган М.Бахтин қисман шунини назарда тутган бўлиши мумкин.

Интерпретация жараёнида Ю.Борев қўллаган («недосказанность») ифодавий тугалланмаганлик – бадиий образ талқинида филологлар кўпроқ дуч келган ҳолат бўлса ҳам герменевтикадаги алдоқчи процессдир. Чунки, буюк матнлар, образлар ҳар бир даврда янги маъно англата боради. Матн мутассил янги маъно бериб, янгича талқин этилар экан, бу унинг ифодавий тугалланмаганлигидан келиб чиқади. Бундай жараёнга жуда кўн герменевтлар дуч келган. Матнни тушуниш ҳеч қачон охирига етмайди, деган Гадамер ҳам шу ҳолатни бошидан ўтказган бўлса ажабмас.<sup>47</sup> Унинг бу сўзи герменевтика учун ўлмас афоризмга айланса арзийди.

Герменевтикада антропологик тушуниш деган термин йўқ. Лекин деярли кўн матн ечимлари антропологияда, психологияда, тарихий англашда мужассамдир. Шелер антропологик тушунишни яхши ифодалаб берганидек, тарихий тушунишни Скафтимов таснифи орқали ўрганишимиз осонроқ. Брюнтер назариясида матнни ўрганишни у яратилган муҳит билан унинг орасидаги муносабатни топиш билан тугатиш керак. Брюнтер назарияси матн тушунишни у ёки бу жанр таракқиётидаги айни давр билан аниқламоқчи бўлади ва шундай яқунлашни хоҳлайди.

---

<sup>47</sup> Гадамер Х.Г. Истина и метод. Основы философской герменевтики. М., 1989. С.53

Сент-Бёв биографик методи ҳам историзм асосига курилган бўлиб, унга кўра асарни талқин этиш учун ижодкор таржимаи ҳолини билиш керак. Сент-Бёв методи биографияси иомальум бўлган муаллиф асарлари устида талқин, тадқиқ юритишдан бош тортган. Муаллиф биографияси тўғрисида маълумотга эга бўлмай ва асар яратилишида ижодкорни ўраган шароит, вазият ва муҳитни аниқламай туриб, Сент-Бёв матндан муайян маъно, мазмун изланишини тан олмаган. Шу усул натижасида ижодкор шахси ва биографиясини матн ўрганишда биринчи ўринга кўювчи биографик метод вужудга келган. Тэи формуласи бўйича эса – иарса ва ҳодисани тушуниш, бу унинг сабабани билиш ва ҳар жиҳатдан ушбу сабабни кузатишдан иборат.<sup>48</sup>

Энди Шелерга келсак, унинг концепциясида икки йўналиш бор эди. Биринчиси тушунувчи, яъни олим ўз шахсий рамкасини қайта ишлаши (бу тўғрида у “шаклланган ахлоқ ва шаклланмаган ахлоқнинг баҳоси” китобида ёзган), иккинчиси антропология фалсафий қарашларни ва ўтган фаолиятларни қайта кўриб чиқиб тушуниш. Шелер билан Плеснер фалсафий-антропология концепциясида худо билан инсон муносабатини фалсафий тушунтириш ётади. Ана шу фаолиятига гувоҳ бўлиш учун инсон антропология-фалсафий асосга эга бўлиши лозим. Лекин, метафизик антропология асосчиларидан бири Гелен Шелер назариясини ўрганиб чиқиб ўз танқидини билдиради.

XIX аср ўрталарида Ғарбда вужудга келган историзм методи даражасидаги маданий-тарихий мактаб вакиллари фалсафий-адабий матний омма руҳияти, маънавияти, тафаккурининг турли тарихий пучмоқларда муҳрланиши маҳсули деб қараганлар ва матнга геиетик ёндашганлар. Ушбу мактабга ижтимоий ҳодисаларга табиий фанларга хос илмий методларни тадқиқ этиш, бадиий асар ва биология организмлар орасидаги ўхшашликни қидириш, матн тарихига эволюционистик схемаларни олиб кириш хосдир.

Жуда кўп герменевтика герменевтика онтология тўғрисидаги таълимотдир дейдилар. Бироқ, итальян олими Э.Бетти (1890-1970) герменевтика фалсафий таълимот бўлмай, гуманитар ва тарихий фанлар методологиясидир, деган қарашни илгари сурган.

---

<sup>48</sup> Эркинов А. Герменевтика – матн талқини таълимоти. // Жамият ва бошқарув. 1997. №1.

Замондошлар Ҳ.Гадамер ва Э.Беттидан бошлаб герменевтикада матн талқинчиси, яъни тушунтирувчи ва тушунишга (интерпретацияга) икки хил қараш бошланди.

Гадамер учун тадқиқотчи матнни тушунишда анъана ва тилни билса етарлидир. Уинингча, «тарихий ҳодиса билан боғлиқ барча ақтуал муносабатларни узиш унинг асл қимматини аниқлаш имконини беради».<sup>49</sup>

“Герменевтика шундай мураккаб усулки, уни матнни шарҳлашда, шарҳни шарҳлашда, ҳатто, энг сўнгги шарҳни изоҳлашда ҳам кузатиш мумкин бўлади. Масалан, Гадамер матнни тушуниш ҳеч қачон охирига етмайди, дейди. Бу фикр матнни тушуниш ҳеч қачон ниҳояланмаслигига ишорадир. Ҳақиқатан, ҳам матнлар ҳар бир замонда ўзгача мазмун касб этади”<sup>50</sup>

Бундай қараш Ричард Рорти (1931 й.т.) ёндашувида ҳам мавжуд. Рортининг қарашлари анъанавий герменевтикадан шуниси билан фарқ қиладики, у ҳар қандай матнни тушунишда, энг аввало, манфаат бирламчи бўлиши керак дейди.<sup>51</sup> Бунга далилни биз унинг “Фалсафа – табиат ойнаси” номли асаридан топишимиз мумкин. Рорти ўз асарларидан прагматик фалсафа элементларини топади. Рортининг узоқ йиллик фикрий курашлари метафизикани инкор қилиш билан кечган.

Э.Бетти наздича, тушуниш учун тадқиқотчининг субъекти кучли бўлиши, субъектнинг максимал даражада фаоллашув лозимдир, Реципиентнинг (коментаторнинг, шарҳловчининг) ўзида тарихий ўтмишнинг қайта жонлантирилиши тушунишга олиб келади. Яъни, тадқиқот индивидиинг кучи тушунишда асосий роль ўйнайди, дейилади. Демак, ҳар ҳолда бу икки қарашда ҳам жон бор. Олимлар «матн» ҳақиқатига етишиш йўлида методда жуда кўп қулайликлар яратганлар.

Улар герменевтика имкониятини жуда кенгайтирганлар, бу метод «мати» аниқлашдан ташқари тарихий ёдгорлик ва гуманитар фанларнинг барча соҳалари билан алоқадор. Шу ўринда мисол келтирса бўладики, «Фрейдийинг психоаналитик таълимоти ҳам герменевтикадир» (қ.: Лейбин, 1990, 301) Айтайлик, Стефан

<sup>49</sup> Гайденок П.П. Герменевтика. Философ. Энцикл. Словарь. М., 1983. С. 111-112.

<sup>50</sup> Жабборов Ш. Герменевтика – талқин назарияси. // Тафаккур. 2010. №1. Б.119-120.

<sup>51</sup> Новейший философский словарь / Сост. А.А. Грицанов. Мн.: Изд. В.М. Скакуи, 1998. 896 с.

Цвейг новеллаларининг биридан унинг дўсти Зигмунд Фрейд психоаналитик талқин этиш йўли билан Цвейг кутмаган, инсон руҳияти, онг остидаги (подсознательный) жараёнлар билан боғлиқ галати маънони чиқаради (қ. Фрейд. 1991, 424.). Стефан Цвейг бундай талқинни ҳеч қачон ўйламаганлигини ва мақсади бу маънони бериш бўлмаганлигини эътироф этади.<sup>52</sup> Бундан билса бўладики, муаллиф ўзи ёзган матндаги маъноларни тўла билмас экан, демак, бадиий ижод соф иррационал ҳодисадир.<sup>53</sup> Р. Тагор асарларидаги матн маънолари ҳам кўп қиррали бўлиб замон ўзгарса ҳам мазмун эскирмайди. Бу эса ижодиинг олий, илоҳий эканлигидан далолат беради. Шунинг учун филологик герменевтика ҳам серсамарадир.

«Герменевтика – маъно, мазмун, ишоралар, белгилар, хусусан, исои нутқидаги сўзлар остидаги фикрларни очиш воситаларини излайди» (қ.: Шпет, 1990, 230)<sup>54</sup>.

Интерпретация – матн мазмунини яхлит ҳолда қабул қилишдан аввалги ҳолатда кечади. Тушуниш бутуннинг бўлақларини англашдан бошланади. Матн талқин этишдан аввал реципиент уни тушуниши, ҳам тил, ҳам муайян маъно йўналиши тўғрисида тасаввурга эга бўлиши керак. Бу тушунишдан аввалги ҳолат бўлиб, у тушуниш жараёнининг амалга ошишини таъминлайди. Тушуниш бир томондан талқинчининг маданий тайёргарлиги ва руҳий оламида акс этган маданий аънананинг объектив қатламини кўрсатади. (қ.: Боров, 1988, 425).<sup>55</sup> Тушуниш талқин воситасида реализация бўлади. Айрим олимлар эса тушуниш ва талқин этиши бир нарса деб қарайдилар. Аслида барча иемис олимлари герменевтикани сфераларга бўлганларидек интерпретация жараёнини ўз бутун ва қисм шаклида ўрганиш категорияларни бор. Яна герменевтикани, позитивизмни яхши билмайдиган олимлар «герменевтика – тушунувчи, позитивизм – тушунтирувчи йўналиш-дир» деб қарайдилар.

---

<sup>52</sup> Лейбни В. Фрейд. Психоанализ и современная западная философия. – М.: Наука, 1990. С.301.

<sup>53</sup> Фрейд З. Поэт и фантазия. Достоевский и отцеубийство. Речь в доме Гете во Франкфурте-на-Майне. Письма С.Цвейгу и Т.Манну // Вопросы литературы. 1990. №8. Freud Z. Introduction to Psychoanalysis. Moscow, 2001 (Rus.)

<sup>54</sup> Шпет Г.Г. Герменевтика и ее проблемы – М.: 1990. С.230, 286, 308.

<sup>55</sup> Ўша манба. 420-425 б.

Энди тушуниш ва тушунтириш қиёсий таҳлилига келсак матн талқинини матндан келиб чиқиб ёйдашиладиган ўз интерпретация турлари ва соҳалари бор. Бу биян (2-бобга қаранг) матнга ёндошувчи ўзи шуғулланувчи жанр ва соҳасидан келиб чиқиб «диалог»га киришади.

Рух ҳақидаги фанлар терминини герменевтикада қайта ишланиб гумайитар фанлар йўналишига кирди. Бу немисча таълимот билиш методининг ягона услуби ҳам эмас эди. Картезиан дуализмининг ташкил қилувчи «руҳ ҳақида фан» ва «табиат ҳақида фан» Дильтей герменевтикасидан ташқари неокантчилик маданиятшунослиги, Когеи этикаси, Риккерт аксиологиясида ҳам мавжуд эди.

Герменевтикага кириш, яъни фалсафий матн тушуниш бу теология ва руҳ, табиат ҳақидаги фанларини таснифлашдан бошланди десак тўғри бўлади. Шу мақсадда тадқиқотимизнинг биричи бобига «руҳ ҳақидаги фан» тушунчасини киритдик. Қолаверса, «руҳ ҳақидаги фан»ни М.Вебер «идеал тил» деб олса, Гуссерльда эса трансцендентал – феиоменнологик асосдир. Рух ва табиат муаносиблиги экзистенциал-онтологик интерпретация жараёнида тушуниш (понимания) ва тушунтириш (объяснение) муносабатини Хайдеггер таълимоти, Гадамер универсал герменевтикаси ва бошқалар ижодида кўриш мумкин (В.В.Калиниченко. Современной западная философия: Словарь. М.: 1993.) Герменевтика билан уйғунлашган «руҳ ҳақидаги фанлар» тушунувчи илм ҳисобланиб матндаги кадриятлар, маданиятлар ўзаро алоқадорлиги ҳамда тафаккур тарзинни очиб берган. Мисол учун, Ги Де Монассан шундай ёзган эди: Моҳиятан омма бизга куйидагича шаклда қичираётган турли-туман гуруҳлар йиғиндисидан ташкил тоиган; "мени тинчлантиринг", "кўйилхушлик истайман", "ғам чекишга имконият яратинг", "ҳиссиётимни уйғотманг", "мени кулдиригинг", "чўчишга мажбур этинг", "йиғлашга мажбур қилинг", "ўйлашга мажбур этинг" "ҳеч нарсага мажбур қилманг", "ҳоли қолишни хоҳлайман" ва ҳоказо. Энди фақат маънавият кишилари ёзувчидан "таълимга мос бирор асар яратинг" дейди (қ.: Борев, 1988, 428).

Гумбольд, Дройзен, Дильтей тадқиқотларида матн тарихийми, замонавийми, Библиянинг «эски аҳд» қисми қандай бўлишидан қатъий назар тушунишда руҳий жараён иштирокини кўрамай. Рухий жараёни билан боғлиқ: хронотон яъни тарихий даврий ахлитликда олиб ўрғанадиган метод борки у ҳиссиётларни жи-

ловлаб турган. Масалан, тушуниш мобайнида матнга «сингиш» баробарида тарафкашликдан кўра совуққонлик герменевтик фойдадан ҳоли бўлмаган.

XIX-XX аср оралиғида Германияда вужудга келган рухий-тарихий мактаб «ҳаёт фалсафаси» ва романтизм эстетикаси таркибида ҳам эди. Бу мактабда матннинг маънавий-тарихий ва психологик талқинлари ўрғанилган. Бунда матнни тушуниш ёки бадиий асарни ўрганиш ҳаёли, тафаккур ҳамда тажрибада бошдан кечирилган эмпатиялар биринчи даражада туради. Яна субъект (герменевт ёки автор) ва объект (давр) бирлиги ҳосил бўлади. Бу оқимнинг вакиллари шахси билаи шуғулланиб, давр руҳи ва матн муаллифи дунёқараши, фалсафасига кириб боришга уринадилар. Яна адабий герменевтикадаги Сент-Бёв биографик методи историзм асосига қурилган бўлиб герменевт асарни таҳлил этиш учун ижодкор биографиясини албатта билиши керак. Сент-Бёв таржимаи ҳоли номаълум бўлган муаллиф асарлари устида фикр юритишдан бош торган. Автор биографияси ҳақида маълумотга эга бўлмай, асар яратилишида ижодкорни ўраган муҳит билан ҳисоблашмай туриб герменевтик тадқиқот ўтказиш мутлақо қийиндир.

Герменевтика инсонлар ижтимоий фаолиятининг жонли қисмидир. Шу маънода, тушуниш ва тушунтиришнинг герменевтик асослари илоҳий, ҳуқуқий матнларни шарҳлаш ва ўрганишнинг ўзига хос илмий услубларни яратиш давр эҳтиёжига айланмоқда. Амалий ҳаётнинг сиёсий, ахлоқий-ҳуқуқий соҳалари, таълим ва бошқа ижтимоий муносабатлар фаолиятида кескин ўзгаришлар рўй бераётган бугунги кунда герменевтик муаммоларга қизиқиш ортиб бормоқда. Узок йиллар мобайнида тушуниш ва талқин қилиш саноати сифатида эътироф этиб келинган герменевтика, фақат XX асрга келиб М.Хайдеггер, П.Рикер, Г.Гадамерлар ижодий фаолияти туфайли тушунишни инсон борлиғидаги асосий характерли хусусиятлари фанга исботлаб берди.

Ҳар қандай таълимот ёки метод ўз-ўзидан найдо бўлмайди. Шунингдек, герменевтиканинг ҳам тарихий илдизлари, ҳатто, тарихий муаммолар бор. Шу маънода герменевтиканинг айрим унсурлари юнон грамматистлари, Қадимги Рим нотиклари, Хитой ва Ҳиндистонда ведалар, упанишадалар таълимотида, Шарқда Ислом маданиятида, Ғарбий Европада схоластлар назарияларида

мавжуд бўлган. Шу боис, герменевтикадаги тушуниш, тушунтириш, тадқиқ этиш, талқин, таҳлил, шарҳ кабилар мутлақо янгилик бўла олмайди. Чунончи, герменевтиканинг семиотика, лингвистика каби матншунослик илмларига ҳам мансуб экаилогиии эътиборга олиб, унинг фалсафа билан бирга филологияга ҳам тегишли эканлигини таъкидламоқ жоиз.

Фалсафий герменевтика XIX асрнинг ўрталарида кенг ривожлади. Унинг иамояндаларидаи бири бўлган Ф.Шлейермахер герменевтикани рух ҳақидаги фанларнинг услуги сифатида кўриб чиқди<sup>56</sup>. Хусусан, у герменевтикани инсон билимини бойитишнинг ўзига хос услуги экаилогиии эътироф этиб, бу ҳақда шундай дейди: “Герменевтиканинг асосий вазифаси – муаллиф субъектив дунёсига тушуниш орқали кириш ва унинг матнда акс этган ижодий маҳсули мазмунини англашдан иборат»<sup>57</sup>. Бунда Ф.Шлейермахер руҳият орқали матн муаллифининг ички дунёсига “сингиш” мумкинлигини тушуниш воситаси билан боғлайди. Бу эса, герменевтик муаммога янгича ёндашувдир.

В.Дильтей ижодида эса, фалсафий герменевтика ва «ҳаёт фалсафаси»нинг кўшилишини кузатиш мумкин<sup>58</sup>. Дильтей тарихий тушунишни интуитив ҳис қилиш орқали амалга оширишга ҳаркат қилади ва шундай дейди: “Жамиятга тегишли далилларни билишни фақат ички ҳолатимиздан ўтказиб, фақат ўз ҳолатимиздек қабул қилишимиз асосида тушунишимиз лозим”<sup>59</sup>. В.Дильтей ва Ф.Шлейермахер тушунишни кўпроқ руҳий ҳолатга боғлаб таҳлил этган ва бундай ёндашув шу пайтга қадар фақат диний ва юридик матиларга нисбатан қўллаилган герменевтик методнинг кейинги ривож и учуи катта аҳамият касб этди.

Файда биричи марта герменевтикаининг билиш услуги сифатида талқин этилиши М.Хайдеггер фаолияти билан боғлиқ. Хайдеггер ўзининг “Вақт ва борлик” асарида герменевтикани диний матилар мазмунини ўрганувчи услуб сифатида эътироф этади<sup>60</sup>. Унга кўра, “Тушуниш – ўзида аниқ ментал вазиятни намоён қилади ва доим ҳис-туйғулар куршовида бўлади, бунда

---

<sup>56</sup> Қаранг: Шлейермахер Ф. Диалектика. –М.: АСТ, 1992. –208 с.

<sup>57</sup> Шлейермахер Ф. Диалектика. –М.: АСТ, 1992. -С. 113.

<sup>58</sup> Қаранг: Дильтей В. Описательная психология. –М.: Наука, 1995, -386 с.

<sup>59</sup> Дильтей В. Описательная психология. –М.: Наука, 1995, -С. 47.

<sup>60</sup> Қаранг: Хайдеггер М. Время и бытие: Статьи и выступления. –М.: Республика, 1993. -447 с.



тушунувчи субъектнинг кечинмалари катта аҳамиятга эга бўлади”<sup>61</sup>. Бизнингча, Хайдеггернинг герменевтикага ёндашуви экзистенциал хусусиятга эга, яъни у ҳар қандай тушуниш ва тушунтиришни инсоннинг мавжуд ҳолатига боғлиқ ҳолда тушунтиради.

Ноортодоксал герменевтика вакили Карл Барт диний матнларни ўрганишда – диний талқин қилишнинг ортодоксал услубини оқлайди<sup>62</sup>. Гадамердаи фарқли ўлароқ, у илоҳий матнларни талқин қилишни оқилонлаштириб бўлмайди<sup>63</sup>, дейди. Бизнинг фикримизча, унинг бундай ёндашуви бирёқлама қараш бўлиб, илоҳий мати қимматини иасайишига сабаб бўлади.

Тушуниш ва тушунтириш бир қанча воситалар – имо-ишора, белги, символлар орқали кечадиган жараён. Белгилар ичида тил, яъни сўз ҳаётда энг кўп қўлланиладиган воситадир. Инсоннинг оламни тушунишида сўз ва унинг структураси, қўлланилиш кўлами каби жиҳатлар Э.Гуссерль томонидан чуқур таҳлил этилган<sup>64</sup>. Унга кўра, инсоннинг ўз “ҳаётий дунё”сидаги ва бу доирадан ташқаридаги сўзлари бўлади. “Хаётий дунё”даги сўзлар сифатида индивиднинг ўзи учун тўла маъно ва мазмуни тушунилган сўзлар назарда тутилади. Гуссерль фикрича, ҳали маъноси тўла тушунилмаган, тафаккурда мустаҳкам ўзлаштирилмаган сўзлар “ҳаётий дунё”дан ташқаридаги сўзлар ҳисобланади. Бу ерда файласуфнинг сўз ва унинг фойдаланиш кўлами, даражаларини мохирона фарқлаб берганини гувоҳи бўламиз. Мутафаккирнинг тушунилган ва тушунилмаган сўзлар хусусидаги фикрлари герменевтик аҳамиятга эга. Чунки, герменевтика айнан Гуссерлининг “ҳатий дунё”сидаги сўзлар уфқларини кенгайтириш билан ҳам шуғулланади.

Билиш ва илмий билишда тушуниш ва тушунтиришнинг ўрни, аҳамияти Г.Х.Фон Вригтнинг “Мантиқий – фалсафий тадқиқотлар” асарида янада атрофлича ўрганилган<sup>65</sup>. Асарнинг “Тушунтириш ва тушуниш” номли 1-қисмида муаллиф фан ва фалсафа тарихидаги икки асосий – аристотелча ва гегелча ёндашувлар, гер-

<sup>61</sup> Хайдеггер М. Разговор на проселочной дороге. -СПб.: Высшая школа, 1991. -С. 192.

<sup>62</sup> Қаранг: Барт К. Избранные работы: Семиотика. Поэтика: Пер. с фр. – М.: Прогресс, 1994. 326 с.

<sup>63</sup> Там же, -С. 26

<sup>64</sup> Қаранг: Гуссерль Э. Логические исследования. Ч.1. Прологомены к чистой логике. – Киев.: Вентури, 1995. 460 с.

<sup>65</sup> Қаранг: Вригт Г.Х. фон. Логико-философские исследования. – М.: Наука, 1986. 560 с.

меневтик фалсафани рух ҳақидаги фанлар негизда вужудга келиши, кибернетик, сабабий-детерминистик, тарихий тушунтириш, методологик интенционализм каби масалаларни таҳлил қилган<sup>66</sup>. Хусусан, фалсафий герменевтика предмети бўлган тушунишни Г.Х.Фон Вригт психологик ҳолат натижаси эмас, балки ҳиссий-семантик жараёнлар натижаси деб таърифлайди<sup>67</sup>. Вригт тадқиқотларининг ўзига хос жиҳати шундаки, у тушунтириш ва тушунишни билиш жараёнлари билан боғлиқ тарзда ўрганиди ва ҳар қандай тушунтириш билишга асосланишини, ҳар қандай тушунишнинг билим доирасини кенгайтиришини алоҳида таъкидлаб ўтади.

Тушуниш ва тушунтириш бевосита тил воситасида амалга оширилади. Тил структурасининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида Фердинанд де Соссюр томонидан олиб борилган тадқиқотлар эътиборга лойиқ. У “Лингвистиканинг умумий курси” асарида структурали (тузилишли) лингвистика ва унинг тушуниш ва тушунтириш жараёнидаги ўринини таҳлил этади<sup>68</sup>.

Витгенштейн хусусий тил “ўйин”ларини тадқиқ этиб, *филологик герменевтика* мактабини яратди<sup>69</sup>.

Тушуниш ва тушунтириш масалаларини ўрганишда рус олими М.М.Бахтин томонидан ўрганилган бадиий ижод герменевтикасига алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз<sup>70</sup>. Хусусан, у санъат ва аудитория, актёр маҳорати, томошабин, кузатувчи, санъат асари ва унинг инсонлар томонидан қабул қилиниши муаммоларини тадқиқ қилган. М.М.Бахтиннинг ҳисоблашича, “ўйин ва санъатнинг умумий томони иккисининг ҳам мутлоқ ҳаётий эмаслигида. Лекин уларнинг ҳаётий эмаслиги турлича – ўйин ҳаётни акс эттиради, санъат эса баён қилади”<sup>71</sup>. М.М.Бахтин томонидан ижтимоий воқеликнинг кўроқ бадиий ижод асарларини эстетик қабул қилиш, изтиробларни ҳис қилиш каби жиҳатлари ўрганилиб,

---

<sup>66</sup> Там же, С. 278.

<sup>67</sup> Там же, С.115.

<sup>68</sup> Каранг: Соссюр Ф. Записки по общей лингвистике. – М.: Прогресс, 1990. 426 с.

<sup>69</sup> Витгенштейн Л. Tractatus Logico-Philosophicus. Философские достижения. – Киев: Основы, 1995. 344 с.

<sup>70</sup> Бахтин М.М. Автор и герой: К философским основам гуманитарных наук. СПб.: 2000. 364 с.

<sup>71</sup> Там же, С.45.

герменевтик (философия) илмий билишдаги ўрни масаласи очик қолган.

Ўтган асрнинг машхур герменевти Х.Г.Гадамер герменевтика ни анъанавий иррационал талқин қилиш услуги сифатида тушунишдан воз кечиб, уни фан услуги сифатида қўлланилиши лозимлигини таъкидлади<sup>72</sup>. Агар олдинги герменевтика рух ҳақидаги фанлар методологияси сифатида илгари сурилган бўлса, ҳозирги герменевтика Гадамер қарашларида универсал фалсафага айланиши зарурлиги таъкидланади. Гадамер фикрича, герменевтика қуйидаги саволларга жавоб бериши керак: “Бизни ўраб турган дунёни қандай тушуниш зарур? Ана шу тушунишда борлиқ ҳақиқатни қандай акс этади?”<sup>73</sup>. Бизнингча, Х.Г.Гадамер томонидан олиб борилган тадқиқотлар герменевтиканинг услуб сифатида тақомиллаштиришига олиб келди.

Француз герменевти П.Рикер гуманитар фанлар методологиясини ўрганиб, ўз тадқиқотларида матн назариясига эътибор қаратади. Жумладан, у матн герменевтикасини таҳлил этиб, герменевтик таҳлилнинг ўсиб бориш хусусиятини эътироф этади. Яъни, у инсон тафаккуридаги тушуниш ва тушунтириш ҳаракатсиз ҳолат (матн)дан бошланиб, воқеликни ўзлаштириш ва охиروқибатда ҳаракатсизлик ва ҳаракатининг биргаликда намоён бўлиш хусусиятини ўрганади. Айни пайтда, П.Рикернинг тадқиқотларида ижтимоий воқелик герменевтикаси ҳам атрофлича таҳлил этилган<sup>74</sup>.

Бутунги кунда рус олимлари В.Кузнецов<sup>75</sup>, В.Штегмайер, Х.Франк, Б.Марковлар<sup>76</sup> томонидан фалсафий герменевтиканинг долзарб масалалари ўрганилмоқда. Жумладан, В.Кузнецов ўзининг “Герменевтика ва гуманитар билиш” асарида фалсафий герменевтиканинг ривожланиш тарихи, тушуниш ва тушунтириш, интенсионал билиш жараёнларининг методологик таҳлилини

---

<sup>72</sup> Гадамер Х.Г. Истина и метод. Основы философской герменевтики –М.: Прогресс, 1988. –С.45.

<sup>73</sup> Фарб фалсафаси. Назаров Қ. таҳрири остида. // Герменевтика. –Т.: Шарқ, 2005. –Б. 567.

<sup>74</sup> Қаранг: Рикер П. Герменевтика и метод социальных наук. –М.: Cauda Pavonis. –№19-1, Spring 2000.

<sup>75</sup> Кузнецов В.Г. Герменевтика и гуманитарное познание. –М.: Наука, 1991. – 320 с.

<sup>76</sup> Герменевтика и деконструкция / Под ред. Штегмайера В., Франка Х., Маркова Б.В. - СПб.: 1999. -289 с.

атрофлича ёритади. Шу ўринда айтиш мумкинки, бугунги кунда рус файласуфлари томонидан ўрганилган ва ўрганилаётган герменевтик масалаларнинг ўзбек файласуфлари томонидан қиёсий таҳлил қилиниши ҳам зарурий масалалардан биридир.

Зеро, ўзбек муаллифлари томонидан ҳам герменевтика масалалари ўрганилган. Хусусан, адабиётшунослар томонидан айрим тадқиқотлар амалга оширилган.

1998 йил А.Эркинов томонидан “Алишер Навоий “Хамса”си талқинининг XV-XX аср манбалари” мавзусида ҳимоя қилинган докторлик диссертациясининг 1-боби герменевтика назариясига бағишланган. Диссертацияда герменевтика ва тафсир, фалсафий герменевтика, автоинтерпретация, автокоммуникатив интерпретация, моноинтерпретация, тарихий-функционал идрок ва матн талқини, таъсир ва акс таъсир диалектикасининг манбаларда ифодаланиши, апперцепция, бнблиопсихология масалалари, декод, дешифр, деконтскстуализация, диахрония, диалог (маданиятлар дучлашуви), китобат талқини каби матннинг герменевтик таҳлиliga бағишланган ўнлаб ходисалар ўрганилган. Бунда муаллиф тадқиқотга матншунос нуқтаи назаридан ёндашиб, матн герменевтикасининг асосий ва устувор жиҳатларини батафсил очиб берган<sup>77</sup>. Диссертацияда герменевтиканинг фалсафий жиҳатлари кнсман ёритилган, шу жиҳатдан ҳам бизнинг тадқиқотимизда баён этиладиган фикрлар ўзбек матншунослиги учун ҳам аҳамиятли бўлади, деб ҳисоблаймиз.

### ***Назорат учун саволлар***

1. “Герменевтика” тушунчасини изоҳланг.
2. Ғарбда филологик герменевтика нима вазифани бажарган?
3. Герменевтика категориялари ва ибораларини таърифланг.

### ***Адабиётлар***

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008 йил, 115-бет.
2. Маънавият: Асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009 йил. – Б. 800.

---

<sup>77</sup> Қаранг: Эркинов А. Алишер Навоий “Хамса”си талқинининг XV-XX аср манбалари. Докт.диссер. Автореферати. – Т.: Академия, 1998. – 35 б.

1. Киммнен Ю. А. Философия религии. М. С.183
4. Бласс, Энциклопедия. М. 1891. С.36-86.
5. Юрен Ю. Философия религии. М., 1988. С.140 -142. Борев Ю. Искусство интерпретации и оценки. Опыт прочтения "Медного всадника". -М., 1981.С.400.
6. Х.Г.Гадамер Истина и метод. Основы философской герменевтики. М., 1989. С.53.
7. Эркинов А. Герменевтика – матн талқини таълимоти. Жамият ва бошқарув.1997. №1. Эркинов А. Алишер Навоий “Хамса”си талқинининг XV-XX аср манбалари. Докт. диссер. автореферати. –Т.: Академия, 1998. – 35 б.
8. Гайденок П.П. Герменевтика. Философ. Энцикл. Словарь. – М., 1983. С. 19.
9. Жабборов Ш. Герменевтика – талқин назарияси. Т.: “Тафаккур журнали”, 2010 йил, №1 сон. 119-120 бетлар.
10. Новейший философский словарь / Сост. А.А. Грицанов. – Мн.: Изд. В.М. Скакун, 1998. - 896 с.
11. Лейбин В. Фрейд. Психоанализ и современная западная философия. –М.: Наука, 1990. С 301.
12. Фрейд З. Поэт и фантазия. Достоевский и отцеубийство. Речь в доме Гете во Франкфурте-на-Майне. Письма С.Цвейгу и Т.Манну // Вопросы литературы. 1990. №8. Freud Z. Introduction to Psychoanalysis. Moscow, 2001 (Rus.)
13. Шпет Г.Г. Герменевтика и ее проблемы -М.: 1990. С.230, 286, 308.
14. Шлейермахер Ф. Диалектика. –М.: АСТ, 1992. –208 с.
15. Дильтей В. Описательная психология. М.: Наука, 1995, 386 с.
16. Хайдеггер М. Время и бытие: Статьи и выступления. - М.:Республика, 1993. -447 с. Хайдеггер М. Разговор на проселочной дороге. -СПб.: Высшая школа, 1991. –С. 192.
17. Барт К. Избранные работы: Семиотика. Поэтика: Пер. с фр. - М.: Прогресс, 1994. -326 с.
18. Гуссерль Э. Логические исследования. Ч.1. Прологомены к чистой логике. – Киев.: Вентури, 1995. -460 с.
19. Вригт Г.Х. фон. Логико-философские исследования. – М.: Наука, 1986. - 560 с.
20. Соссюр Ф. Записки по общей лингвистике. – М.: Прогресс, 1990. -426 с.

21. Витгенштейн Л. Tractatus Logico-Philosophicus. Философские достижения. – Киев: Основы, 1995. –344 с.
22. Бахтин М.М. Автор и герой: К философским основам гуманитарных наук. –СПб.: 2000. –364 с.
23. Ғарб фалсафаси. Назаров Қ. таҳрири остида. // Герменевтика. –Т.: Шарқ, 2005. –Б. 567.
24. Рикер П. Герменевтика и метод социальных наук. –М.: Cauda Pavonis. –№19-1, Spring 2000.
25. Кузнецов В.Г. Герменевтика и гуманитарное познание. – М.: Наука, 1991. – 320 с.
26. Герменевтика и деконструкция / Под ред. Штегмайера В., Франка Х., Маркова Б.В. –СПб.: 1999. – 289 с.

### **8-мавзу. Экзистенциализм ва адабиётда мавжудлик фалсафаси. Эгзистенциализм ва герменевтика.**

*Экзистенциализм намояндалари Кантнинг ахлоқий императив, шунингдек, ҳақ ва ҳақиқат, эркинлик ва эркин ирода, дин ва маънавият ҳамда виждон категорияларини янгича талқин этиб, адабиёт ва фалсафа ривожига салмоқли ҳисса қўшган, санъат ва бадиий адабиётда экзистенциализм зоялари сингишига туртки берганлиги ҳақида талабаларга тушунча берилади.*

**Калим сўзлар:** *Экзистенциализм, “лингвистик бозор”, мавжудлик таълимоти, экзистенциал борлик, маънавий тушкунлик, диний экзистенциализм, дунёвий экзистенциализм, “Мен борман” таълимоти.*

Бугунги плюрализмга, турфа қарашларга асосланган жамиятда ижтимоий ҳаётда плюралистик ахлоқ нормаларига амал қилиниши табиий ҳол. Ҳар бир жамият, ҳаттоки ҳар бир индивид ўзининг шахсий ҳаётида ўзига хос тарзда шахсий хулқ атвори ва фикрига эга. Бежиз эмаски, ҳозирги ғарб алломаларида кўринадиган психологик билимлар мажмуи (психоанализ, парапсихология, экзистенциализм) кўп жиҳатлари билан ориф суфийлар ва Ф.Аттор, Ж.Румий, Ибн Арабий каби мутафаккирларнинг фикрларини эслатиб туради.

Экзистенциализм (лотинча *existentia* - мавжудлик) – XX аср бошларида Россияда (Бердяев, Шестов) Германияда (Хайдеггер, Ясперс) ҳамда II жаҳон уруши арафасида Францияда (Сартр, Мерло-Понти, Альберт Камю ва ҳоказолар) найдо бўлган адабий-фалсафий йўналишлардан бири. Экзистенциализм мавзу доираси жиҳатидан соф фалсафадан йироқ бўлиб, асосан инсоннинг мавжудлиги, тақдири, имон-этикоди, ҳаётининг мазмуни ва мақсадлари сингари масалалар таҳлиliga эътибор қаратгани боис, у кўпроқ табиий ижодкорлар орасида кенг тарқалади. Бошқа томондан экзистенциалистларнинг ўзи ҳам (масалан, Сартр, Камю, Марель ва бошқалар) ўз асарларида санъат ва бадий адабиёт воситаларидан кенг фойдаланишга ҳаракат қилган. Экзистенциализмнинг ижтимоий таълимоти шахс ва эркинлик тушунчалари орқали таҳлил этилади. Экзистенциализмга кўра, шахс – бош мақсад, жамоа эса унинг моддий мавжудлигини таъминлашга хизмат қиладиган воситадир. Экзистенциализм намоёндалари жамият унинг ҳар бир аъзосининг эркин маънавий ривожланишини таъминлаши, шахс эркинлигига тўсқинлик қилувчи омилларга барҳам берадиган ҳуқуқий тартибни кафолатлаши зарур. Экзистенциалистлар эркинликни икки турга ажратади: а) иқтисодий ва сиёсий; 2) рухий-маънавий эркинлик. Экзистенциалистлар назарида, чинакам эркинлик кишилар ишлаб чиқарувчилар сифатида ўзаро тўқнашадиган моддий соҳасида эмас, улар экзистенция сифатида намоён бўладиган рухий-маънавий оламдагина бошланишини таъкидлайди. Экзистенциализм инсон борлигини бир неча қатламлардан иборат, деб ҳисоблайди: табиий, яъни унинг биологик, физиологик ва психологик табиати бу қатлам табиатшунослик фанлари томонидан ўрганилади; ижтимоий (социологиянинг тадқиқот йўналиши) ва ниҳоят, учинчиси, тарих, фал., санъатшунослик ва бошқа фанлар томонидан тадқиқ этиладиган маънавий қатлам.

**БЕРДЯЕВ** Николай Александрович (1874-1948) – файласуф ва публицист. Унинг «Оврупода христиан экзистенциализми» асарида мавжудиятнинг бош субъекти рух бўлиб қолади. Объект – руҳни ўз-ўзига ўзаро йўналиш натижаси ("ҳақиқий дунё, озодлик салтанатига) ва ташқарига йўналиш – куллик дунёси объектга, зарурият салтанатига" объектлар дунёсини келиб чиқиши "объективация"дир, унга объектни субъектдаи бегоналашиши, инсонни ва уни мулоҳазаларини ижтимоийланиши, барҳам бериш оригиналлиги хосдир.

Экзистенциализм намоёндалари Кантнинг ахлоқий императив, шунингдек, ҳақ ва ҳақиқат, эркинлик ва эркин ирода, дин ва маънавият ҳамда виждон категорияларини янгича талқин этиб, адабиёт ривожига салмоқли ҳисса қўшган, санъат ва бадиий адабиётда экзистенциализм ғоялари сингишига туртки берган. Экзистенциализм таълимоти II жаҳон урушининг дастлабки йилларида саросимага тушиб қолган кишиларни мардлик, жасоратга чорлаб, Француз Қаршилик ҳаракатининг маънавий-руҳий манбаи сифатида хизмат қилди. Шунга қарамай, экзистенциализм вакиллари-нинг ижтимоий-сиёсий қарашларида жиддий тафовутлар бўлган. Масалан, К.Ясперс ва француз экзистенциалистлар демократик эркинликларни ҳимоя қиладиган либераллар сифатида майдонга чиққан бўлса, экзистенциализмнинг яна бир йирик вакили национал-социалистлар (фашистлар) билан ҳамкорлик қилиб келган.

Янгича фалсафий тафаккурга асос солган олимлар орасида кўпчилик немис олими **Аргур Шопенгауэр** (1788-1860) қарашларини тилга олади. Шопенгауэр оламдаги барча мавжуд нарсаларни ироданинг намоён бўлиши, иродани эса онгсиз кўр-кўрона интилиш тарзида тушунади. Махлуқотларнинг инстинктлари, хатти-ҳаракатлари – ироданинг намоён бўлишидир. Инсон фаолияти ҳам ақлдан бегона бўлган ироданинг натижасидир. Шунинг учун инсон моҳияти ирроционал асосга эга. Ақл эса тасоҳифийдир. Инсон ҳаёти доимо айланиб турган ирода ғилдирагига боғлиқдир.

Шопенгауэр таълимотини давом эттирган немис файласуфи **Фридрих Ницше** (1844-1900) фикрича, «борлиқнинг энг чуқур моҳияти ҳокимиятга эришиш учун бўлган интилиш» бор бўйбасти билан кўринади.

Тафаккур аҳлига ва тадқиқотчиларга ҳиндистонлик яқин ўтмишдош Радхакришнан Сарвеналли (1888-1975) номи яхши таниш. Унинг мати ёндашишида ва қарашларида герменевтика ва экзистенциализм таълимотини кузатамиз. Тадқиқотчи Романованинг ёзишича, Радхакришнан Сарвеналли экзистенциализмни ҳиндувийлик ва буддавийликка уйғунлаштирган.<sup>78</sup> Худди шундай

---

<sup>78</sup> Романова И.К. Хайдеггер и восточная философия: поиски взаимодополнительности культур/ 1. Метафизика Сарвеналли Радхакришнана и экзистенциализм Хайдеггера. / отв.ред. Корнеев М.Я., Торчинов Е.А. 2-е изд. СПб.: Санкт-Петербургское философское общество. 2001. С.195-220.



таълимотни Радхакришнаннинг замондоши, ватандоши Гуру Датт қарашларида ҳам учратиш мумки. <sup>79</sup> Радхакришнаннинг қарашлари биздаги тасаввуфнинг баъзи тарикатларидаги нафс, рух, ўз-ўзини англаш, комил инсои ғояларига ҳам ўхшаб кетади.

Бу таълимот онтологик экзистенциализм (Хайдеггер), диний экзистенциализм (Ясперс), Ж.П.Сартр экзистенциализми кўринишларида бўлади. Шу билан биргаликда, француз, немис, рус ва каби экзистенциализм турлари борлиги ҳам тан олинади. Экзистенциализм моҳиятини, унинг туркумлашиши аниқлашда турлича ёндашувлар мавжуд.

Экзистенциализм ҳақиқатни инсои борлигининг моҳияти билан ўлчайди, билишининг объекти ва субъекти, билиш мезоии масалаларига ҳам тўхталади. Улар, билишда, субъектининг ўрни ҳақидаги масала биринчи ўринга қўйилиши лозимлигини, ҳақиқатнинг фақат воқеликни адекват(тўғри) инъикос этиш, унинг объектга мос келиш билангина изоҳланишини бир томонлама эканлигини айтадилар. Демак, ҳақиқат борлиқнинг акс этишигина бўлиб қолмай, балки субъектнинг билиши, амалиёти, маданиятининг ўзаро қўшилиши натижасидир. Воқеликни тўғри акс эттиришда инсон меъёрини билиш катта аҳамиятга эга, инсои меъёри эса унинг ижодий эркинлиги билан белгиланади. Хайдеггер айтганидек, билиш ҳақиқатни излашга, унинг турли томонини топишга қаратилган.

Иррационалистик оқимлар қуйидаги билиш усулларини: экстаз (неоплатониклар), ваҳий (ислом) ғойибдан билиш (христианлик) нирвана (буддизм), ишроқ (сўфийлик), мистик интуиция, муҳаббат (дин, экзистенциализм)ни тарғиб қиладилар.

Иррационалистик фикрларнинг кенг тарқалишига жамият ривожланишидаги инқирозий белгилар сабаб бўлди. Бир қанча иррационалистик таълимотлар ва, аввало, “ҳаёт фалсафаси” пайдо бўлади. Кейинчалик, 20-асрининг 30-йилларида, иррационализмнинг бошқа бир тури – экзистенциализм илгари сурилади. Фрейдизмда ҳам иррационалистик мотивлар, оҳанглар яққол кўринади.

КАМЮ Альберт (1913-1960) – француз ёзувчиси ва файласуфи, атеистик экзистенциализмининг вакили, Нобель мукофоти-

---

<sup>79</sup> Ўша манба.

нинг соҳибни (1957). Камюнинг қарашлари Кьеркегор, Ницше, Достоевский ҳамда немис экзистенциалист файласуфлари таъсири остида шаклланди. Камю фалсафасининг марказий мавзуи инсон яшашининг маъноси ҳақидаги, “ҳаёт яшашга арзийдими”, деган масаладан иборат. Камю жамиятнинг бюрократча тузилишига киритилган замоавий индивидии қараб чиқаркан, яшаш маъноси хусусида ҳар қандай ўй-хаёлдан маҳрум қилинган зиёлиининг маънавий ҳаёти зиддиятларини таҳлил қиларкан, инсонни яшаш беҳуда, деган хулосага келади ва “беҳудалик” категориясини ўз фалсафасининг бош тамойили қилиб қўяди. Инсон ҳаётининг бемаънолиги, Камюда, Сизифнинг афсонавий образини гавдалантиради: маккорлиги учун жазога тортилган Сизиф кагта тошни, думалатиб, тоққа чиқаради ва тоғ чўққисига чиқай деганда, тош яна юмалаб пастга тушади ҳамда Сизифнинг бу иши тўхтовсиз такрорланаверади. Инсон, бундай бемаъноликка чидай олмасдан, “исён кўтаради”; ана шундан бошлаб, вақт-вақти билан, “исёнлар”, инқилоблар кўтарилиб, улардан, инсон, ўзининг “сизифча аҳволи”дан қутилиш учун, стихияли равишда, нажот излайди. Камю “уюштирилган”, “тайёрланган” инқилобни ўз тушунчасига зид, деб ҳисоблайди, шунингдек, инқилоб унинг ўзини вужудга келтирган вазиятдан, ҳақиқатан, қутулиш йўлини кўрсатиши мумкин, деган ҳар қандай умидни пучга чиқаради. Камюнинг руҳий кайфияти – “беҳуда” дунёда нажотсиз ёлғизликда қолган, замоавий жамиятнинг шафқатсизлигини ўзича ифодалаган инсон кайфиятидир. Унинг асосий асарлари: “Сизиф ҳақида афсона” (1942), “Бегона”(1942), “Исёнчи” (1951).

Экзистенциализм мавжудликнинг сионимидир. 17-18 аср инглиз эмпиризми (Локк, Юм) ҳар андай билимнинг мавжудлигини таи олган. Янги давр рационализми (Декарт, Спиноза, Фихте, Гегель), мавжудлик тушуничасини талин этишда, борлик ва тафаккуриинг айнаилиги таълимотидан келиб чиқади. Мавжудлик, бу ерда, моҳият эътибори билан, қандайдир, ақл билан боғлиқ, рационаллик сифатида, талқин этилади. Бу нутаи назарларни бирлаштиришга уриниш, Лейбниц ва Кант таълимотларида, кўрилади. Лейбниц икки хилдаги ҳақиқатни таи олади: ақлнинг абдий ҳақиқатлари ва фактлар ҳақиқати. Лейбницининг фикрича, улар ўртасидаги фарқ фақат инсон ақли чегараси (охири) учун мавжуд, оламий ақлда бу фарқ йўқ. Кант “мавжудлик”ининг онто-

логик аҳамиятини тан олади. “Нарса ўзида”ни, мантикий хулосалар орқали, келтириб чиқариб бўлмайда, ақл фақат расмий алоқаларни, ҳиссиёт эса унга ашё етказишини ҳисобга олсак, мавжудликни ҳеч бир ҳиссий ҳодисалардан мантикий келтириб чиқариш мумкин эмас.

Экзистенциализм, умуман олганда, янгича категория мазмунида Кьеркегор қарашларида талқин этилади. У мавжудликни, бевосита англаш мумкин бўлган инсон борлиғи сифатида, тушунилишини рационализмга (Гегель) қарама-қарши қўяди.

Экзистенциализм, Кьеркегор фикрича, бу – алоҳидалик, шахсиятлилик, интиҳоликдир. Кьеркегор фикрича, интиҳоли мавжудлик. ўз тақдири ва тарихига эга бўлиб, тарих тушунчаси интиҳоликдан, экзистенциализмнинг қайтарилмаслиғи ҳамда тақдирдан ажралмаслиғидир.

20-асрда мавжудликни Кьеркегорча тушуниш, экзистенциализмда (Ясперс, Хайдеггер, Сартр, Марсель ва бошқалар), қайтадан кўриб чиқилиб, у мазкур таълимотда марказий ўринни эгаллайди. Экзистенциализмда, мавжудлик, инсоннинг ўз чегарасидан чиқувчи, вазиятни трансценденталликка нисбатан бир ҳолати сифатида, талқин этилади.

Инсон ақли етиш мумкин бўлмаган мавжудлик билан трансценденталлик ўртасидаги алоқа унинг охири, экзистенциализм бўйича, мавжудлик фактининг ўзида топилди. Мавжудликнинг охири, ўлим, ҳаёт тугашининг эмпирик факти эмас, балки, бутун инсон ҳаётига кириб борувчи, мавжудлик таркибини белгилувчи, бошланғич ҳолатдир. Мана шундан экзистенциализмни таърифловчи ва унда қизиқиш уйғотадиган ҳолатлар (қайғу, кўрқув, айбдорлик ҳиссиёти ва ҳоказолар) унинг табиатини очиб берувчи бўлиб, буюмларнинг моҳиятидан, уларнинг ҳозир мавжуд бўлишидан келиб чиқади.

Жан-Пол Сартр (1905-1980) – франциялик аллома, экзистенциализм мактабининг йирик вакилликларидан бири. У ўзининг асарларида немис мутафаккирлари – Э.Гуссерль, М.Хайдеггер қарашларининг издоши бўлиб майдонга чиқади. Айниқса, М.Хайдеггернинг инсон мавжудлигининг таҳлили устида ўтказган тажрибалари (нима учун, умуман, мавжудлик, ҳеч нима эмас каби қарашларини ривожлантирадн. Сартр ўз қарашларида, асосан, борлиқнинг маъноси ва мақсадини аниқ кўрсатишга инти-

лади. Асосий асарларидан бири – “Борлиқ ва ҳеч нарса”да инсон борлиқ даҳшатиға қарама-қарши қилиб қўйилади. Фақат ўз қобилиятиға ишониши боис, ўзини эркин тута олади, ўзининг кимлигини аниглашға, иарсадан эса ҳеч нарсаға айланишиға ишонч ҳосил қилади. Яратилган, билишган ҳеч нарса, бу фақат инсон эркинлиги улуворлигининг белгиси, рамзи. Ана шу фикрларға кўра, инсон нафақат ҳайвонлардан, бошқа мавжудотлардан ҳам ўзининг «ҳеч иарсаси» билан устун туради, мана шу туфайли, инсон ҳаёт даҳшатларидан узоқроқ бўлади, лекин, “ҳеч нарса”, “борлиқ” каби, самарали тушунча, деб айтиб бўлмаслигини ҳам алоҳида таъкидлайди. Сартр ижодида ўзининг фалсафий қарашларини тараннум этган ҳикоялар, романлар, драмалар ҳам борки, уларии ўрганиш фойдадан ҳоли эмас.

XX аср фалсафий тафаккурининг асосий йўналишларидан бири бўлган экзистенциализмнинг илк намояндалари деб, даниялик файласуф С.Кьеркегор, немис файласуфи Ф.Ницше, рус ёзувчиси Ф.М.Достоевский ҳисобланади. Экзистенциализм ғоялари Россияда Л.И.Шестов ва Н.А.Бердяевнинг қатор асарларида намоён бўлади. Экзистенциализм, айиқса, Германияда (М.Хайдеггер ва К.Яснерс) ва Францияда (Г.Марсель, Ж.П.Сартр, А.Камю) кенг тарқалган. Буидан ташари, ислом динида юзага келган тасаввуф билан экзистенциализм ўртасида бир-бириға яқин ва туташ нуқталар ҳам мавжуд. Экзистенциализм ғоялари бадий адабиёт, театр, кино соҳалариға сезиларли руҳий таъсир ўтказиб келмоқда.

Маълумки, дунёвий ва диний табиатға эға барча фалсафий йўналишлар илмийликка даъво илади. Экзистенциализм эса, аксиича, ҳар қандай илмий дунёарашни рад этади. Унингча, инсонни тадқиқ этишдаги барча адабий-фалсафий тизимларнинг бирдан-бир камчилиги шундаки, улар уни, азалдан аънана бўлиб келган, илмий тушунчалар, назарий тамойиллар асосида талқин қилади, боша восита ва усуллардан фойдаланишни эсига ҳам келтирмайди.

Экзистенциализм вакиллари онгға мурожаат иладилар. Лекин, бу онг воқеликни, инсонни билиш, руҳий фаол онг бўлмасдан, балки, азобланган, ғам-аидуҳға ғарк бўлган, ҳиссиётға берилган, энсаси қотган онгдир. Экзистенциализм кишиларининг кайфияти, эмоция ҳис-ҳаяжонлари, қайғусидан келиб чиқиб, "барча иарсалар"ни, жумладан, фан-техника, сиёсат, худо, табиат кабиларни, уқтириб беришға уринади. Экзистенциализмда инсон ўз ҳаётиини

Пешининин бурч, вазифасига қурбон қилинган мавжудот сифатида тунунилади. Экзистенциализмда инсонни табиат ва жамиятдан ажратиб олиш майли устувор. Жамият индивидга қарши қўйилган куч, унга хос жиҳатларни йўқотишга ҳаракат қилади. Шахсни оммалаштириш ёки ижтимоийлаштириш уни ўзидан бегоналаштиришдир, деган хулосага келинади.

Хайдеггер экзистенциализми ва герменевтикаси жуда қизик. Ўтган асрдаги немис адабий ва фалсафий тафаккури ҳақида гапирилса, албатта биринчи бўлиб Мартин Хайдеггер ҳақида сўз болади. Хайдеггер ёшлик давридаёқ Ницше, Достоевский, Рильке, Тракль тўпламларини деярли қўлидан қўймай ўқиб юрган. Хайдеггердаги иқтидорни кўрган Фрейбург университети профессори Эдмунд Гуссерль уни талабаларнинг ичида аъло била бошлаган. Хайдеггернинг гуссерлча «Мантикий тадқиқот»и (1900-1901) 1913 йилга келиб «Соф феноменология голяри» шаклида кўринади. Нацизм балосини олиб келган 1913-34 йиллар сурони Хайдеггернинг келажакига хавф сола бошлаган эди. Ҳатто бирор озод фикрига ҳам биров кулок соладиган даражада эмасди. Шунда у махсус нацистлар ғоясини қабул қилади. Ўз ғояларини илгари суриш учун ёлғондакам ниқобланди. Бу билан унинг кўкрагига шамол тегди деса ҳам бўлади. Хайдеггер 1945 йилгача нацистлар партиясида аъзо эди. Кейинчалик буни ўзига жоиз деб билмади. 1945 йил 25 апрель куни Фрейбургга француз озод қилувчи армияси етиб келгач, Хайдеггернинг иши гитлеризмга қарши протест қабул қилиб, нацистлар қамоқхоналаридаги «сиёсий жиноятчиликда» айбланган ўз ҳамкасабаларини, профессорларни озод қилиш бўлди. Урушдан кейин ҳам Хайдеггерга жуда оғир йиллар бўлди. Чунки бу даврдан ишончсизлик, бегонасираш хидлари келарди. Қолаверса, Хайдеггер таржимаи ҳолида собиқ нацистлар партиясига аъзолик доғ бўлиб турарди. Ниҳоят университет сенати Хайдеггерни Фрейбург университетининг фалсафа факультетига қайтариш ҳақидаги саволини ташлади. Чунки, унгача профессорнинг педагогик фаолняти тўхтатилган эди. Буни овозга қўйилганда деярли барча илм аҳли Хайдеггерни ёқлади. Ҳатто уни Гегель, Кьеркегар, Ницше, Дильтей, Гуссерль ва бошқа мутафаккирлар билан бир қаторда кўришларини баралла айтишди. Бавария нафис санъат академияси талабалари орасидаги баҳс мунозарали суҳбатлар, Фрейбург университети аудиториялари яна

Хайдеггер назариялари билан тўлди. Хайдеггерни экзистенциалист дейишади. Лекин унинг ўзи буни инкор қилиб келган. Унинг методларини фақат феноменологияда кўриш мумкин. Бундан ташқари биз уни герменевт<sup>80</sup> ҳам деймиз.

<sup>80</sup> Герменевтиканинг этимологияси юнон афсоналарига кўра, йўловчи ва савдогарларнинг мададкор илоҳаси, хабарчи худо – “Гермес” сўзидан олинган. Сўфизмнинг таникли намояндalarидан бири бўлган Ш. Сухравардий ҳам донишмандликнинг табиати ва кадимийлигини тушунтираркан, ”Тўлиқ (чуқур) ва ҳақиқий илм бўлган ишроқ (нурланиш илми) нафсни тийиш ва зикр орқали эришиладиган илм бўлиб, қадимги юнонлар бу билимни Худонинг (Зевснинг) ўгли деб ҳисобланган Ҳермесдан (Гермесдан) олганлар. Бу Ҳермес осмондан олган билим бўлиб, у юнон, араб ва эрон донишмандлари бир-бирларидан олиб турган билимнинг айни ўзидир”, – деган эди. Гермес (Ҳермес) эса ислом маданиятида пайғамбар Сиф (Шис) алайҳиссаломнинг ўғиллари Идрис алайҳиссаломнинг юнонча айтилишидир. Пайғамбарлардан кейин ва улардан олдин эзотерик мазмуни айрим динларнинг мистик аспекти сифатида ҳам, динлардан мустақил таълимотлар сифатида ҳам, мавжуд бўлиши кузатилади. Шунингдек, у Ҳиндуизмда – йога, христианизмда – гностицизм (ғанусийлик), яҳудийликда герметизм (Гермес, яъни найгамбар Идрис а.с. асос солгани назарда тутилади), исломда суфизм шаклларида мавжуд бўлгани кузатилади. Бунда Гермеснинг нуктадоилиги, суҳандонлиги, илоҳий қондалари, осмоний ишоратларни тушунаётганларга тушунтириши асос қилиб олинган. Бизнингча, Гермес фаолиятини барча пайғамбарлар ваҳий келтирган фаришта Жаброил (а.с)га (шартли равишда) қисслаш мумкин. Чунки у ҳам Аллоҳнинг сўзларини пайғамбарларга билдирган. Рим афсоналарида эва Гермеснинг ролини Меркурий бажарган. Бу истилоҳдан фойдаланишдан мақсад, диний китобларни, кароматтўй кишилар ва руҳонийларнинг асарларини шарҳлашда, уларни юксак даражада тушунтиришда метод сифатида ишлатиш бўлган. Шунингдек, герменевтиканинг ҳам тарихий илдизлари, тарихий муаммоларни бор. Шу маънода герменевтиканинг ибтидоий шакли Қадимги Юнонистонда грамматистлар, Қадимги Римда нотиклар нутқида (Цицерон, Марк Аврелий) Хитой ва Ҳиндистонда ведалар, упанишадлар таълимотида, Эрон ва Туронда “Авесто” мўбадлгида (қоҳинлигида), Мусулмон Шарқда фақиҳлар, муҳаддислар, суфийлар, воизлар Ғарбий Европада схоластлар, скептиклар назарияларида мавжуд эди. Чунки герменевтикада тушуниш, тушунтириш, тадқиқ этиш, талқин, таҳлил, шарҳ, коментаторлик бор экан бу методи мутлақо янги санамаслик лозим. Бирок, илм-фан методи сифатида маънавийтимиз, тафаккуримиз учун янгидир. Мазкур герменевтика методи семиотика, лингвистика, антропология тушуниш ва бошқа мати-шуносликнинг илмий соҳаларига ҳам тааллуқли экан, биз учун тадқиқ масаласи фалсафа ва филологиядадир. Герменевтикани тишунослик илмлари оиласига мансуб эканлигини эътироф этишимиз бу уни ўша фанларга қўшиб қўйиш эмас. Аввало герменевтикани оддий лингвистикадан фарқлаб олишимиз лозим. Шунингдек, герменевтика категорияга эмас, аксинча барча категориялар унинг ичига қиради. Масалан, интерпретация жараёнида барча категориялар яъни зарурат ва тасодиф, бутун ва қисм, шакл ва мазмун, миқдор ва сифат, сабабий боғланишлар, имконият ва воқелик, айримлик ва умумийлик, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, рационаллик ва иррационаллик, моҳият ва ҳодиса қабилар муҳим функцияларни бажаради. Шу маънода “матн”ни тушунтирувчи яъни герменевт юнон афсонасидаги илоҳа Гермесдек нуктадан, суҳандон ва жозибали нутқ соҳиби бўлиш талаб қилинган. Герменевтика муқаддас диний китобларни, улуг кишиларнинг асарларини, тарихни ва айни пайтдаги барча нарса ва ҳодисаларни “матн” деб қабул қилади ҳамда ўрганади. Ушбу метод функ-

Немис экзистенциалист файласуфи Мартин Хайдеггер (1889-1976) дунёқараши илк бор Гуссерль феноменологияси таъсирида кенгайган. Констанцадаги гимназияда сабоқ олиб, Фрейбург университетини имтиёзли тугатган Хайдеггер ўз назарияларини ошкор қилишдан аввал Дильтейнинг диалектик теологиясидан ҳам куч олади. Умуман унинг дунёқарашининг шаклланишида Августин, Кьеркегор, Гегель, Шеллинг, Ницше, Гуссерль каби мутафаккирлар диний-фалсафий қарашларининг таъсири бекиёс бўлган. Хайдеггер «Борлиқ ва замон» асарида устозларининг ақидаларини давом эттирди. Яъни «унутилган» анъаналарни тиклади. Поль Рикёр эса «Гуссерль, Хайдеггер, Мерло-Понтилар дунёқараши феноменология асосида туғилган»<sup>81</sup> деб бежиз айтмаган. Чунки, Хайдеггер тушуниш актини феноменологияда кузатади. Хайдеггер герменевтикасига тўхталар эканмиз, мусулмон Шарқ фалсафасидаги, умуман тасаввуф таълимотидаги субъектив қарашларига унинг дунёқараши уйқаш келишини эътироф этишимиз керак. Бироқ, унинг борлиқ ва ноборлиқ муаммоларига қарашлари кўпроқ Кьеркегор, Ницше, Камью экзистенциализми сингари абсурдга етаклайдиган жиҳатлари ҳам бор.

Демак, Хайдеггер асосий асарларида «Борлиқ ва замон» (1927), «Кант ва метафизика муаммоси» (1929), «Метафизика нима?» (1930), «Метафизикага кириш» (1935), «Замон олам манзарида» (1938), «Платон ҳақида ҳақиқат» (1942), «Ницшенинг “Худо ўлди” деган сўзи» (1943), «Кўчма маъноли миш-мишлар» (1950), «Бурилиш» (1949), «Техника ҳақидаги масала» (1953), «Ницше» (1961, 2 томлик) ва бошқа кичик асарларида тушуниш ҳамда тушуитириш актларини таҳлил қилган.

М.Хайдеггер фанга «феномен» тушунчасини киритди, бу тушунчани очиб бериш учун ҳодиса ва моҳият ўртасидаги муносабатини янгича талқин қилади. Хайдеггер учун ҳодиса ўзидан олдинги бошқа бир вазият ёки нарсага боғланади ва ундан келиб чиқади. Хайдеггерининг «феномен» тушунчаси айнан шу ҳодисанинг пайдо бўлишига сабаб бўлган моҳиятни очиб беради ва

---

цияларига кўра турларга бўлинади. Буни тадқиқотларимиз давомида кўриб чиқамиз. Герменевтика “матн”ни тушуниш ва талқин этиш санъати интерпретация тўғрисидаги таълимотдир. Герменевтика тарих, маданиятлар ва кишиларнинг мулоқот шакли ҳамдир.

<sup>81</sup>Рикёр П. Конфликт интерпретация. 1995 М., 130с.

«моҳият» тушунчасини ўз ичига қамраб олади. Хайдеггер инсон борлигини ўрганар экан, уни бошқа борлиқлардан ажратиб олади. Демак, Хайдеггер фалсафасида «экзистенция» тушунчаси инсон ички борлигининг моҳиятини акс эттиради.<sup>82</sup> Ички борлиқни ўрганиш учун инсон ўз ички оламини эшита билиши ниҳоятда муҳимдир. Бу ички оламда эса Хайдеггер эътиборини шеърятга қаратди. Негаки, шеърятда инсоннинг ички олами ниҳоятда яққол намоён бўлади. Хайдеггер қадимги кўлёмаларни ички оламидан келиб чиқиб, асл моҳиятни очиб беришга катта эътибор беради. Бу услубни у «герменевтика» деб атади. Хайдеггердан олдин бу тушунчани Шлейермахер киритган бўлиб, қадимги матнларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва фалсафий шарҳлашни «герменевтика» деб тушунтирган. Бу соҳада Хайдеггер ўзига хос ўзгартириш киритди. Ундан илгариги файласуфлар Шлейермахер, Дильтей ва бошқалар бу матнларни лингвистик таҳлил қилишга кўпроқ эътибор беришган бўлса, Хайдеггер ўз диққатини таҳлил ичида яширинган руҳиятни ҳис «этишга» қаратади.

Хайдеггернинг феноменологик усули Гуссерлнинг услубидан юқоридаги кўрсатилган фикрлардан ташқари шу билан фарқ қиладики, Гуссерлда фикр оқимини таҳлил қилиш биринчи ўринда турса, Хайдеггерда бу фикрлар орқасида яширинган феномен ички руҳий ҳиссиётни таҳлил қилиш асосий аҳамиятга эгадир. Аиъанавий рационал фалсафадаги ҳақиқатга бўлган қараш, Хайдеггер фалсафасида ўзига хос хусусиятга эга бўлади. Р.Декарт ҳақиқатнинг асосий мезони унинг очиқ ва равшанлигида, деб билади. Хайдеггер ҳам ўзининг «Борлиқ ва замон» асариде шу фикрга қўшилади. Кейинчалик, 1935 йилга келиб, унинг фикри кескин ўзгаради ва шу даврдан бошлаб ижодининг иккинчи босқичи бошланади. Хайдеггер «Гельдерлин ҳақида»ги мақоласида ҳақиқат қанчалар очиқ ва равшан бўлса, шунчалар яширинган ва мавҳумдир», – дейди. Шунинг учун ҳам Хайдеггер борлиқ ҳақидаги ҳақиқатни кўпроқ мантиқий тушунчалар билан эмас, балки шеърый метафора, образлар орқали ҳис қилиш мумкин, деб ҳисоблайди.

Хайдеггер ўз таълимотига «дасийн» тушунчасини киритади. Бу тушунча инсон борлиғи маъносини англатади. Борлиқнинг

---

<sup>82</sup>Heidegger M. Unterwegs zur Sprache. Pfulligen, 1959 Heidegger M. Being and Time. // Heidegger M. Time and Being. Moscow, 1993 (Rus.)



бошқа турларидан, Хайдеггер фикрича, у тубдан фарқ қилади. «Дасийн» тушунчиои инсоннинг моддий борлигини эмас, аксинча, унинг онги борлигини ифодалайди.<sup>83</sup> Хайдеггер инсон борлигини таърифлаш учун, «категориялар» тушунчасини ҳам киритди. Нунинг олибаи инсон борлигининг негизи «экзистенция», яъни «ички моҳият» бўлгани учун бу борлиқни нарсалари бўлибгина қолмай, ўтмишдаги даврни ва ўша даврдаги эгасининг таъсирини ҳам ўзида сақлайди. «Вақт» тушунчаси Хайдеггер таълимотида катта аҳамиятга эгадир. Вақтнинг ўтмишдаги, ҳозирдаги ва келажакдаги хусусиятлари бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳозирги замонни ўтмишсиз тасаввур этиб бўлмайди. Ўтмиш ҳозирги даврни қандай йўналишда ўзгаришини, ривожини кўп жиҳатдан белгилайди. Демак, ўтмиш ҳозирги замон билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ундан ажралмас ҳолда шаклланади ва ривожланади.<sup>84</sup> Инсоннинг келажаги қандай бўлиши унинг ижобий ҳаётий фаолиятига боғлиқдир. Хайдеггер фалсафасида катта муаммолардан бири – бу йўқлик масаласидир. Бу ғайритабиий «йўқлик» ҳолати инсонда айрим «чегарадош» вазиятларда содир бўлади. Бу ҳаёт-момот масаласи ҳал қилинадиган ҳаётий вазиятлардир. Инсон ўлимга юз тутган дақиқаларда уни даҳшат ҳиссиёти камраб олади. Даҳшат инсондаги ҳис-туйғуларни, унинг учун қачонлардир аҳамиятга эга бўлган иарса ва муносибатлар қадрини йўқотади ҳамда ички бўшлиқни пайдо бўлишига олиб келади. Бу ички бўшлиқда инсон ўзининг асл моҳияти – «экзистенция»сини ва бошқа нарсаларнинг соф борлигини ҳис қилади. Айнан шу вазиятда инсоннинг асл моҳияти очилади ҳамда у ирода ва руҳ эркинлигига эга бўлади. Инсоннинг бу ички оламида инсон тафаккури томонидан яратилган техника катта аҳамиятга эгадир. Техник ривожланишга ўтиш бутун цивилизация ва маданиятни янги босқичга кўтаришни аниглайди. Лекин бу босқич инсон табиатидан узоклашиш ва бегоналашувга, маънавиятдаи йироқлашишга олиб келади. Ҳозирги замон техникаси, яратилган кашфиётлар ва алоқа воситалари инсонни янада ёлғизланиб қолиши ва табиатни ҳис қилмаслигига, натижада эса, ўз ички оламида ҳам йўқлик, бўшлиқнинг пайдо бўлишига олиб келади. Хайдеггер

<sup>83</sup> Heidegger M. Being and Time. // Heidegger M. Time and Being. Moscow, 1993 (Rus.)  
*Хайдеггер М. Язык, СПб., 1991. Хайдеггер М. Разговор на проселочной дороге. М., 1991.*

<sup>84</sup> Хайдеггер М. Время и бытие. М., 1993.

фалсафасидаги соф борлиқ, бўшлиқ инсоннинг руҳий бўшлиғига, парокандаликка олиб келади. Хайдеггер бу парокандаликдан чиқиш йўли, «экстаз» – илоҳий муҳаббат ва эзгу туйғуларнинг хурсандчилик йўлини мутлақ унутгандек туюлади. Хайдеггернинг бўшлиғи илоҳий бўшлиққа, экстаз ҳолатига олиб келмади, аксинча, унинг йўқолишига олиб келди. Хайдеггернинг фаолияти католик-теолог қисматидан иборат эмас эди. Балки ҳамкасбларининг (герменевтларнинг) йўлини тутди.

Герменевтлар ҳар қандай нарса ва ҳодисани «матн» деб қабул қилганларидек, Хайдеггер борлиқни «тил» деб атайди. Лекин, бу шартли маънодаги символик белги эмас, балки назариядир. Хайдеггернинг фикрича, «Ҳаёт трансцендентал редукцияланган субъективлик» дир<sup>85</sup>. Бу эса объектни тушунишнинг манбасидир. Хайдеггернинг асосий фалсафий иши 1927 йилда ёритилган «Борлиқ ва замон» монографиясида унинг тил услуги ва тушуниш акти методи интерпретацияда қулайликлар яратди.<sup>86</sup> Н.Бердяев Хайдеггер тилини «жуда сабр тоқатли» деган эди. Хайдеггернинг вазми, худди Гегелникидек мунозарасиз, ўз адабий тил услуги бор эди. Гадамер ҳам Хайдеггернинг фалсафий системасини мақтаган. Чунки, Хайдеггер борлиқ билан биргаликда ноборлиқ масаласини ҳам ечишга ҳаракат қилган. Метафизика эса унинг фикрича, бу масаланинг тўла ечимини топа олмаган. Хайдеггер борлиқ, ҳақиқат ва тарихни замонга боғлиқлигини исботлаб берди. Шунингдек, борлиқ ва ноборлиқ бир-бири билан «диалектик» боғлиқдир ҳамда борлиқни, тушунишни, ҳақиқатни бундай талқин қилиш албатта замонга боғлиқлигини таъкидлайди, унинг бу тушунчасига келиш наллеси ўзининг изтиробли ҳаёти даврига тўғри келади. Нафсиламбрини айтганда, Хайдеггер ва унинг ижодини ўрганаётган бутун дунёдаги тадқиқотчилар уни экзистенциалист сифатида тадқиқ қиладилар, баъзилари ўз тадқиқот объектидан келиб чиқиб ёндашадилар. Биз ҳам бу фикрга қўшиламыз. Хайдеггер ўзи эса шундай ёзади: «Биз дунёга кириб келдик, оламини кўрдик, деймиз, бироқ биз фақат ўзимизнинг шахсий ҳаётимизни, фақатгина ўзимизнинг дунёмизни кўрамыз холос».<sup>87</sup> Чунки бундай дуйёқараш ҳақиқатаи соф экзистенциализм-

<sup>85</sup> Рикёр П. Герменевтика тўғрисида очерк 1995.М., 129с).

<sup>86</sup> Хайдеггер М. Время картины мира // Хайдеггер М. Время и бытие. М., 1993. С. 42.

<sup>87</sup> Хайдеггер М. Время картины мира // Хайдеггер М. Время и бытие. М., 1993. С. 42.

ги тиллуқлидир. Хайдеггерни «мавжудлик файласуфи» дейишади. Бир томондан Хайдеггер натураллаштириш ва тарихий онгни йўқотиш танқидчиси бўлиб кўринади ва у ижтимоий жамиятнинг экзистенциалистик танқидига риоя этади. Хайдеггер шеъриятга, сўзга ниҳоятда юксак баҳо берган. У таъкидлайдики, шеъриятда бизнинг нима ҳақида гапираётганимиз унчалик муҳим эмас. Унда мавжуд борлиқни, жавҳарни, ҳақиқий моҳиятни очиб бериш усули сифатидаги муайян кайфиятнинг етказилиши муҳим ҳисобланади. Герменевтика – бу инсоний билишнинг базисли схемасидир. Биз маълум билан номаълум, қисм билан бутун оралиғида шунчалик беқарор фикрлаймизки, ўзимизнинг изланишимизда мунозара объектини янги-янги жиҳатларини назарда тута бошлаймиз. Гарчи ҳамиша хатоларга дуч келадиган жонзотлар бўлиб, қолсақ-да уларни яхшироқ ва аниқроқ кўргандек бўламиз, дейди Хайдеггер<sup>88</sup>. Хайдеггернинг герменевтикага катта хизмати «матн»ни (наrsa ва ҳодисани) феиомеиологик нуқтаи назардан таҳлил қилгани бўлди. Хайдеггер 1914-16 йиллар психологизмидаги фикрлаш таълимоти билан «Дунс Скотнинг категориялар ва мазмун ҳақидаги таълимоти» мавзуида илмий тадқиқотлар олиб борган. 1936-1950 йилларда у метафизика генезисини ўрганиш, таҳлил, талқин этиш ва танқид қилиш билан шуғулланади. Хайдеггернинг фикрича («Борлиқ ва замон» асарида ҳақли равишда эътироф қилганидек) экзистенциалистик онтологиянинг биринчи асоси – инсон борлиғидир. Борлиқнинг, инсои шаклининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у нафақат борлиқнинг бошқа кўрinishларини, балки ўзини-ўзи билишга ҳам қодир. Шунингдек, инсон борлиқнинг бошқа шакллари билан турли муносабатлар ўрнатиш хусусиятига эга. Шунинг учун ҳам бундай борлиқ, яъни инсои экзистенцияси – онтологиянинг фундаменти бўлмоғи даркор. Хайдеггернинг таъкидлашича, инсон ўз борлигидан турли зиддиятли томонларни бирданига илғаб ололмайди. Чунки, инсои бири иккинчисидан ўрганади, бири иккинчисига ўргатади. Ана шундай ўзаро мулоқотлар ҳар бир киши қисман бўлса-да ўз «мен»ини билиб олади ва уни ривожлантириш, мукамаллаштириш, имкониятига эга бўлади. Инсои ўзгалар билан мулоқотда бўлиш жараёнида, – дейди Хайдеггер – нафақат уму-

---

<sup>88</sup> Гадамер Х.Г. Ҳақиқат ва метод. 1985 М., 39 с.

мийлик томон яқинлашади, балки ўз шахси, ўз борлигининг индивидуал такрорланмас хусусиятларини аниқлаб ҳамда мустаҳкамлаб боради. Хайдеггер фалсафаси инсоннинг кундалик ҳаёти, турмуш тарзи ўта мураккаб жараён эканлигига эътиборни қаратди ва турли миллат, турли элатга мансуб одамлар фаолиятидаги умумийликини аниқлашга ҳаракат қилади. Унинг фикрига кўра ушбу мураккаб жараённи ўрганиш «ўртачалик» ёки «шахс доирасида» дегани эмас. Кишиларни моддий ва маънавий дегандай умумий бойликларига нафақат ахлоқий стандартлар, стереотиплар, қолиплар, балки «ўртамиёналик»дан юқори турувчи ҳолатлар – оригиналлик (ўзига хослик), ижодийлик, ноёблик ҳам қиради. Одамларни кундалик амалий фаолиятини «ўртамиёналик» мезонларига асосан таҳлил қилиш ёки ушбуни ўрта ҳол деб ҳисоблаш – инсоннинг ўзаро муносабатларини соддалаштиришдан бошқа нарса эмас, – дейди Хайдеггер. Унинг онтологик қарашларида Ницшенинг таъсири бор. Хайдеггернинг шогирди Хаис Георг Гадамер (1900-2001) устозининг экзистенциялизи ва Дильтейнинг феноменологиясидан руҳ олиб феноменологик герменевтикани ишлаб чиқди. «Матн»ни тушуниш бизнинг ишончимизни енгиб ўтишни тақозо қилади», – дейди Гадамер «Ҳақиқат ва метод» (1960) асарида. Бу оддий сўзлар ёки риторик иборалар билан ҳал қилинмайди. Ҳақиқатни излаш хиссий туйғуларимизни чеклаб, матнни англашга қаратилган бўлиш керак.

Хайдеггер қарашларини герменевтик тизимда “моҳият” ва “мавжудлик” тушунчалари билан биламиз. Хайдеггер учун “моҳият” бу эмпирик (тажрибавий) оламдаги нарса ва ҳодисаларни манзарасидир. Қачонки унга инсон мулоқотга киришар экан, объект предметга айланади. Хайдеггернинг “моҳият”га нисбатан нуқтаи назари шундаки, у учун дунёвий тафаккурни моҳият деб қабул қилмайди, буида нутқ ва бошқа нарсалар ҳам аҳамият касб этмайди. Буида моҳият ҳеч нарса касб этмаслиги ҳам уни қизиқтирмайди. Унинг фикрича моҳият вақтга тааллуқли бўлмаган ҳаракатсиз (аниқ ҳисоб-китобли тажрибавий олам) бўлиб инсоният тафаккур оламида келажакда ҳам қўзғалмас, ўзгармас хусусиятда, чинлигича қолади. Унингча, олам замонга тааллуқли бўлмаган мавжудлик (моҳият) ва у инсоннинг ҳаёти ҳамда ўткинчилиги билан ҳисоблашмайди. Унинг фикрича, дунё инсон орқали уни англаш орқали ўз моҳиятини тузади, шуингдек ҳеч қандай му-

поқотти киришмиш қимми нарсага гувоҳ бўлади, моҳият олами ҳеч қачон олам ҳақиқатини тан олмайди. Ҳар ҳолда моҳият олами яъни инсоний олам инсон ҳаёти дуёси билан ҳеч қандай мулоқотга киришмайди. Шу тариқа инсоннинг бундай мулоқотга кириши ўз ҳосилини бермайдиган, андозали шаклдадир. Хайдеггернинг шу тизимдаги фикрлаши инсонни бора-бора ўз-ўзини англашга олиб боради. Лекин бизнингча, уни шу тариқа фикрлаши экзистенциализм намоёндалари Иицше ва Камю қарашлари каби боши берк кўчага етаклайди. Бизнингча, унинг одам ва олам бир-биридан ажралган, узоқлашиб кетган, бир-бирига моҳиятан тўғри келмайди, бир-бирдан ўзга жинс, шунинг учун ҳам уларнинг вақтга бўлган муносабатн турличадир, деган фикрига қўшилиб бўлмайди. Аксинча, одам ва олам бир-бирдан ажралмаган, улар бир бутунликни ташкил қилади. Бўлмаса уларни ўзаро мулоқотида, фаолият кўрсатишида ҳеч қандай мантиқ бўлмасди. Бу маинтқни аслида тақлид, олам андозаларига мослашиш ва шукроналикдан қидириш керак. Буларнинг шарти эса ўз-ўзидан иймон масаласига бориб тақалади. Иймон мезони билан уйғунлашмаган экзистенциализм алал-оқибат абсурдга йўлиқади. Чунки, оламнинг “нотўқислиги” ёки номукаммаллиги, номутаносиблиги бу кўринаётган нарсанинг нуқсони эмас, балки кўзимизнинг нуқсонидир. Кўз хоҳлаганини кўради. Шу маънода инсоннинг ўзи ўз нуқтаи назарига, қарашларига бўйсунди, тасаввур олади. Бу стереотипларни енгиб ўтиш, ёриб чиқиш унга янги илм эшикларини очади.

Хайдеггер бадий ижод герменевтикасига алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Хусусан, улар санъат ва аудитория, актёр маҳорати, томошабин, кузатувчи, санъат асари ва унинг инсонлар томонидан қабул қилиниши муаммоларини тадқиқ қилган. Бадий жараён инсондаги ҳиссиёт ва мушоҳадани бирлаштирувчи, бир маънони субъектив кечинма ва тушуниш орқали яхлит намоён қилувчи экзистенциал – феноменологик ҳолатдир. Бадий жараён ҳиссий англашнинг ўзига хос индивидуал тарзда намоён бўладиган интеллектуал – эмоционал акти ҳисобланади. Герменевтиканинг алоҳида илмий йўналиш сифатида шаклланиши бевосита Х.Г.Гадамернинг “Ҳақиқат ва услуб” номли катта асарини яратилиши билан боғлиқ. Х.Г.Гадамер ушбу китобини Э.Гуссерл ва М.Хайдеггердан таъсирланиб ёзганини ўз асарида бир неча бор

таъкидлайди. Х.Г.Гадемернинг фалсафий герменевтикасини тилни тушунишниги хайдеггерча коицепциясининг давоми деб атаса бўлади. Жумладан, у герменевтиканинг асосий муаммоси бўлган тушуниш жараёни ҳақида шундай дейди: "... Тушуниш, аввало, ишни ўзини тушунишдир ва ундан кейингина, шу ҳақдаги бошқа фикрларни тушуниш ва эътиборга олиш керак. Бунда герменевтиканинг биринчи шартги бўлиб, бизнинг шу ишга муносабатимизни юзага келтирадиган олдиндан тушуниш юзага чиқади"<sup>89</sup>. Х.Г.Гадемер герменевтик муаммони универсал хайдеггер руҳида ифодалайди, яъни "... тушуниш – инсоний муносабатдан ажралмас ва борлиқнинг умумий структурасидаги муайян элсмент ("экзистенция")дир. Тушунтиришнинг моҳияти худди ўзини тушунтиришдек борлиқнинг моҳиятини белгилайди. Шу маънода борлиғимиз ўз герменевтик хусусиятига эга, герменевтика эса, билувчи, ҳаракат қилувчи ва баҳоланувчи инсоннинг мавжуд бўлиш усули"<sup>90</sup>. Бу фикр М.Хайдеггернинг экзистенциал коицепциясига таянади. Хайдеггер ўзининг «Борлиқ ва замон» асарида Гуссерльнинг трансцендентал феноменологиясини эркинлаштиради («Акиоп» – «Фаолият» немис журнали). Унинг инсон борлиғи билан шартланганлигини кўрсатиб берди. Борлиқнинг маъносини (инсон борлиғини, жавҳарини) ўрганишда асосий эътибор унинг онтологиясини билишга қаратилган бўлиши керак, дейди (ўша журнал 27 б). Гуссерль объектни ўрганишда шогирдлари: М.Шелер, Н.Гартман, М.Хайдеггер ва бошқаларга шундай тавсияда бўлган. Шунинг учун бўлса керак, санаб ўтилган шогирдларида "гуссерлча" ёндашишни кузатиши мумкин. Айниқса, Хайдеггер ўзига танқидий ёндашганда Гуссерлга ҳам шундай қарайди. Феноменологик мактабининг асосчиси Гуссерль ғояларини поляк файласуфи Роман Ингарден, Элизабет Штрекер, М.Хайдеггер йўналишида ёки аксинча Н.Гартман, М.Шеллер ҳамда француз экзистенциалисти Жан Поль Сартр ривожлантирган. Умуман олганда, «мазмун» категорияси ниҳоятда мураккаб, қўп қиррали, кенг камровли тушунчадир. Энг аввало, кундалик мулоқот тилида мазмун маълум нарсани ифодаловчи маънонинг

---

<sup>89</sup> Гадемер Г.Х. Истина и метод: Основы философской герменевтики. – М.: Прогресс, 1988, -б.349

<sup>90</sup> Ўша асар, -б.276

синоними эквилибриин таъкидлаш зарур. Бу тушунча ифодаси мазмуниши тилшунослик, мантиқ ва семиотика фанлари ўрганади.

Кспг маънода мазмун: а) идеал мазмун, гоё, мухит; б) маълум жараённинг сўнгги мақсади (хаёт мазмуни, тарих мазмуни ва ҳ.к.); в) маълум ифоданинг яхлит мазмуни; г) маълум нарсага йўналиш; у ёки бу нарсанинг мезони, асоси; д) мулоҳаза ва фикрлар мажмуаси каби маъноларни англатади. Шу маънода М.Хайдеггер «Оламга хос жараённинг йўналиши ўз-ўзидан ҳаракатини тушуиш, унинг мазмунини кўриш демакдир. Мазмунини кўриш англашдир. Англаш эса билишдан кенгроқдир»<sup>91</sup> деб ёзган эди.

Бошқача айтганда, биринчидан, мазмун деганда ҳар қандай ҳаракат, ҳулқ-атвор нимага йўналганлиги назарда тутилади. Иккинчидан, ҳар қандай мазмун ўз йўналишига эга бўлиб, унинг ўзи маълум фаолиятнинг якунидир. Учинчидан, Хайдеггер фикрича, идеал ва нормалар, тамойил ва қоидалар, мақсад ва қадриятлар мавжуд нарсаларда намоён бўлади ҳамда уларнинг яхлит мақсади ёки мазмунини ифодалайди. Демак, ижтимоий-гуманитар билимда асосий нарса унинг макон ва замон параметрларида эмас, балки мазмунини етакловчи инсон фаолиятининг тимсоли сифатида намоён бўлишидадир. Бу эса, гуманитар билим соҳасида онг нарсанинг табиий мавжудлиги нуқтаи назаридан эмас, балки унинг мазмуни, йўналишига нисбатан шаклланади, деганидир. Ушбу нуқтаи назардан қараганда, олам инсонга табиий нарсалар сифатидагина эмас, балки қадриятли мазмун тарзидаги маънавийликни тушуниш, уни англашнинг асоси сифатида кўринади.

Шунга кўра, баъзи муаллифлар гуманитар билим предметини (инсон олами) унинг объектдан фарқлайдилар. Бу, айни пайтда, объектни мазмунга эга реаллик сифатида ифодалаш имконини беради. Гуманитар билим объекти нарсанинг эмпирик, далилий асосларинигина ташкил қилиб қолмайди, балки, инсоний мазмунга эга қадриятлар шаклланиши ва ривожланиши жараёнидаги асосларни ифодалайди.

### *Назорат учун саволлар*

1. “Экзистенциализм” тушунчасини изоҳланг.
2. “Мавжудлик” нима дегани?

---

<sup>91</sup> Хайдеггер М. Время и бытие. М. 1993 с. 251.

3. Хайдеггер таълимоти диний экзистенциализмми ёки дунёвий экзистенциализмми?

#### *Адабиётлар*

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008 йил, 115-бет.

2. Романова И.К. Хайдеггер и восточная философия: поиски взаимодополнительности культур/ 1. Метафизика Сарвепалли Радхакришиана и экзистенциализм Хайдеггера. / отв.ред. Корнеев М.Я., Торчинов Е.А. 2-е изд. СПб.: Санкт-Петербургское философское общество. 2001. С.195-220.

3. Рикёр П. Конфликт интерпретация. 1995 М., 130с.

4. Heidegger M. Unterwegs zur Sprache. Pfulligen, 1959  
Heidegger M. Being and Time. // Heidegger M. Time and Being. Moscow, 1993 (Рус.) Хайдеггер М. Язык, СПб., 1991. Хайдеггер М. Разговор на проселочной дороге. М., 1991. Хайдеггер М. Время и бытие. М., 1993. Хайдеггер М. Время картины мира // Хайдеггер М. Время и бытие. М., 1993.

5. Рикёр П. Герменевтика тўғрисида очерк 1995.М., 129с).

6. Гадамер Г.Х. Истина и метод: Основы философской герменевтики. -М.: Прогресс, 1988, -б.349

7. Маънавият: Асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Т.: Гафур Фулом помидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009 йил –Б 800;

8. Тимоти Уинтер (Абдул Ҳаким Мурод) “XXI асрда Ислом: Постмодерн дунёда қиблаи топиш” Фахриддин Йизомов таржимасн. –Т.: 2004. 63 б.

14. Умаров Б.З. Глобаллашув зиддиятлари. – Т.: Маънавият, 2008 йил.



## 9-мавзу. Жаҳон тафаккур оламида тақиқланган адабий оқим ва асарлар

*Тақиқланган адабиётлар, садизм, замонавий ахборот технологиялари ёрдамида турли ҳуружлар, Интернет воситасида ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясини ўзгартириш, аниқроғи, маданиятлар аралашуви билан “оммавий маданият”ни сингдириш, миллий қадриятларга нотисандлик руҳиятини пайдо қилиш амалиёти мавжудлиги ва унга қарши чора тадбирлар ишлаб чиқиш зарурлиги ўрганилади.*

**Калит сўзлар:** *Тақиқланган адабиёт, садизм, мазохизм, некрофил, педофил, кишилар онгини программалаштириш, снам, ахборот бомбардимони, грифинг, онлайн, чат, Киберпатруль, Кидсконтрол, грифёр, порносайт, виртуал таҳдид, бузғунчи ўйинлар, бузғунчи гоялар, вирус, киберфаришталар, диний экстремистик адабиётлар, сеҳр-жоду, Қора китоб, Канзили Ҳусайн.*

Жаҳон тафаккур майдонида тақиқланган адабиётлар салмоқли қисми ташкил этади. Масалан, шулардаи бири садизмдир. Э.Фромм садизмни сексуал ва носексуал кўринишларга ажратиб таҳлил қилади. Садизм негизида бошқаларга, кўпинча жнсмонан заиф кишиларга Таниқли адабиётшуносларимиздан бири ёшларга қилган маърузасининг бирида иохолис ижодкорлар ҳақида гаиририб, француз адиби Маркиз де Сад ўзининг фисқу фужурга тўла китобиинг сўз бошдан иқтибос олиб мисол келтиради: “Биз олис Шарқдаги мамлакатларни босиб олиш учун энди француз аскариниинг ўқ еган оёғидаги этиги чириб битиши шарт эмас, шунчаки жанг қилмай, уятсиз маҳсулотларимизни кўз-кўз (реклама) қилсак бўлди, эртага дунёнинг ўзи оёғимиз тагига юкиниб келади”. Қанчалик шармандали гап бўлмасин шундай гуллаб-яшнаган маданиятларнинг кўп ҳолларда “усти ялтироқ” бўлиб чиқмоқда.

“Садизм”, “садист” ибораларининг “соҳиби” Маркиз де Саднинг ҳақиқий исми Донасьеи-Альфонс-Франсуа бўлиб, у 1740 йилнинг 2 июнида Париж шаҳрида таваллуд топган. Унинг ажодлари граф уивоннга эга бўлгани учун кирол саройига яқин

мулозимлар қаторида турган. Инжиқ табиатли Де Сад болалигида мавқеи бўйича юқори бўлган шахзода Луи-Жозеф де Бурбон билан бирга саройда тарбияланган. У ўн тўрт ёшида ҳарбий кавалерия ўқув юртига ўқишга кириб, ўша вақтларда Европада кечаётган етти йиллик урушда иштирок этади. Бу ҳол ёш маркизнинг хасталанган руҳиятидаги тажовузкорликни янада кучайтиради. Урушдан қайтган ва жуда эрта истеъфога чиққан (бу вақтда де Сад йигирма уч ёш бўлган) бўлгуси ёзувчи жамиятдаги ахлоқий меъёр ва қоидаларини инкор этиб, жинсий бузуқликларни ошқора имомийиш қилади, асосий вақтини фоҳишахоналарда ўтказди. Оқибатда у хибсга олинади. Аммо у қамоқхонада ҳам тинчимайди; хибсхона бошлиғига ўз ҳиссиётлари битилган мактублар ёза бошлайди. Ҳар бир ёзилган мактубнинг сўнггида, уларни махфий тутиб, ҳеч кимга ошкор қилмасликини сўрайди. Аммо бу хатларнинг ошкор этилиши жамият учун хатарли жинойатчини, вайронкор ғоя ижодкорини шакллантириши мумкинлигини қамоқхона бошлиғининг хаёлига ҳам келмайди. Хуллас, барча мактублар тафсилоти жамият аъзоларига «ҳадя» этилади. Аламзада маркиз эса бундай «хиёнат» учун жамият аъзоларидан ўч олишга киришади. Энди у жазо объекти сифатида яна исловотхоналар ва унинг қўлдан-қўлга ўтадиган аёлларини танлайди. Сад ғазабини «жиловлаб» олмагани стмаганидек, ахлоқий бузуқчиликни тарғиб этишии режалаштиради ва бир қанча уятсиз асарлар ёзади. Кейинчалик бу асарлар маълум даражада фаи оламида янги “назариялар”нинг шаклланишига туртки беради. Жумладан, ундан “илҳомланган” З.Фрейднинг психоанализми ва неофрейдизм, Э.Фромм, К.Г.Юнг ва бошқаларнинг таълимоти бунинг ёрқин мисолидир. Саднинг асарлариини ўқиб, жиддий таҳлил этган Э.Фромм садизмга қуйидагича баҳо беради: “Садист – бу кишиларга жисмоний ёки руҳий азоб бериш, ҳатто жинсий майлларни зўравонлик билан қондириш орқали роҳатланувчи шахсдир. Садист фикрича, киши бошқаларини шу йўл билан бошқариш орқали ўз майлларини қондиради ва бу унинг учун эркинлик элементи ҳисобланади”. Психоанализмда садизм майлларнинг ўта фаоллиги сифатида эътироф этилади. Бизнингча эса, бу ҳайвонлардан бадтарлик, ёвузлик, ярамасликдир.

Ушбу шармандали иборалар янграган мамлакатлардаги маданият қанчалик гуллаб – яшнамасин қўп ҳолларда “усти ялтироқ”

бўлиб чиқмоқда. PEW тадқиқоти натижаларига кўра, 2005 йилда америкаликларнинг тўртдан бири инсон ўз мақсадига зўравонлик орқалигина эришиши мумкин деб ҳисоблайди. Шунингдек, PEW ҳисоботиغا кўра, 2004 йилда 43% америкаликлар гумондорни сўроқ пайтида қийноққа солиш амалиётини маъқуллаган. Шундай шаклда шафқатсиз муносабатни ёқлаш садизм шарпаларига мойилликдир. Навбатдаги бадбахтлик ғояси австриялик ёзувчи асли исми Р. фой Крафт-Эбигем бўлган Захер-Мазох “асос солган” – Мазохизмдир. Мазохизм ҳам садизмга “ўринбосар”дир. Эшитганда одам нафратланадиган бундай ғояларни шарҳлашга ҳам ҳожат йўқ.

Юқорида зарарли таълимотлар манбаси таъкидланди. Лекин уларнинг юздаи бири ҳам санаб ўтилмади. Ҳозирда Ғарб ўзи яратиб қўйган “таълимотлар” жабрини тортиб ётибди. Хусусан, имои-эътиқодсизлик оқибатида вақтида дунёда маълум маъиода ҳукмронлик ўрнатмоқчи бўлган миллатлар, давлатлар жар ёқасига келиб қолган. Сабаби, демографик кўрсаткич тушиб, аҳоли иммигрантлар ҳисобига тўлиб турган ушбу давлатларда туғилишга қараганда ўлим коэффиценти кескин ошиб кетган.

Озор етказишда уларни қийнаш орқали ҳузур олиш ётади. З.Фрейд уни либидо билан боғланган. Г.Маркузе эса садизмни шахснинг ўз ҳуқуқидан фойдаланишидир деб қарайди. Маркиз де Сад асарларининг қайта ва қайта нашр этилаётгани, сексга бағишлаган кинолар ва асарларнинг кўпайиб бораётгани, баъзи давлатларда фоҳишахоналар очишга расмий рухсат борлиги, ҳар йили бадавлат Ғарб мамлакатларига Осиёдан 4 миллионга яқин аёллар «уй хизматчиси» ниқоби остида бораётгани сексуал садизмнинг оммавий ҳодиса бўлиб қолаётганидан далолат беради. Шунинг учун баъзи кишилар, сексуал садизм фойдали, у одамнинг жинсий, руҳий саломатлиги учун зарур, деган фикри билдиради. Файласуф бу фикрларга қарши, у тақдирда ўз сексуал эҳтиёжларини тўла қондириш имконига эга бўлган фашистлар концлагерлардаги аёлларга ваҳшійона муносабатда бўлмасдилар, деб эътироз билдиради. Демак, сексуал садизм ён-атрофдаги бадфикрларнинг, шахс эрки, ҳуқуқи ва шаънини таҳқирловчи муҳтнинг таъсиридир.

Э.Фромм носексуал садизмга Сталинни мисол қилиб келтиради. Сталин нафақат жисмоний садизм, шу билан бирга маъна-

вий садизмдан кенг фойдалаланган. Масалаи, у гоҳо «халқ душманлари»ни аввал яқинлари, ҳамкасблари олдида мақтаган, кейин эса ҳибсга олдириган, гоҳо уларни қамокдан озод этиб, лавозимлар бериб, кейинроқ эса оттириб ташлаган. Бу билан Сталин «истасам жазолайман, истасам авф этаман» дсмоқчи бўлган. Шунинг учун носексуализм садизмнинг моҳияти тирик мавжудот устидаи чексиз ҳокимлик ўриатишдадир.

Садист ҳаётнинг ранг-баранглигидан, ундаги янги-янги муаммолардан ва ўзида уларни ҳал этишга қодир хусусиятлар йўқлигининг ошкор бўлишидан кўрқади. У муқимликни, бир қолинига тушган ва бошқариш осон бўлган ҳаётни ёқтиради.

Садист ўз фикрини ягона тўғри деб билади, бадниятларини амалга ошириш учун атрофига ҳаммаслақлар йиғади. Агар садист ҳукмдор бўлса, у истаганича ёрдамчи топиши мумкин, чунки тождорга қулдек хизмат қилувчилар ҳар доим етарли бўлган. Бундай шахслар учун муқаддас нарса йўқ: «ҳамма, шу жумладан ҳукмдор ҳам, вақти етиб ўлади. Умр кишига бир марта берилади, шуинг учун ҳаётдаги барча имкоиятлардан фойдаланиб қолиш, барча лаззатларни тотиб яшаш керак. бундай имкоиятни ҳар нарсага қодир ҳукмдор ёки юқори мансаб беради, холос». Улар ҳукмдорни, мансабни ердаги худо деб билади. Сталин, одамларга мудом худочалар керак, деганида ўз атрофидаги садистларнинг юқоридаги тасаввурларини ифода этган.

Садист – ҳукмдор ҳаммаслақларидаги бойликка, мансабга, фақшга ўчликни атайин қўллаб-қувватлайди. Ушбу истакларининг қондирилишини сезган шахслар янада садоқат билан хизмат қилишини, ҳар қандай кўрсатмаларини бажаришини у яхши билади. У сўзи, даъватлари ва танланти оммага тез таъсир қиладиган шоирларни, машойихларни, илм аҳлини маддоҳларга айлантиради, уларнинг талантидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланади. Шу тариқа агрессивликнинг садо-мазохизм кўриниши иайдо бўлади. Автократизм ана шу садо-мазохизмга таянади.

Мазохизм ўзидан кучли ёки юқори мансабдаги шахс майлларига кўр-кўрона итоат этиш, унинг кўрсатмаларини сўзсиз бажаришни ифодаловчи ҳодисадир. Э.Фромм мазохизмга ёркин мисол қилиб Гиммлерни келтиради.

Гиммлер фюрер буйруғини букаму кўст бажаришга, давлат бошқаришида қоғозбозлик ва расмиятчиликнинг қарор топишига

жон-жаҳди билан интиланган. Унинг учун расмий қарорлар ҳаётга эмас, балки ҳаёт расмий қарорларга мувофиқ ташкил қилиниши зарур. Маънавий руҳий заиф, мансабпараст, обрў, бойлик орттиришга ружу қўйган Гиммлерга инсоний туйғулар ёт эди. Гитлернинг мағлубиятга учраётганини кўрган Гиммлер иккиланмай унга сотқинлик қилади. Гиммлер ўсган муҳитни таҳлил қилиб Э.Фромм хулоса қилади: «Гиммлер очиклик ҳам, эзгулик ҳам, ўзаро яқинлик ҳам бўлмаган, аммо ўта итоаткорлик ва расмиятчилик, сохта ватаниарварлик ва мансабпарастлик ҳукмрон, тор, диққинафас оила муҳитида шаклланган». Аллома огоҳлантиради: «Орамизда минглаб гиммлерлар яшайди. Одатий ҳаётда улар кўп зарар келтирмайдилар. Аммо бузғунчилик ва нафрат жамиятда қарор топаётганида улар катта хавф уйғотадилар. Чунки улар ҳукмдорларнинг даҳшатли, ёвуз ва қонли қуролига айланишига тайёр бўладилар».

Бадсифат агрессиянинг энг ёвуз кўриниши некрофилиядир. «Некрофилия» ўликни севиш деган маънони англатади. Э.Фроммнинг фикрига кўра, сексуал некрофил ва ўликни майдалашга интилувчи некрофиллар мавжуд. Сексуал некрофил ўликхоналарда хизмат қилувчилар ичида учрайди. Улар аёл-мурдалар қатнашадиган тушлар кўрадилар, скелетлар, арвоҳлар жанги тасвирланган фильмларни севиб томоша қиладилар.

Мурдашўйлик, ўлик аёллар билан сексуал алоқалар қилиш уларга хузур бағишлайди. Баъзан мурдани майдалаб унинг жинсий органларини ейдиган некрофиллар ҳам учрайди.

Некрофил қоп-қора рангни ёктиради, нажотни, идсяни ўтмишдан излайди. У жон-жаҳди билан мансабни кўлдан бермасликка, унга даъвогар бўлганни жисмонан йўқ қилишга интилади. У очилиб кулмайди, унинг кулиши беўхшов, кишини ўзинга тортмайди. Қарашлари ўта совук, жаҳли чикқанида кўзлари ваҳимали ялтиллайди. Унинг мақтовларида расмиятчилик, сохта меҳрибонлик бор. Инсон характерини таҳлил қилишдан узоқ кишиларга некрофил эл-юрт, миллат халоскори, ватанларвар, халқ манфаатлари учун ўзини фидо қилишга тайёр раҳнома, туну кун фуқаролар осойишталигии ўйлайдиган адолатпеша арбоб бўлиб кўринади.

Э.Фромм М.Маккоби билан биргаликда ўтказган исихоанализ натижаларига асосланиб, некрофил ҳарбий қудратда ён-атрофдаги давлатлардаи устун бўлишга, мамлакат ичида жосусликни ку-

чайтириш ва қаттиқ тартиб ўрнатишга, бошқа давлатларни ҳар хил гуноҳларда айблашга ҳаракат қилади, деб кўрсатади.

Некрофил техникани яхши кўради, кишиларнинг ташвишлари, турмуши эмас, балки барпо этилган корхоналар, биноларни таракқиёт белгиси деб билади. У инсоннинг руҳий оламидаги ранг-баранг туйғуларни билмайди, улар билан қизиқмайди ҳам. Унга чин сsvgи ёт. Некрофилининг ёрқин намунаси Гитлердир. Гитлерда ёшлигидаёқ маъсулиятсизлик укувсизлик, енгил ютуқлар билан обрў қозониш, мансабпарастлик, нарцизм шакллланган эди. У балоғат ёшига кирганида ҳам «уруш-уруш» ўйнашни ташламаган. Унда қариндошлик жинсий алоқасига интилиш кучли бўлган.

Гитлер биринчи жаҳон урушини хушнуд кутиб олади, чунки уруш дайди ҳаётига чек қўйиб, унга ўз нарцизмни намоён қилиш имконини берарди. Тез орада у солдатлар орасида ном чиқаради, аммо мағлубият ва революция унинг режаларини бузиб юборади. Мағлубият Гитлерда Германияни шармисорликдан қутқариш, революция эса уни таг-туғи билан йўқ қилиш зарур деган фикрни уйғотади. У давлат тепасига келганидагина ушбу некрофил характери тўла намоён этиш имконига эга бўлади. Шунинг учун у «Германияни қутқариш деганида ўзини қутқаришни, Германияни шармсорликдан халос қилиш деганида ўзини шармсорликдан халос қилишни назарда тутган. Шу ондан бошлаб у буюк рассом эмас, балки буюк демагог бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди». У революцияни таг-туғи билан йўқ қиламан деб нафақат яхудийларни, русларни, шу билан бирга ўз халқини ҳам киргин қилишга тушади. Уруш охирида унинг Берлиндаги завод-фабрикалар, иншоотлар ва бутун маиший таъминот тизимини йўқ қилишга буйруқ бергани бунинг далилидир.

Гитлер ўзини некрофиллиги яшириш учун аёллар ва болаларга раҳмдиллик, ҳурмат кўрсатишга интилган. Ёнидаги аёлларга совға-саломлар юбориб, уларни туғилган кунлари билан табриклар турган. Бирок бу ёнидагиларни ҳам, ўзини ҳам, алдаш эди. Аслида эса «Гитлер ўйинчи эди. У барча немислар ҳаёти билан ўйнашди, ўзининг ҳаёти билан ҳам ўйнашди». Ҳаёт ўзи билан ўйнашгани, алҳаққи, бир кунимас бир кун беаёв жазолайди. Гитлер ўз ёвузлиги ва бадниятлари боис бирор одам билан дўстлаша олмади. «Унинг ёнида умри бўйича дўстим деб атайдиган кишиси бўлмаган. Унинг ёнида ўзи ҳеч қачон севган ва ҳурмат қилмаган бир аёл ва ит бор эди, холос».

Э.Фромм Гитлернинг некрофилл характерини таҳлил қилиб гуманист сифатида бизни огоҳлантиради: «Бузуқ одамни осонгина пайқаш мумкин деб ўйлаш беҳад хавфли соддадилликдир. Истисно эмаски, атрофимизда юзлаб фюрерлар яшамокда, улар қулай тарихий он келганида ҳокимият тепасига чиқишлари мумкин. Тўғри, уларнинг барчаси ҳам Гитлер бўлавермайди, аммо қулай имкон туғилса, уларнинг тиришқоқ эсэсчилар бўлиши тайиндир».

Хулоса шуки, мутлақ биофил ҳам йўқ, мутлақ некрофил ҳам йўқ. Инсонда у ёки бу сифатларининг шаклланиши маҳдудот ва цивилизация таъсирига боғлиқдир. Бадсифат хислатлар ўрнига хушсурат ахлокии, бедил муҳит ва цивилизация ўрнига олижаноб мақсадли ҳаёт тарзини барпо этиш орқалигина зўравонлик, тажовуз-агрессивликни камайтириш, инсон таназзулини тўхтатиш мумкин.

Бугунги ахборот алмашинув “бекати”да турфа фикрлар тарқалаётган ва оламнинг глобаллашиши кечаётган даврда оддий буюмлар ҳам ахборот ташийди, омманинг фикрини ўзига жалб қилади, ёшпасига муайян таълимот сари бошлайди. Шундай экан, адабиёт исчоғли ижтимоий фикр ташишини тасаввур қилиб олаверинг. Фикрий эркинлик сабабли шу кеча-кундузда турли газета-ларда кундалик хабарлардан ташқари бадий асарлар ҳам нашр қилимоқда. Ана шу чоп этилаётган бадий асарларнинг ҳаммаси ҳам миллий ва умуминсоний мезонларга тўғри келадими?! Адабиётшуносларимиз, мунаққидларимиз “сарик матбуот-ку” ёки “кўча адабиёти” деб бундай асарларни таҳлил қилмаса, ўзлари учун буни майда иш санасалар оқибати иима бўлади?!

Катта ададда тарқалаётган ўша сиз билган бестселлер ва “кўча адабиёти” бугун кундалик нашрларнинг тўқсон фоизини ташкил қилади ва бу жуда таҳлил қилишга муҳтож. Бадий савияси юқори ёки хосларбоп аъъанавий адабиёт эса, биринчидан, таҳлилга муҳтож эмас. Иккинчидан адади озлиги учун ўқувчи қўлига етиб бормай ўша калондимоғ муаллифининг ўз даврасида ўқилади. холос. Учунчидан, бу адабиётни тарғибот қилиш учун ҳеч қандай куч сафарбар этилмайди.

Ваҳоланки, таҳлилга муҳтож “кўча адабиёти” адабиёт мезонларини бузмоқда. Уларнинг муаллифларини истеъдодсиз демокчи эмасман, аксинча, улар ўз маҳоратларини бозорбоп сарлавҳа

билан энг сўнгги дизайнда китоб чиқариш учун ҳаракат қилдилар. Масалан: “Алданган қиз” ёки “Беванинг муҳаббати” деб номланган китоб устига гўзал бир аёлнинг очик-сочик сувратини қўйсалар, “Сўқмоқдаги котиллик”, “Гувоҳга суиқасд” ёки “Қасоскорнинг қуроли” сарлавҳаси остида қон томиб турган пичоқ суврати, буларнинг бари чақчайган кўзлар фонида чои этилади. Биз нима учун бу асарлар адабиёт мезонини бузмоқда демокдамиз. Сабаби адабиётнинг, ҳаётининг ёзилмаган қонунига кўра, муайян асар қаҳрамони бир мўъжиза билан қўлидан ҳар нарса келадиган бой бўлиб қолмайди ёки бой бир айланиб афтодаҳол қашшоққа айланмайди. Сабабсиз оқибат бўлмайди. Улар иайдо қилган оқибатнинг сабабияти жуда жўн ва ақл бовар қилмайди. Ҳақиқий адабиёт иамуналарида худди ҳаётда кузатилганидек, ҳамма нарса умумий қоиуниятга бўйсунди. Арасту ижодкорлар адабиётда то дунё тугагунича етгита туйғуни (мисол учун: муҳаббат, иафрат, ҳиёнат, рашк, газаб, ҳасад, самимият) такрорлайверадилар дега-нидай, “кўча адабиёти” вакилларининг “янгиликлари”, аниқроғи такрорлари аслида ҳеч янгилик эмас. Нафақат улар ҳамма адабиёт вакиллари бир-бирларини такрорлайдилар, холос. “Кўча адабиёти”нинг фавқулодда “хукм”лари умумий қонуниятдан чиқиб кетиши омма дидини ўта пастлашига хизмат қилади. Рус хикоя устаси Чехов турфа касб-ҳунар кишиларининг характериин яратиш учун ўзи турли касбда ишлаган. Лев Толстой эса кичик ҳикоясини ёзиш учун тасвирланаётган жой, замон ва одамлар кайфиятини обдон ўргаиган. У ўзи тасвирлаётган асар қаҳрамонининг камзулидаги тугмачани эрмитажга бориб, у ердаги либос тугмаси билан солиштиради ва буюмларнинг ўхшашлигини кўргач, кейин хотиржам столига ўтиради. Асарида хатога йўл қўймаслик учун шаҳарма-шаҳар сарсон бўлган ёзувчилар қанчадан-қанча. Бир ҳафтада бестселлер ва детектив асар ёзаётган муаллиф эса бугун иши кўплигидан таҳрирга ҳам қайта ўтирмайди. Оддий сўз тузилишидаги орфографик, стилистик хатоларни-ку гапирмаймиз, адабиёт қонуниятлари, бадиият бузилишига қандай чидашимиз мумкин. Тегиб кетса ҳам таъкидлаймиз, адабиётшунослар эса мум тишлаган. Шу соҳанинг ноини егандан кейин нима бўляпти деб атрофига қараб қўйиш керак-да! Ҳозирча иомини айтмайман-у бир “ёзувчи”нинг бир газетада чои этилган асарида қаҳрамон олишув пайти рақибининг томоғини тишлаб узиб, кекирдагидан



отилаётган қони ичади. Бу қандай даҳшат! Буни тасвирлаш учун ҳам қандай юрак керак! Ҳа, бундай ёзадиганларнинг ўзи ҳам шу жинойтга қодирроқ, шу ишга мойилроқ бўлса керак. Оддий ёзувчи бундай ёзолмайди. Ленинград қамалида бўлган, Иккинчи жаҳон урушида қатнашган бир рус ёзувчисининг асари ҳатто шўро тузуми даврида чоп этилмаган. Аниқроғи чоп этилишига руҳсат берилмаган. Чунки, у қамалдаги маҳбусларни немислар хўрлаганини, очликка чидолмай бир-бирини ейиш учун олишишини, қамоқхонага тирик қўйиб юборилган отга асирлар бўрилардек ташлаишини тасвирлаган. Ваҳоланки, бу муаллифнинг асари ижтимоий юк ташийдиган, ўз кўзи билан кўрган уруш оқибатлари тасвири эди. Ғоят тўқима, сийқа ва сунъий равишда воқеалар ишлаб чиқилган юртдошимизнинг асари эса зарарлидан зарарли. Шундоқ ҳам техноген маданият сабабли бутун дунёда меҳр-оқибат оқсаган бир пайтда дийдани қотирадиган, юракни тошга айлантирадиган асарларнинг нима кераги бор?!

Иазаримизда бугун тақиқланган адабиётлар беш турга бўлинмокда:

- диний экстремистик йўналишдаги бузғунчи ва залолатдаги мазҳаблар, гуруҳлар адабиёти:

- сиёсий ёт ва миллий айримачилик, этник наргислик йўналишидаги адабиёт:

- маиший бузукликни, қиморни, порнографияни тарғиб этувчи адабиётлар:

- гайриилм яъни сеҳр, фол, ирим ва бидъатлар йўлидаги адабиётлар;

- даҳшат, ўлим тасвирларини ёритувчи адабиёт.

Кишилариимизни турли ахборот хуружи ва тақиқланган адабиётлар хавфидан сақлашнинг ягона ишончли йўли уларга юқори сифатли дизайн ва кўн ададда соф адабиёт намуналарини етказишимиздир.

Биринчи турга мансуб адабиётлар хавфлилиги жиҳатидан бошқаларидан фарқ қилади. Агар уни муайян диний билимга эга бўлмай ўқилса, мутолаа қилувчини ёшидан қатъий назар ўзига жалб қилиб олади. Масалан, “хизб уг- таҳрир ал-исломий” бузғунчи гуруҳининг “Ал-Вайъ” журнали, “Дастур”, “Демократия куфр низоми”, “Сиёсий онг”, “Иззат ва шараф сари”, “Халифалик”, “Халифалик тугатилиши”, “Ислом низоми”, “Сиёсий фикр-

лар”, “Хизб ут-тахрир” тушунчалари” ўзбек тилига ўгирилиб чои этилиб қора йўллар орқали тарқатилган.<sup>91</sup> Мазкур қўлланмалар жуда хавфли бўлиб диний саводи йўқ, эътиқоди заиф, мазҳабимиздан беҳабар ёр ёшларимизни ўзига тортиб олади. Ва улардан нақиб, мушриф, мусоид, мўътамад, масъул, баъзан амир тайёрлайди. Уларни бевосита боғлаб туриш учун табарруот каби аъзолик маросимларини ташкил қилганлар. Булар мақсад йўлида ҳар қандай қабиҳликдан қайтмайдилар. Аидижонда ғавво кўтарган Акромийлар тоифасини “Иймонга йўл” деган адабиёти бўлиб “жозибаси” билан ёшларини тез жалб қила олади. Чулки, унда биродарлик тушунчаси коммунизм ғоясини эслатади, масалан, тиркичилик учун топилган маблағ ўртада умумники бўлиб ҳисобланади. Бу амалиёт ўзини оқламаганини собиқ тузум тажрибасидан яхши биламиз. Ваҳҳобийлик йўналиши ҳам бугунги ривожланаётган дунёни очиқ кўз билан англолмайдиган, аниқроғи мослашолмайдиган тоифа бўлиб, гўёки дин кирлаиб қолгандай “динни тозалаш” байроғи остида жамиятни орқага тартади. Ваҳҳоланки, улар ўрганишни хоҳласалар эди янги замон, янги турмуш қаршисида довдирамасдан, янги минтақалардаги нарса ва ҳодисалар учун Китоб, суннат, қиёс, ижмо, (райъ, истехсон, масолихи муросала) методларини қўллаган (Асри саодатда Пайғамбар (с.а.в.), Хулафои рошидин даврида Ҳазрати Умар (р.а.), тобеъин, табатобеъин ва бошқа салафлар замонида Имом Аъзам-Абу Ҳанифа (фикҳий мазҳаб асосчиси), унинг шогирдлари, аҳли суннадаги яна уч мазҳаб, Имом Мотуридий (эътиқод мазҳаб асосчиси) қабилар йўлидан юрганларида эди залолатга юз бурмасдилар. Дарвоқе, агар аллома Аҳмад Қумушхонавийнинг Имом Мотуридий эътиқод мазҳаб ва унинг “Жомеъ ул-мутун” тўплами тўғри эътиқод ва залолатдаги мазҳаблар ҳақида қўп маълумотлар бор. Нафақат ёшлар, балки катталар ҳам ўзининг дунё ва охирати учун керакли, билишлари ҳам фарз, ҳам қарз бўлган илмларни ўрганишлари лозим. Ёшларимизни йўлдан адаштирадиган адабиётларни фарқиға бориб етайлик. Хатто Қуръони Каримни ҳам қўп уламолар илмсиз ўқишдан қайтарганлар. Чулки, уни илмсиз ёки бирор устоз назоратисиз мутолаа қилинса Китобдаги маъноларни

---

<sup>91</sup> Н. Комилов, А.Ёқубов, Ф. Ақобиров. Диний экстремизм хавфи ва унга қарши кураш. “Академия”, Т: 2007.

Ушчи тавил қилиб, ўзича ҳукм чиқариб, асл мазмундан бебахра бўлиб адашганлар йўлига кириб қолиши мумкин.

Қуръонда носих, мансух ва хуруфи муттақаот оятлар ҳамда (маълум замон учун махсус ҳукм сифатида тушган ва кейин ҳукми кўтарилган – мансух, маънолардан узилган, маънолари яширин-хуруфи муттақаот) сабаби нузул (тушиш сабаблари) сингари омилларга эътибор бермоқ лозим. Шунингдек, яна чин эътиқодли ва фитратан бузуқ тоифадаги кишилар матнга ёндашувдан ниятларини зохир қиладиган синов оятлари ҳам мавжуд. Нафақат, Қуръони Каримни, балки, ҳадисларни, умуман, диний адабиётларни барчасини илмли кишилар, устозлар билан ўқиш керак.

Энди сиёсий ёт ва миллий айримачилик тарғиботи билаи боғлиқ адабиётлар ҳақида тўхталсак, хусусан, мамлакатимизда бундай нашрлар йўқ. Тарихга назар солсак, машҳур адибимиз Абдулла Қодирий сатирик асарида “Қавоидул умаро” (Амирлар қондаси) китобини ҳажв қилади. Унда айтилишича, мазкур асар раҳбар шахслар (амирлар, бошлиқлар) маълум бир мартабага эришгач, ўзидан инаст лавозимдаги кишиларнинг саломига алик олиши шарт эмаслиги, қабулига иш билан келганларни соатлаб куттирмоқ ва бу билан бошқаларга ҳашаматини, қадрини кўрсатиб қўймоқ каби тескари ташвиқот услида бўлгани учун ўткир ҳажвга олинган. Ижодиёти кам ўрганилган комусий билим соҳиб-би, тарихнавис Садри Зиё ўз даври ва ўтмишдаги раҳбарларнинг, сиёсатчиларнинг саводсизлиги, аҳмоқликлари ҳақида “Яшасин аҳмоқлик” номли асарида ҳажв тиғига олади. Мазкур асарида сатирасига “илинган” кўп раҳбарлар ўзига замондош бўлгани учун уларнинг тазйиқига учрайди. Ҳатто Бухоро амири Олимхон томонидан ҳам кўн зулм кўради. Бу даврларда Гулханий, Махмур, Завқий, Садри Зиё сингари ижодкорлар асарлари мутолааси таққиланган. Энди эса уларни топиб ўқиб, тадқиқ қилиш керак. Ҳозирги пайтда дунё бўйича таққиланган адабиётлар салмоғи кўпайиб қолган.

Шулардан бири Ғарб Ренессанс даври ижодкори деб эътироф этиладиган сиёсий адабиёт вакили Никколо Макиавелли (Флоренстиялик котиб) (1469-1527) ўзининг “Давлатпаноҳ” (“Государь”) асари билан дунё афкор оммаси орасида жуда кўп баҳсларга сабаб бўлган. Бу асарни оқловчилар ҳам, қораловчилар ҳам бор. Чунки “Давлатпаноҳ” дидактик шаклда ёзилган бўлиб

ҳукумат тепасидаги бошлиқлар, тахт ворислари, умуман раҳбар соҳасидаги кишиларни ёвузликка, худпарастликка ундовчи деб тошилган. Сабаби, Макиавелли асар воқеаларига изоҳ бермаган, аксинча, ёмон назария илгари сурилган. Баъзи тадқиқотчилар фикрича, Макиавелли “ундовлари”ни киноя деб ҳам тушуниш мумкин экан.

Учинчи турдаги адабиёт намуналарини ҳам жамиятга келтирадиган зарари аввалгиларидан кам эмас. Илгари Жованни Бокаччининг “Декамерон”, Иноятulloҳ Канбуниинг “Вафоли ва бевафо аёллар қиссаси” каби асарлар маиший бузуқчиликка тарғиб қилган бўлса ҳозирда уларнинг “Ўрнини босадиган” газета-журналлар, интернет сайтлари чиқиб кетган. Албатта уларни буткул йўқотиш жуда мушкул. Ахлоқсизликни тарғиб қилувчи бу адабиётларни йўқотишдан кўра “кадрсизлантириш” (ёшларни тўғри тарбиялаш орқали ўша унсуруларга нафрат туйғуеини шакллантириш) самарали натижа беради.

Тўртинчи турдаги адабиётга мамлакатимизда қизиқиш унчалик кузатилмаса-да, лекин у ҳам жуда хавфли ҳисобланади. Бидъат, хурофот, азайимхонлик, фолбинлик, сеҳр-жоду, ирим-сирим, мунажжимлар башорати, оқ ва қора магия (иссиқ-совуқ амали) каби қусурларни ичига олган бу воситалар жамиятни тубанликка етакловчи офатдир. Булар жамиятга бало олиб келувчи амалдир. Ушбу турдаги “Канзили Ҳусайин”, “Қора китоб”, “Сеҳр китоби” сингари асарларни ўқиб ўзини ва ўзгаларни манфаати учун ундаги амалларни қўллаш нафақат инсоннинг бу дуйёси учун, балки охирати учун ҳам зарардир. Айниқса, газеталарда чиқётган “Мунажжимлар башорати” ёлгон устига қурилган бўлиб кўп сонли газетхонларни чалғитиш, ёлгон ахборот, уйдирмадан иборат. Бунинг оддий далили шуки газеталардаги “Мунажжимлар башорати” бир-бирига тўғри келмайди. Истаган одам текшириб кўриши мумкин.

Инсоният янги тамаддунга қадам қўйганини ҳар нафасда ҳис қилмоқдамиз. Бу нарса умумбашарий тамойилларга урғу берилган ҳолатда миллий маънавиятнинг эврилиши, қадриятларнинг ўзгариши ёки алмашиши ҳодисалари мавжуд замонавий тафаккур тарзида яққол намоён бўлмоқда. Бутун дунёда қадриятлар алмашиши, интеграциялашув, глобаллашув, агар таъбир жоиз бўлса, маданиятлар аралашуви, синтезлашуви жараёни кечаётган ҳозир-

ин интиди уни урф-одатларга, маънавий тамойилларга мойил бў-  
лиши табиий ҳол. шарқ файласуфлари қайси позициядан туриб ён-  
длашшишларига қарамай, ғарбнинг утопияси ёки вулгаризми син-  
гари ғоявий чалкаш абстракционизмга йўл қўймаслик учун тўғ-  
ридан-тўғри конкрет ижтимоий-ахлоқий масалаларга кўпроқ аҳа-  
мият берадилар.

Кўплаб тадқиқотчилар истилоҳларида кишилар онгини про-  
граммалаштириш, ахборот экспанцияси, маданий гегемонлик, ма-  
даний империализм каби иборалар қўлланмоқда. Унда янги ма-  
даний тамойилларга кўр-кўрона эргашиш, ҳукмрон маданий аҳ-  
лоққа бўйсунтириш каби ҳодисалар кечади. Ачинарлиси шундаки,  
демократик тамойиллар ва либерализм турткилари таъсирида  
виждои ва индивидуал хусусият билан боғлиқ бу ҳодисаларда ҳеч  
ким айбланмайди. Ушбу жараён нафақат катталарга, хатто бола-  
лар психологиясига ҳам таъсир қилади. Кичик дўстларимиз жаж-  
жи маънавий дунёсини эгаллаш борасида турли ахборот растала-  
ридан ташқари яна мафкуравий бозорларда ҳам “савдо” кетмоқда.  
Болалар онгу шуурини эгаллаш қуролларидан бири компьютерда-  
ги Интернет тармоғи ҳисобланиб, у бошқа воситаларга қараганда  
етақчилиқ қилмоқда.

Бугун компьютер технологиялари ҳаётимизда мустаҳкам  
ўринга эга, компьютер саводхонлиги кўрсаткичи эса кўп ҳоллар-  
да инсоннинг юқори савиясини белгилаб берадиган омилга ай-  
ланиб бормоқда. Эндиликда компьютерда ишлашни билмайдиган  
ҳодимни яхши мутахассис дейиш қийин. Агар ўтган асрнинг 90-  
йиллари ўрталарида ёшларнинг энг севимли машғулотлари му-  
сика тинглаш ва телекўрсатувлар кўриш бўлган бўлса, ҳозирги  
пайтда эса компьютер ва Интернет аввалги қизиқишларни ёш ав-  
лод ҳаётидан сиқиб чиқарди. Замонамиз ёшларининг 70 фоизи ўз  
қизиқиш ва севимли машғулотлари ҳақида сўз юритганда спорт,  
дўстлар билан суҳбатлашиш, маънавий ва маданий ҳордиқ чиқар-  
иш билан бир қаторда компьютер технологиялари, Интернетга  
бўлган қизиқишини биринчи ўринда тилга олади. Nielsen Net  
Ratings компанияси ўтказган сўнгги илмий текширув натижаларига  
кўра, бутун дунё тармоғига уланаётган ёш болаларнинг сони  
кун эмас, соат сайин ошмоқда: биргина 2007 йили Европада ёш  
авлод вакилларининг учдан бир қисми онлайн тизимидан фой-  
далангани кузатиш мумкин. 2008 йили дунё ахборот тармоғидан 10

миллион бола фойдалаган бўлса, ҳозирда уларнинг сони аллақачон 13 миллиондан ошиб кетди. Бу кўрсаткич кундан-кунга кўпаймоқда. Ўз ҳаёт мазмунини бундай онлайн тизимида кўраётган ёшларнинг катта қисми – 4,5 миллиони Буюк Британияга тўғри келади. Улар ҳар куни электрон манзилларини текширади, турли хил сайтлардан маълумот излайди ва чат (глобал тармоқдаги суҳбатхона)лар орқали мулоқотда бўлишади. Германияда ҳозирча 3 миллион ва Францияда эса 1,5 миллион бола вақтини асосан онлайн тизимида ўтказишади. Бир йилдан сўнг бу кўрсаткич икки баробарга ошиши кутилмоқда. Ёш авлоднинг компьютер саводхонлиги баланд, бугун ҳатто олти яшар болалар ҳам блутус (bluetooth) ва снам нималигини катталарга нисбатан яхши билади. Дунёнинг ривожланган мамлакатларидан бири Канадада ўн етти ёшгача бўлган 6 минг бола ўртасида ўтказилган тадқиқот натижасига кўра, Интернетдан фақат ахборот олиш мақсадида фойдаланмас экан. Сўровда иштирок этганларнинг 99 фоизи Интернетдан фойдаланишини, уларнинг ҳар ўнтасидан саккиз нафари уйда уланиш имкониятига эга эканини билдирган. Канада ёшларининг ярмидан кўпи Интернет ва компьютер технологияларини ота-оналаридан яхшироқ билишини айтган. Уларнинг 80 фоизи мустақил равишда Интернетга уланишини, ота-оналари компьютерга ҳимоя воситаси бўлган филтрлаш дастурини ўрнатиб қўймагани ва фарзандлари қандай сайтларга киришини назорат қилмаслигини тан олишди. Умуман олганда, аксарият ота-оналар, аниқроғи, уларнинг 65 фоизи фарзандлари Интернетдан фақат уй вазифасини тайёрлаш учун фойдаланади, деган фикрдадир.

Кун тартибидаги машғулотларни даражага бўлсак, бунда ёшлар илм олишни энг охириги ўринга қўяр экан. Улар асосан интернет орқали мусиқа тинглайди, электрон манзилни текширади, хуллас, вақтичоғлик қилади. Ёшларнинг учдан икки қисми Интернетга янги дўстлар орттириш ва ким биландир суҳбатлашиш мақсадида уланади, уларнинг 15 фоизи бу муносабатларни кейинчалик реал ҳаётда давом эттирар экан. Мулоқотнинг бу каби шакллари яхши, албатта. Бироқ масаланинг иккинчи томони ҳам борки, унга чуқурроқ назар ташлаш лозим. Алоҳида эътибор талаб этадиган жиҳат – Интернет орқали таҳдид деб номланади.

Хукуматимиз раҳбарининг бу борада куюнчаклик билан айтган сўзига хали кўн вақт бўлгани йўқ. Бу сўзни биз бежиз икки

бор такрорламадик. Президент таъкидлаганидек, "...баъзан беозор бўлиб туюладиган мусиқа, оддийгина мультфильм ёки реклама лавҳаси орқали ҳам маълум бир мафкуравий мақсадлар ва интилишлар ифодаланади"<sup>42</sup>. Бу фикрлар айнан компьютер, Интернет ва ундан фойдаланиш масаласига ҳам тегишли. Зоҳирда беозор кўринадиган компьютер ўйинлари остида нималар яширинганини билиш кийин эмас.

Бугунги кунда виртуал таҳдид ниҳоятда оммалашиб бормоқда. Ўтказилган тадқиқотлар натижаларидан маълум бўлдики, ҳозирда мактаб ёшидаги болалар Интернетдан тобора эрта фойдаланишга киришмоқда. Масалан, бошланғич синф ўқувчилари бемалол мактаб ён-атрофидаги кафе ёки клубга кириб, Интернетдан фойдаланиши мумкин. Шу боис улар уйда ҳам Интернетга уланиш имкони бўлишини хоҳлаши табиий. Лекин, мутахассисларнинг фикрича, ёши ўнга етмаган бола одатда мустақил равишда Интернетдан фойдаланиш учун зарур бўлган таъқидий, таҳлилий фикрлаш ва шу асосда маълумотларни фарқлаш, уларни ажрата билиш, бошқача айтганда, «фильтрлай» олиш қобилиятига эга эмас. Шу сабабли Интернетдан ёлғиз қолганда ҳам фойдаланиш эҳтимоли бўлган болани қаттиқ назорат остига олиш керак, унга ўзи ҳақидаги шахсий маълумотларни Интернет орқали танишган одамларга айтмасликни ўргатиш зарур. Сўнгги пайтларда Интернет орқали таҳдид этиш ёки илмий тилда айтадиган бўлсак, *грифинг* ҳолатлари кўп кузатилмоқда. Бу каби тармоқ безорилигининг энг биринчи қурбонлари айнан ёшлар қатлами, хусусан, ўсмирлар ҳисобланади. Бир қарашда беозор туюлган чат хоналар ёки махсус мулоқот дастурлари орқали кечадиган суҳбатлар тафаккури энди шаклланаётган болаларни баъзан жиноятгача етаклаб бораётгани ҳаётгий ҳақиқат. Виртуал секта ёки грифинг билан шуғулланадиганлар ёхуд *грифёрлар* замонавий ёшларнинг қизиқишларидан жуда яхши хабардор бўлиб, онлайн конференция, форум хоналарида исталган мавзуда суҳбат юритиши, ўзларини уларнинг муаммоларини тушунадиган одамлар сифатида кўрсатиши мумкин, бунинг устига, веб тармоқда анонимликни сақлаш хусусияти қисқа фурсат ичида ишончга кириб олишга имкон яратади.

---

<sup>42</sup> Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин "Тафаккур" // 1998. 2-сон, 6-бет.

Грифинг билан курапишнинг энг оддий усули – компьютерга махсус тақиқлов дастурлари (энг машхурлари Киберпатруль ёки Кидсконтрол)ни ўрнатиш. Шунда зарарли манбалардан келадиган барча хабарлар автоматик тарзда филтрланади ёки дастурга ота-оналар томонидан киритилган чеклов туфайли боланинг ўзи қизиқиб ноўя ахборотни олмоқчи бўлганда, автоматик тақиқ ишга тушади. Айни пайтда мазкур дастурлар ҳам тўлиқ хавфсизликни кафолатлай олмайди, чунки баъзида улар фойдали ахборотни чекаб қўйиши ёки кераксизини ўтказиб юбориши мумкин. Ҳозирги кунда кўплаб мамлакатларда Интернетдан фойдаланиш кўникмалари факультатив дарс сифатида мактаб дастурига киритила бошлади. Буни ҳам грифингга қарши курапишнинг ўзига хос усули сифатида кўрсатиш мумкин. Негаки, факультатив дарслар орқали болалар Интернетдан олинadиган маълумотларнинг қанчалик ҳаққоний ва тўғри эканини текширишга ўргатилади. Бундай дарслар, айниқса, ўсмирлар учун зарур.

Интернетда грифингдан ташқари ўсмир ёшлар учун яна бир қанча хавфлар ҳам бор. Яъни болалар ва Интернет муаммоси тобора чуқурлашиб бораётган бир пайтда, экстремистик характердаги секта ва уюшмалар сайтларининг фойдаланишга очиқлиги, виртуал фирибгарликка кенг йўл қўйилганини ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Болаларнинг қизиқувчан табиати уларни юқорида тилга олинган турдаги сайтларга етаклаши, бу веб-саҳифаларда уларнинг руҳий ёки жисмоний соғлиғига хавф солувчи маълумотларни кўришига олиб келиши табиий. Электрон почта манзиллари орқали олинган хабарлар кучли руҳий таъсир ўтказиб, болаларни Интернет доирасида ва ундан ташқарида ҳам жиноятга ундаши ҳеч гап эмас. Банк ёки кредит карточкасидаги ҳисоб рақамларни билган болакайлар онлайн савдоларида қатнашиш имкони билан бирга кичик ўйинчокдан тортиб то энг сўнги русумдаги автомобиль сотиб олиш ҳуқуқига ҳам эга бўлади. Бу эса уларни виртуал фирибгарларнинг нишонига айлантиради. Шу сабаб глобал тармоқдан фойдаланувчилар кўп бўлган Белоруссияда бу каби муаммолар қатор янги касбларнинг вужудга келишига ҳам туртки бўлган.

Янги турдаги мазкур мутахассисларининг вазифаси оилада Интернетдан фойдаланиш маданиятини жорий этадиган ҳамда болаларга психологик, маънавий ҳамда жисмоний зарар етказ-



майдиған очик ва хавфсизлик ахборот маконини яратишдан иборат. Шунингдек, кўплаб жимонг ташкилотлари, нодавлат ташкилотлар ва хусусий компаниялар ўз фаолиятини Интернетнинг болаларга таъсири ва ундан бўладиган зарарнинг олдини олиш усулларини ўрганишга қаратган. Жумладан, Интернет мазмунини баҳолаш ассоциацияси (ICRA) мустақил халқаро ташкилот бўлиб, асосий вазифаси ота-оналарни уларнинг фарзандларини тармоқда кутаётган кўнгилсизлик ва хавфли муносабатлар ҳақида огоҳлантириш, кибермаконда болаларни нотўғри ахборотлардан ҳимоялаш ва сўз эркинлигини таъминлашдан иборат. Ота-оналарга мавжуд муаммолар юзасидан маслаҳат, кўмак берадиган киберфаришталар (Cyberangels) – интернетда болалар ҳуқуқини ҳимоя қилишга йўналтирилган Европадаги илк ташкилотга 1995 йили асос солиниди ва айни пайтда унга АҚШ ва Канада каби давлатлар ҳам аъзодир. Муаммолар чуқурлашгани сайин бу каби ташкилотлар ҳам кенг кўламда тадқиқотлар ўтказиш ва мавжуд хавф-хатарларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқишни кучайтирмоқда. Хусусан, Болаларни асрайлик (Save the Children) халқаро ҳуқуқий ташкилоти ўтказган сўровномалар натижасида маълум бўлдики, АҚШдаги 15-17 яшар ўсмирларнинг 85 фоизи, Канада ёшларининг 93 фоизи мунтазам равишда Интернетдан фойдаланади. Коммуникация воқитлари тадқиқоти ассоциацияси (Association for the Research of Communication Media) олган натижаларга кўра эса, ўсмирлар қатга ёшлиларни 2004 йилдаёқ Интернетдан фойдаланиш бўйича ортда қолдирган.

Испаниянинг Болаларни ҳимоя қилиш агентлиги (Child Protection Agency) тадқиқотлари натижалари шуни кўрсатдики, Интернетдан доимий равишда фойдаланувчи болаларнинг 44 фоизи виртуал мулоқот пайтида ҳеч бўлмаганда бир марта, 11 фоизи эса бир неча бор таъқиб остига олинган. Эътиборли томони шундаки, сўровларда иштирок этган ёшларнинг 14,5 фоизи Интернет орқали нотаниш одамлар билан учрашув белгилаган, 10 фоизи бундай учрашувларга ёлғиз борган, 7 %и бу ҳақда ҳеч кимга ҳеч нарса айтмаган. Дунё миқёсида эса 38 % болалар зўравонлик руҳидаги сайтларни, 26 фоиз бола миллатчилик характеридаги веб-саҳифаларни мунтазам кузатиб бориши маълум бўлди. 2008 йилнинг охирига ойларида дунёнинг энг машҳур компанияларидан бири бўлмиш «Майкрософт» (Microsoft) 28 давлатда ўзи-

нинг чат хоналарини ёпишини эълон қилди. Бу ҳаракат болалар муаммолари билан шуғулланувчи ҳуқуқ-тартибот ҳамда хайрия ташкилотлари томоидан тўлиқ қўллаб-қувватланди, чунки эркин ва назоратсиз форум хоналар спам, вирус ва ахлоқсиз ахборотни тарқатиш маибаига айланиб қолган эди. Шу тариқа MSNнинг текин чатлари Европа, Яқин Шарқ, Африка, Осиё ва Лотин Америкасининг қўллаб мамлакатларида ўз фаолиятини тўхтатди. Уларнинг ўрнига Microsoft Messenger тезкор хабар алмашиниш тизими жорий қилиндики, эндиликда бу хизматдан фойдаланиш учун шахсий маълумотлари киритиш асосида рўйхатдан ўтиш талаб этилади. Чунки, ўтган йили Буюк Британияда шов-шувга сабаб бўлган зўравонлар устидан ўтказилган суд жараёнларининг камида 26 тасида қурбонга айланган болалар тақибчилар билан вертуал мулоқот орқали танишгани аниқланди.

Замонавий технологияларининг тез суръатларда ўсишига қарамай, баъзан одамлар улардан қандай оқилона фойдаланиш кераклигини тўлиқ англаб етмайди. Компьютер ва Интернетгача бўлган даврда ўсиб-улғайган аксарият ота-оналар ва муаллимлар агар бола Интернетдан фойдалана бошласа, албатта, фойдасидан зарари кўпроқ, деб ўйлайди. Болани компьютер ёки Интернетдан чалғитиш ҳаракати замирида аслида бошқа бир муаммо, яъни катталарнинг бу масалада нисбатан саводсиз экани аниқланди. Бироқ агар улар ўзлари аввал технологиялар саводсизлиги масаласига жиддийроқ ёндашиб, уни бартараф этишса, мақсадга мувофиқ бўларди. Негаки, саводсизлик масаласидан қочиш орқали болани технологиялардан ажратиб қўйиш тўғри эмас. Буининг устига яна бир жиҳат эътиборга лойиқ: болаларда кибернетик дўстга нисбатан муносабат айнан катталарнинг туган йўлидан келиб чиққан ҳолда шаклланади. Шубҳасиз, Интернет билим ва керакли ахборотни олиш учун улкан имкониятлар яратади, бироқ тармоққа жойлаштирилаётган катта ҳажмдаги ахборотнинг барчасини ҳам ишончли ва фойдали деб бўлмайди. Фойдаланувчилар маълумотларнинг тўғрилигини аниқ ажрата билиши учун танқидий фикрлаш қобилиятига эга бўлиши талаб этиларди. Бунинг учун болаларга Интернетда хоҳлаган одам ўз саҳифасини очиши, унга ҳар қандай маълумотни жойлаштириши, бу борада унга ҳеч ким тўсқинлик қила олмаслигини вақтида тушунтириш зарур. Болаларни кенг доирадаги манбалардан фойдаланишга йўналтириш жараё-

инди фикрларни фикрлардан фарқлашга, тўғрилиги тасдиқлан-  
миши ахборотдан ҳимояланишга уларни ўргатиш айниқса муҳим  
аҳамиятга эга.

Интернетнинг хавфлилик жиҳати шундаки, унда муайян маъ-  
навий ахлоқий меъёрлар йўқ бўлиб миллионлаб мижозларнинг  
маиший кўзини очмоқда. Илгари бу тармоқдан хавфсираш нис-  
батан камроқ эди, эндиликда эса икки жиҳатдан хавф ортган. Би-  
ринчиси, хажм ва қамров (горизонтал) жиҳатдан бўлиб Интернет-  
дан фойдаланиш арзонлашиб деярли компьютери бор кўп хона-  
донларда кузатиш мумкин. Компьютер илгаригидек тасаввурдаги  
бирор моддий мулк белгиси сифатида эмас, балки оддий иш ку-  
роли сифатида кўринмоқда. Шунингдек, унга эга бўлиш худди те-  
левизор сотиб олишдек бўлиб қолди. Қолаверса, Интернет махсу-  
лотларидаи фойдаланиш нафақат компьютерда, балки қандайдир  
чегирмалар билан мобил алоқа воситаларида ҳам кечмоқда. Де-  
мак хажм ва қамров жуда тезликда ўсмоқда. Иккинчиси, Интер-  
нет тармоғининг ичида қизиқишни, мойилликни оширувчи воси-  
талар ўйлаб топилишидир. Масалаи, баъзи ўйинларининг ютуғига  
пул қўйилган бўлиб, улар кўпроқ совринли мусобақани эмас, бал-  
ки ҳақиқий маънода қиморни эслатади.

Аниқлашимизча, Интернетдаги баъзи мураккаб ўйинларни  
фақат кичик ёшдагиларгина эмас, катталар ҳам ўйнашлари, ун-  
даги виртуал қахрамонларнинг ёвуз мақсадларининг ўйновчининг  
мақсади билан уйғунлашуви кишидан совуқ тер чиқарадиган да-  
ражада даҳшатлидир.

Ундаги ўйинларни хавфлилик даражасига қараб шундай тав-  
сифлаш мумки: Ахлоқан бузуқликка тарғиб қилувчи, маиший  
кўзни очувчи ўйинлар қуйидагилар – Shiper ops, Red aylerd,  
SPOR, стрип-шашки, стрип-нарди, Вовичка; кўнгил қаттиқлиги  
ва шафқатсизлик туйғуларини кучайтирувчи жанговар ўйинлар –  
Star craft, Line age, GTA, Catwoman, Spiderman, Transformers,  
Lift4dead, Sims sity, Mortal combat, War Craft, Call of Duty Ff3;  
психосоматик, кишида салбий руҳий ўзгаришларни келтириб чи-  
қарувчи ўйинлар – Line age, Lift4dead, NeighboursFromHell; қимор  
ўйинлари – Покер онлайн, жокер онлайн, очко, ва ҳ.к.; зарарсиз  
ўйинлар – Wonders, Komen Mak, Ralli...

Интернетдан фойдаланиш гўёки тиконзор ичидаи гул те-  
ришдек бўлиб қолди. Star craft, Line age, GTA, Catwoman,

Transformers, Lift for dead, Sims city, Mortal combat, War Craft, Duty Fr3, Call of Duty, Shiper ops Red, aylerd SPOR, Nud for spaig каби ўйинлар болаларга ёвузлик руҳида эртақ айтишдан ташқари уларни “қаҳрамон” сифатида ўз ёвуз оламига олиб кириб кетади. Энди компьютер қаршисидаги бола сайтда ўз виртуал киёфасини яратиб турли кўнгилсиз воқеаларга тўла ҳаёт ичига киради. Айниқса, олис масофадаги “адмнн”лар назорат қилаётган Интернетлараро ўйналаётган Line age ўйини хавфлилик жиҳатдаи юқори даражададир. Бунда бола “шафқатсиз ҳаёт” кўйнига сингишдан аввал виртуал қаҳрамонига, яъни ўзига қилич таилайди. У турли бонусларни (ҳадяларни) ютгани сари киргин қуроли мукамаллашиб бораверади. Масалан, қуроллари – хом, сом, арка, лук (камон), болға, шина, қилич (драконик), қилич (дестрний), сочма милтиқ ва ҳоказолар виртуал киёфага куч беради. Бундан ташқари биринчи лейблларда жонни кўпайтирувчи бафлар, ўқ тешиб ўтмас БИЖА кийимлар, зирҳлар Д, А, С категорияларда сақланади. Уларга эга чиқиш учун турли “машаққатли синовлар”дан ўтилади. Турли қасрларни куч билан эгаллайди. Унда ғарбдаги афсона-асотир образлари – оқ-қора элфлар, орклар, гномлар, титанлар, алдоқчи “фаришталар”, бадбашара одамлар билан шафқатсизларча уруш олиб борилади. Буида раҳм-шафқат кўрсатилмайди, чунки, раҳмдиллик кўрсатадиган “қаҳрамон” шу раҳмдиллиги қурбонига айланади. Ўйин шундай қурилганки, бунда озгина раҳмдилликии маҳв қилувчи юзлаб макрлар ишлатилади.

Мазкур тармоқлараро ўйинда ҳар бир қатнашувчининг бонуслари, жони, химоя кийими каби ашқол-дашқоллари яширилган ўз кодлари бўлиб уни тасодифан топиб олган бошқа қатнашувчи бемалол тап тортмай ўғирлайди ва бунинг оқибатида ўғирлик, беҳаёлик, шафқатсизлик реал ҳаётга кўчади. Чунки, бундай бонусларидан ажралган бола админ орқали “ўғри”нинг кимлигини топиб жазоламоқчи бўлади. Албатта, жазолаш фақат виртуал оламдаги эмас, балки мана шу реал ҳаётда юз бериши ҳам мумкин.

Афсуски, биздаги маълумотга кўра, шу ўйин оқибатида МДҲда икки марта қотиллик жинояти бўлган. Бизда эса, бир марта безорилик (муштлашув) юз берди. Ачинарлиси шуидаки, баъзи катта ёшдагилар ҳам бу ўйинни қизиқиб ўйнаётганидир. “Шафқатсиз қаҳрамон” ўрни келганида бошқа бегона чорасиз “қаҳрамонлар” билан уюшиб ҳаракат қилишига ҳам тўғри келади. Қи-

йии вазиятдан чикиб олгач эса, улар бир-бирига қарши уришади. Чунки, “сен ўлдирмасанг, сени ўлдирадилар” ақидаси ўйиннинг қоидасидир. Боягина бир-бирига “ёрдам” берган ҳамкорлар бир-бирини “ўлдиради”. Мана сизга мантисизлик, мана сизга мақсадсизлик, ғайринсонийлик.

Виртуал оламда кечаётган зўравонлик, сотқинлик, беҳаёлик, ўғирлик, бузуклик эртага реал ҳаётга кўчмайди, деб ҳеч ким кафолат беролмайди. Чунки, боланинг маиший кўзини очган, нафсини, шайтонини қувватлантираётган, яширин, “парваришланмаса” ҳеч қачон юзага чиқмайдиган туйғулари кўча-куйда “юз бермайди”, деёлмаймиз. Шунинг учун, Интернет кафеларда, уйдаги компьютерда сайтларни “ковлаётган” болаларнинг оталари дўпини ерга қўйиб, оналари бир озгина қозон-чўмичларини бир четга қўйиб ўйлаб, мулоҳаза юритсалар, фарзандларининг тарбиясига озрок вақт ажратсалар яхши бўлур эди. Юқорида таъкидлаганимиздек, бунинг учун ота-оналарнинг ўзлари озгина бўлсада (айтайлик 10%) компьютер бўйича саводларини оширишлари фойдадан ҳоли эмас. Бу, азбаройи фарзандларига тўғри йўл кўрсатишга ёрдам беради. Чунки, юқоридаги ҳолатлардан нафақат ўзлари, балки жамият ҳам зарар кўради. Масалан, 2007 йилдаги маълумотга назар солайлик: “BBC News хабарига кўра, Германиядаги мутасаддилар мамлакатдаги Интернет тармоғида ишловчи 12 минг кишини болалар порнографиясига оид материал алмашув тармоғи аъзоси деб гумон қилган. UPI агентлигининг қайд этишнча, улардан 1700 нафарига айблов эълон қилинган. 2008 йилнинг ёз ойида бошланган глобал рейд Саксония-Анхальт федерал ерида 300 нафар гумондорнинг хатти-ҳаракатини текширишдан старт олиб ушбу тадбир бутун дунёнинг 70 мамлакатада давом этиб келаяпти. Associated Press ахборот агентлигининг илк хабарига асосланган мазкур жиноятни очилишида Интернет-провайдерлардан бирининг ахбороти далил бўлган. Ушбу жиноятда болалар порнографиясини тарғиб қилувчи порталга кириш билан боғлиқ жуда кўп ҳолатлар аниқланган”.<sup>43</sup> Буларни назорат қилиш осонмас деймиз. Ундай Ўзбекистон телевидениссининг баъзи каналларида ғарб компанияларининг шарму хаёсиз маҳсулотларини узлуксиз тарғиб этилаётгани ҳам яхши эмас.

---

<sup>43</sup> “Жамият” газетаси, 2007 йил 28 декабрь 52-сон.

Президент Ислом Каримов сўзи билан айтганда, “агарки биз бундай хатарларга қарши ўз вақ-тида қатъият ва изчиллик билан кураш олиб бормасак, турли зарарли оқимлар бизнинг юртимизга ҳам шиддат билан ёпирилиб кириши, ёшлари-мизни ўз гирдобига тортиб кетишини, оқибатда уларнинг ота-она, оила, эл-юрт олдидаги бурчи ва масъулиятини ўйламайдиган, фақат бир кунлик ҳаёт билан яшайдиган худписанд кимсаларга айланиб қолиши мумкинлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Мана шу аччиқ ҳақиқатни юртимиздаги ҳар бир инсон, ҳар қайси ота-она, энг муҳими, ҳар қайси йигит-қиз чуқур англаб олишини истардим”.<sup>44</sup>

Кўз ўнгимизда фарзандларимиз кутубхонага эмас, балки, Интернет кафеларга бормоқдалар, бир четда чанг босиб ётган мумтоз куй-қўшиқлар ёзилган граммапластинкани эмас, кичкииа уяли алоқа тселефонидан махсус мослама орқали замонавий эстрада ва яллаларни тингламоқда. Уяли алоқа компанияларининг арзон бонуслари сабабли эндиликда ўсмирлар қўл телефонлари орқали Интернет сайтларига кирмоқдалар. Бугун нафақат кичкина фарзандларимизнинг, балки ўсмирларни ҳам тарбия жараёни мураккаб бир ҳолатдадир. Интернет сайтларидаги маҳсулотларни танқид қилиш осон. Уларга муқобил миллий, болалар ва ўсмирларга мос, уларнинг қизиқиш оламларига хос маҳсулотларни биз ҳам ишлаб чиқарсак бўлади. Бугун агар фарзандингиз китоб ўқимаса расмли китоб келтирсангиз ва тушунтирисангизки, шу расмдаги воқеани китобга ёзган, десангиз, у албатта ўқийди. Худди шу нарсани компьютер оламига кўчирсангиз, у шубҳасиз бошқа чалғитувчи сайтларга кирмайди. Чунки одатда бирор нимани таққиллашдан аввал унга муқобил бошқа яхши нарса таклиф қилинади.

### *Назорат саволлари*

1. “Гуманизм” гояларини ниқоб қилган бузғунчи мафкуралар фаолиятини биласизми?

2. Ғарблаштириш амалиётчилари ва бошқа мафкуравий шаклда қуролланган кучлар феномени деганда нмани тушунасиз?

3. “Оммавий маданият” иборасини таърифланг?

---

<sup>44</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008, 15-бет.

## Адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008 йил, 115-бет.
2. Каримов И.А. Империя даврида бизи иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2005, 11-бет.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт тамойиллари. – Т.: Ўзбекистон, 1997йил, 508-бет;
4. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. — Т., «Ўзбекистон», 1998, 87-88-бетлар.
5. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-жилд. Т., «Ўзбекистон», 2005, 137-138-бетлар;
6. Каримов И.А. “Жамиятимиз мафқураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин” “Тафаккур”, 1998й. 2-сон, 6-бет.
7. Каримов И.А. Ватанимиз ва халқимизга садоқат билан хизмат қилиш – олий саодатдир. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг IV қурултойидаги маъруза. – Т.: “Ўзбекистон”, 2007. – 80 б.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшлар йили” Давлат дастури тўғрисида ПҚ-805 сонли қарори. Халқ сўзи. 2008 йил. 1 март.
9. Маънавият: Асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009 йил –Б 800;
10. Бзежинский З. Выбор: мировое господство или глобальное лидерство. М.: Аст, 2004; Бзежинский З. Великая шахматная доска. Господство Америка и геостратегические императивы – М., 1998. С. 38.
11. Тимоти Уинтер (Абдул Ҳаким Мурод) “XXI асрда Ислом: Постмодерн дунёда қиблани топиш” Фаҳриддин Низомов таржимаси. – Т.: 2004. 63 б.
12. Умаров Б.З. Глобаллашув зиддиятлари. – Т.: Маънавият, 2008 йил.
13. “Жамият” газетаси хабари, 2007 йил 28 декабрь 52-сон.
14. Тронский И.М. История Античной литературы. -М., 1983.
15. История зарубежной литературы: Сред. Века, Возрождение. - М.,1978.

16. Артаманов С.Д. и др. История зарубежной литературы XVII-XVIII в.в.-М.,1978.
17. Зарубежная литература XIX века.-М., 1979.
18. История зарубежной литературы XX в.-М., 2000.
19. Методологические основы изучения и преподавания зарубежной литературы в высшей школе. -Т.: ТГУ.-1980.
20. История всемирной литературы.1-6 том. -М., 1983,1989.
21. “Сўз ташрифи” Баёз. -Т.: Тамаддун, 2010. –Б. 340.
17. Кун И.А.Легенды и мифы древней Греции.-М., 1955.
18. Мифы древней Индии.-М.,1975.
19. История эстетики: Памятники мировой эстетической мысли. В пяти томах.-М., 1964-1970.
20. Конфуцианство в Китае.-М., 1982.
21. Китайская классическая драма (Автор книги: В.Ф.Сорокин). -М., 1979.
22. Культура эпохи Возрождения | Сб. Статей. - Л., 1986.
23. Голосовкер Я. Логика мифа. - М., 1987.
24. Рифтин Б.Л. От мифа к роману. - М.,1979.
25. Мелетинский Е.М. Поэтика мифа. - М., 1976.
26. Аристотель. Поэтика. - Т., 1980.
27. Афанасьев А.Н. Дерево жизни. - М.,1982.
28. Савченко Т.А. Хрестоматия по зарубежной литературы. - М., 1980.
29. Йўлдошев Саъдулла ва бошқ. Қадимги ва Ўрта асрлар Ғарбий Европа фалсафаси. - Т., 2003.
30. Йўлдошев С. ва бошқ. Янги ва энг янги давр Ғарбий Европа фалсафаси. -Т., 2002.
31. Бертельс Е.Э. Очерки истории персидской литературы. - М., 1978.
32. Долинина А.А.Очерки истории арабской литературы нового времени. -М., 1983.
33. Кирквуд К.Ренесанс в Японии.-М.,1988.
34. Жирмуниский В.М. Тюрский героический эпос.-Л.,1974.
35. Ўзбек фольклорининг эник жанрлари.-Т., 1981.
36. Комилов И. Ибн Сино ва Данте. -Т., 1983.
37. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. -Т., 1997.
38. 22.Махмудов М. Ҳайрат ва тафаккур. -Т., 1990.



## МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
1-мавзу. Жаҳон адабиётида жанр ва унинг хусусиятларининг ўзгариши.....	5
2-мавзу. Қадимий жаирлар ва уларнинг хусусиятлари.....	18
3-мавзу. Жаҳон адабиётида модерни ва постмодерн оқимлар.....	33
4-5-мавзу. Символизм оқими ва улар олиб чиққан масалалар.....	57
6-мавзу. Структурализм оқими ва унинг адабиётдаги ўрни.....	73
7-мавзу. Герменевтика ва тушуйтириш санъати.....	80
8-мавзу. Экзистенциализм ва адабиётда мавжудлик фалсафаси. Экзистенциализм ва герменевтика.....	97
9-мавзу. Жаҳон тафаккур оламида таққиланган адабий оқим ва асарлар.....	116

*Илмий-методик нашр*

Нашриёт муҳаррири: Маҳкам Маҳмудов  
Мусахҳиҳа: Ҳилола Болтабоева  
Техник муҳаррир: Бехзод Болтабоев

«MUMTOZ SO‘Z»  
масъулияти чекланган жамияти  
нашриёти

Манзил: Тошкент, Навоий кўчаси, 69.  
Тел.: (998 71) 241-60-33 E-mail: mumtoz\_soz@mail.ru

Нашриёт лицензияси АІ № 103. 15.07.2008  
Босишга руҳсат этилди 12.05.2016  
Қоғоз бичими 60x84 1/32. Оффсет қоғоқи  
Times New Roman гарнитураси. Ҳисоб-нашриёт тобоғи 8,0  
Шартли босма тобоғи 8,75. Адади 300.  
Баҳоси келишилган нарҳда